

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 33:6.01:331.101(575.1)

**МАҲМУДОВ ШЕРАЛИ ХУСАНОВИЧ**

**“ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНСОН  
КАПИТАЛИНИ ТАКРОР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА УНДАН САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ”**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: Сагторқулов Обидкул Турдиқулович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

**Гулистон – 2022**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
I БОБ. ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	14
1.1. Инсон капиталини тадқиқ этишнинг концептуал асослари .....	14
1.2. Инсон капиталининг моҳияти ва тузилиши ҳақидаги замонавий қарашлар.....	29
1.3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида инсон капиталини тадқиқ қилиш борасидаги назарий ёндашувлар .....	42
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	64
II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ .....	66
2.1. Инсон капитал ва инновацион ривожланиш ўртасидаги муносабатлар таҳлили .....	66
2.2. Миллий иқтисодиётда инсон капиталини шакллантиришнинг хусусиятлари.....	75
2.3. Меҳнат фаолиятида инсон капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми.....	90
Иккинчи боб бўйича хулосалар .....	106
III БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	108
3.1. Миллий иқтисодиётда инсон капиталдан самарали фойдаланиш муаммолари .....	108
3.2. Инновацион ривожланишда инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва иқтисодий шароитлари.....	119
3.3. Инсон капитал сифатини яхшилашга кўмаклашувчи институтлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари .....	127
Учинчи боб бўйича хулосалар .....	135
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: .....	139
ИЛОВАЛАР .....	149

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсон капиталининг мазмун-моҳиятига кўра рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра “141 та давлат глобал миллий бойлик таркибида инсон капиталининг улуши сўнгги йигирма йил давомида 55%га ўсган. Инсон капиталининг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо бўлган юқори даромадли мамлакатлари миллий бойлигидаги улуши 70%, қуйи даромадли мамлакатлари бўйича 41%ни ташкил этади”<sup>1</sup>. Инсон капиталининг ҳолати тўғридан-тўғри аҳоли турмуш фаровонлиги ва умуман иқтисодий ўсишга таъсир этишига кўра анъанавий омилларга нсбатан фан-таълим, интеллектуал тарққиётнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бориши кузатилмоқда.

Бугунги кунда глобал ва миллий даражада ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини глобал ўзгаришларга кўра такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги тадқиқотларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда “инсон капитали” категориясининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш, инновацион ривожланиш шароитида инсон капиталининг таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки оптималлигини таъминлаган ҳолда инсон капиталини ривожлантиришда хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қуватлаш механизмларини такомиллаштириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида инсон капитали аҳамиятини янада оширишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш каби йўналишдаги тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилиши ташкил этилмоқда.

---

<sup>1</sup> Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. *The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future*. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодий шакллантириш жараёнида инсон капитални такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш борасида таълим-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш, узлуксиз таълим шароитида ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, инсон капитални ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “... Ўзбекистон 2030 йилга келиб ўртача даромаддан юқори мамлакатлар қаторига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, у ҳолда аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши йилига ўртача 10 фоизни ташкил қилиши лозим... Бу ўз навбатида давлатнинг иқтисодийга аралашувини чеклаш, хусусий секторни жадал ривожлантиришни кўзда тутди. Бундан ташқари, ҳукуматдан инсон капиталига, кучли ижтимоий ҳимоя тизимига ва яшил ўсиш моделига изчил тарзда сармоя киритиш талаб қилинади”<sup>2</sup>. Мазкур вазифаларни амалга ошириш инсон капитални ривожланганлик даражасининг турли гуруҳларидаги интерваллар ва кузатув бирликлари (ҳудудлар) чегаралари қийматларига мос келувчи инновацион тараққиёт интеграл кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш, инсон капитални ривожини баҳолашга ёндашувни “инсон капитални - инновацион тараққиёти даражаси” услубий матричасига кўра такомиллаштириш, инсон капиталдан самарали фойдаланишнинг муаммоли-бошқарув матричасига услубий ёндашув асосида инсон капитални такрор ҳосил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асослаш, инсон капиталнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда уни бошқариш бўйича мониторинг жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларнинг бажарилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт

---

<sup>2</sup> <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/05/18/uzbekistan-systematic-country-diagnostic>

стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертацион тадқиқот иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсон капитали, унинг таркиби, уни шаклланиши, такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий масалаларини тадқиқ этишга Т.Шулц, Г.Беккер, Х.Боуэн, М.Блауг, Ж.Минсер<sup>3</sup>, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Р.Харрод, К.Н.Оппенландер, Д.Н.Кондратьев, Ф.Агийон<sup>4</sup>, В.Е.Рохчин, Г.В.Клименков<sup>5</sup>,

---

<sup>3</sup> Becker, Gary. Investment In Human Capital. A. Theoretical Analysis // Journal of Political Economy, 1962. Vol. 70 (5, Part 2, Supplyment). Pp.9-49.; Schultz Theodore W.investment In Human Capital // The American Economic Review, 1961. Vol.51(1), pp.1-17; Bowen, H.r. Investment Learning San Francisco . Jossey- Bass , 1977.p.507; Blaug M. The empirical status of human capital theory: A slightly jaundiced survey/ Journal of ecomic literature 1976, September 1, 14(3): pp.827-55; Jacob Minser: Investment In Human Capital and Personal Income Disturbution // Journal of Political Economy, 66. August 1958.pp.281-302; Mincer J, Polochek S. Family Investments in Human Capital: Earnings of Woman // Journal of Political Economy Volume 82 Number 2. Part II March/aprel 1974 Http://www.nber.org

<sup>4</sup> Aghion P., Meghir C. (2004). Growth, distance to frontier and consumption of human capital. The Institute for Fiscal Studies, WP04/31, 1—50. - [https://pdfs.semanticscholar.org/53b3/afe03f5248ac03e415a136a-6884c0de8e14f.pdf?\\_ga=2.172718883.109754537.1540976232-1101141696.1540976232](https://pdfs.semanticscholar.org/53b3/afe03f5248ac03e415a136a-6884c0de8e14f.pdf?_ga=2.172718883.109754537.1540976232-1101141696.1540976232) (accessed: 20.10.2018).

<sup>5</sup> Клименков, Г.В. Инновационное социально-экономическое развитие региона: проблемы и возможности [Текст] / Г.В. Клименков // Журнал экономической теории. - 2006. - № 4. -С. 76-97.

Пакина А.А, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар<sup>6</sup> катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда инсон капитали, унинг таркиби, уни шаклланиши, такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари Қ.Х.Абдурахмонов<sup>7</sup>, С.С.Ғуломов, О.К.Абдурахмонов, А.А.Артиков, Н.К.Зокирова, Б.Х.Умурзаков, Х.П.Абулқосимов, А.В.Вахабов<sup>8</sup>, У.В.Ғафуров, Н.К.Муродова, С.А.Абдуллаев, Д.М.Каримова<sup>9</sup>, З.Я.Худойбердиев, Д.Н.Рахимова, М.Х.Саидов, Ш.Г.Акрамова<sup>10</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалар билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталини такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>6</sup> Нуриев Р.А. Теории развития, новые модели экономического роста (вклад человеческого капитала. //Вопросы экономики.- 2000.-№9.-С.137.,Ноткин А.И. Вопросы эффективности и интенсификации общественного производства. М., 1996., Первушин С.П. Воспроизводство и экономической рост. М. 1998 год., Погосов И.А. Проблемы оптимизации использования ВВП на накопление капитала и конечное потребление в условиях модернизации экономики на принципиально новой основе – Москва, 2010.

<sup>7</sup> 2017. – 220с.; Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий кадрият. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи» 2017. – 346б.; Ғуломов С.С. ва бошқ. Ўзбекистонда инсон капитали омилининг ўзаро алоқалари самарадорлиги //Молия. – Тошкент, 2014. - №4. 119-127 б.

<sup>8</sup> Абдурахманов О.А. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 156 С.; Умурзаков Б.Х. Основные критерии оценки развития человеческого потенциала и их характеристики // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Монография под ред. Акад. Р.А.Убайдуллаевой. – Т., 2012. – С. 183-192.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т.: ТМИ, 2005. – 182 б.; Вахабов А.В. Инсон капиталининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари // Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш. Илмий мақолалар тўплами. –Т.: Lesson Press. 2017. 5-12б.

<sup>9</sup> Рахимова Н. Х. Основы социальной стратификации современного общества: теория, зарубежный и отечественный инструментариий. Учебное пособие. – Т.: Ижтимоий фикр, 2018. – 190с.; Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Ташкент, «Baktria Press» 2012. С.199-207.

<sup>10</sup> Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019.

инсон капиталининг концептуал асосларини тадқиқ этишни ривожлантириш;

инновацион иқтисодий шакллантиришда инсон капиталининг моҳияти ва тузилиши ҳақидаги замонавий қарашларни ўрганиш;

инновацион иқтисодий шакллантиришда инсон капиталини шаклланиши, уни такрор ҳосил қилишга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг манбаларини очиб бериш;

инновацион иқтисодий шакллантиришда инсон капиталининг сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолашнинг услубий масалаларини тадқиқ этиш;

инсон капиталининг ривожланиши ва инновацион тараққиёт ўртасидаги боғлиқликнинг услубий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда инновацион иқтисодий шакллантиришда инсон капиталини такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан илмий тақлифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодий шакллантиришда инсон капиталининг такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида инсон капиталининг такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, мантиқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, ижтимоий сўров ўтказиш, иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, корреляцион-регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инсон капитали ривожланганлик даражасининг турли гуруҳларидаги интерваллар ва кузатув бирликлари (ҳудудлар) чегараларининг юқори (0,53 –

0,76), ўртача қийматдан юқори (0,51 – 0,53), ўртача (0,49 – 0,51), ўртача кўрсаткичдан паст (0,48 – 0,49), паст (0,43 – 0,48) қийматларига мос келувчи инновацион тараққиёт интеграл кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик даражаси аниқланган;

инсон капитали ривожини баҳолашга ёндашув ҳудудларни инсон капитали ва инновацион ривожлантириш даражаси, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги иштироки негизда “инсон капитали - инновацион тараққиёти даражаси” таклиф этилган услубий матрицага кўра такомиллаштирилган;

аҳолининг инновацион кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, бандлик дастурларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари инвестиция ва кредит фондларини ташкил қилиш кабиларга кўра инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг муаммоли-бошқарув матричасига услубий ёндашув такомиллаштирилиб, унга кўра инсон капиталини такрор ҳосил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий жиҳатдан асосланган;

инсон капиталининг сифати ва самарадорлигини ошириш, уни бошқариш мониторингини юқори малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва услубий кўмаклашиб боришни таъминловчи амалий малака марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

инсон капиталининг миллий ва ҳудудий даражада иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш даражасига ижобий таъсир этиши асослаб берилган;

инновацион иқтисодиётни шакллантиришда инсон капиталининг сифатига таъсир этувчи омиллари аниқланган ва уларни баҳолашнинг услубий масалаларини тадқиқ этилган, бу борадаги ёндашув муайян тизимга солинган;



миллий иқтисодиётда инсон капиталининг ривожланганлик даражасини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш таклиф этилган;

узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва таълим тизимининг барча босқичларида аҳоли мос ёш гуруҳларининг қамров кўрсаткичларини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

инсон капиталини ривожлантириш жиҳатидан нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга доир ҳукумат меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилган;

миллий инсон капиталини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичларини белгилаш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар инсон капиталини такрор ҳосил қилиш, ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш бўйича назарий-услубий базани такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миллий иқтисодиёт ва унинг ҳудудлари даражасида инсон капитали сифатини яхшилаш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ стратегик қарорлар, инвестицион дастурлар, ҳамда таълимнинг узвий ва узлуксизлигини таъминлаш асносида истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда, соҳага оид тизимли чоратадбирларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сингари тузилмалар томонидан қўлланилиши ҳамда соҳага оид дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, дастурларнинг, жумладан “Инновациялар иқтисодиёти”, “Инсон ресурсларини бошқариш” фанлари ўқув дастурлари мазмунини бойитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда инсон капиталини такрор ҳосил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инсон капитални ривожланганлик даражасининг турли гуруҳларидаги интерваллар ва кузатув бирликлари (ҳудудлар) чегараларининг юқори (0,53 – 0,76), ўртача қийматдан юқори (0,51 – 0,53), ўртача (0,49 – 0,51), ўртача кўрсаткичдан паст (0,48 – 0,49), паст (0,43 – 0,48) қийматларига мос келувчи инновацион тараққиёт интеграл кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик даражасидан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “Инсон капиталини такрор ҳосил қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги йўл хариталари ва дастурларини” ишлаб чиқишда ҳамда Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси (2022 йил 21 октябрдаги 05-10/1-сонли, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 05 августдаги 04-00/01-683 сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ҳудудларнинг барқарор ривожланиши борасидаги тафовутларни аниқлаш ва бу борада аниқланган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконияти яратилган, мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, илмий-техник тараққиёт натижаларини амалиётга кенг қўллаш, иқтисодий субъектлар ва миллий хўжалик миқёсида ижтимоий, иқтисодий, экологик самара олинишини таъминлаш имкони яратилган;

худудларни инсон капитали ва инновацион ривожлантириш даражаси, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги иштироки негизида “инсон капитали - инновацион тараққиёти даражаси” услубий матричасига кўра ёндашув борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “Инсон капиталини такрор ҳосил қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги йўл хариталари ва дастурларини” ишлаб чиқишда ҳамда Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2022 йил 21 октябрдаги 05-10/1-сонли, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 августдаги 04-00/01-683-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши маълумотлар оқимининг кўплиги, мураккаблиги, турли йўналишдалиги, объектлар хусусиятларининг ҳар хиллиги шароитида мақбул стратегияларни ишлаб чиқиш, омиллар комбинацияси, инновацион ривожланиш ва миқдор-сифат кўрсаткичларини ўзаро таққослаш имкониятлари кабиларга кўра инсон капитали даражасини баҳолашда матрицали ёндашувдан самарали фойдаланишнинг услубий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

аҳолининг инновацион кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, бандлик дастурларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари инвестиция ва кредит фондларини ташкил қилиш кабиларга кўра инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг муаммоли-бошқарув матричасига услубий ёндашув такомиллаштирилиб, унга кўра инсон капиталини такрор ҳосил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “Инсон капиталини такрор ҳосил қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги йўл хариталари ва дастурларини” ишлаб

чиқишда ҳамда Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2022 йил 21 октябрдаги 05-10/1-сонли, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 августдаги 04-00/01-683-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифлардан фойдаланиш аҳолининг инновацион кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг ўқув-услубий таъминотини кенгайтириш, аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирларини таъминлашга хизмат қилган;

инсон капиталининг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда уни бошқариш бўйича мониторинг жараёнларини юқори малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва услубий кўмаклашиб боришни таъминловчи амалий малака марказлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “Инсон капиталини такрор ҳосил қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасидаги йўл хариталари ва дастурларини” ишлаб чиқишда ҳамда Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2022 йил 21 октябрдаги 05-10/1-сонли, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 августдаги 04-00/01-683-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифдан фойдаланиш инсон капиталини такрор ҳосил қилиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ўз вақтида аниқлаштириш ва тезкор ҳал қилиш борасида йўл хариталари ва дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан Сирдарё вилоятини инновацион жиҳатдан ривожлантириш борасидаги мавжуд тўсиқларни аниқлаштириш ва уларни ҳал этишнинг тизимли усул ва воситаларидан фойдаланиш имконини

бериб, бунинг натижасида 2021 йилда Сирдарё вилоятида лойиҳа қиймати 12 миллиард сўмлик, жами 11 та инновацион лойиҳа амалга оширилган ва 70 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 тадан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилди, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 137 бетдан ташкил топган.

# **I БОБ. ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ**

## **1.1. Инсон капитални тадқиқ этишнинг концептуал асослари**

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталининг миллий иқтисодиётни барқарор тараққиётини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш, ундан самарали фойдаланиш борасида тегишли шарт-шароитларни яратиш масалалари мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi ва барқарор ривожланишини таъминлаш жиҳатидан илмий изланишларнинг муҳим йўналишларидан бирини ташкил қилади. Бу борада илмий тадқиқотларда инсон капитални тақрор ҳосил қилиш, инсон капиталининг ривожланганлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш, инсон капитали таркибий унсурларининг ўзаро муносабатини баҳолаш, инновацияларнинг жорий этилиши ва тарқалишига таъсирини аниқлаш, инсон капитални ривожлантиришнинг самарали усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инновацион ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар қаторига миллий иқтисодиёт даражасида ҳар бир ҳудуднинг ўзгаришлари кўлами, тезлиги ва чуқурлигидаги фарқ ҳам киради. Турли зиддиятларнинг вужудга келиши сабабли номутаносибликларнинг ўсиши ҳудудларнинг инновацион тараққиётида турли фаарқларни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида инновацион ривожланиш даражасини белгилаб берувчи омилларни ҳар жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида 52-мақсад сифатида: “Глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотларни ва инновацион

ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш”<sup>11</sup>-белгилаб берилишининг ўзиёқ, инновацион иқтисодиётни қарор топтириш масаласи миллий иқтисодиёт учун нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатда мамлакатнинг ўзига хос ва етарлича самарали бўлган миллий инновацион тизимини барпо қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, инновацион тараққиётнинг янги моделига ўтиш бирданига тўпланиб қолган салбий жараёнларни енгиб ўтиш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш имконини бермайди. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги инновацион моделини қарор топтиришда инновацион салоҳиятдан фойдаланишни жадаллаштириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, инновацион хўжалик тизимларининг самарали фаолият кўрсатишига имкон берувчи янги институционал тузилмаларни яратишга алоҳида урғу бериш талаб қилинади. Ҳозирда жаҳонда бизнес, фан ва давлатнинг ўзаро алоқаларига асосланган инновацион тараққиётнинг тўртта модели мавжуд бўлиб, мамлакатлар муайян шарт-шароит ва омилларни ҳисобга олган ҳолда, у ёки бу моделни танлашни маъқул кўрадилар. Мавжуд инновацион тараққиёт моделларининг афзалликларини таққослаш ва уларни ўрганиш асосида университет, саноат ва давлатнинг ўзаро муносабатларига асосланувчи, “учламчи спирал” модели катта қизиқиш уйғотади. Мазкур моделда инновацион иқтисодиёт асосларини шакллантиришда университетларга катта эътибор қаратилади (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвалда 4 та моделнинг мақсади, вазифалари, моделнинг асосий ўзаги ва инновацион цикли келтирилган бўлиб, моделларнинг таққослама тавсифи келтирилган.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

1995 йилда Буюк Британияда Ньюкастл университети профессори Генри Ицковиц Амстердам университети профессори Лойет Лейдесдорфлар томонидан “учламчи спирал” модели таклиф қилинади<sup>12</sup>.

**1.1.1-жадвал.**

**Мавжуд инновацион ривожланиш моделларининг таққосланма тавсифи ва таҳлили**

<b>Мақсад</b>	<b>Вазифалар</b>	<b>Модел ядроси</b>	<b>Инновацион цикл</b>
<b>I. “Евроатлантик модел” (Буюк Британия, Германия, Франция, Италия)</b>			
Тўлиқ инновацион тизим циклини яратиш	-хусусий ишланмаларни тижоратлаштириш; - зарурий ишланмаларни импорт қилиш; -юқори технологияли маҳсулот ва технологияларни экспорт қилиш	Университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари	Тўлиқ инновацион цикл
<b>II. “Шарқий Осиё модели” (Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайвань)</b>			
Жаҳон инновацион тизимига интеграция қилинган инновацион тизимни барпо қилиш	-зарурий ишланмаларни импорт қилиш; юқори технологияли маҳсулот ва технологияларни экспорт қилиш	Илмий-тадқиқот лабораториялари ва корпорациялар қошидаги амалий тадқиқот марказлари	Фундаментал фаннинг мавжуд эмаслиги
<b>III. “Муқобил модель” (Таиланд, Чили, Туркия, Иордания, Португалия)</b>			
Тараққий этган мамлакатларнинг инновацион тизимлари билан итеграция қилиш	юқори технологияли маҳсулот ва технологияларни импорт қилиш	Университет ва технопаркларнинг инновацион инфратузилмаси	Фундаментал ва амалий фаннинг мавжуд эмаслиги
<b>IV. “Учламчи спираль” модели (АҚШ, мазкур моделнинг айрим унсурлари Европа мамлакатларининг миллий инновацион тизимида ўз аксини топган)</b>			
Бошқа мамлакатларнинг инновацион тизимларини ютиб юбориг асосида молиявий ресурсларни жамлаш	-хусусий ишланмаларни тижоратлаштириш; - юқори технологияли маҳсулот экспортини йўлга қўйиш	Фан-давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги	Тўлиқ инновацион цикл

Манба: Ахмедов Д.К., Нуманов К.Ф. Теоритические аспекты инновационной модели экономики. *Иқтисодиёт ва таълим/2020№4*

<sup>12</sup> Etzkowitz H., Zhou C. The Triple Helix: University-industry-government innovation and entrepreneurship. London, NY:Routledge, 2017.-327 p.



Инновацион ривожланишнинг бошқа моделларидан фарқли ўлароқ, “учламчи спирал” моделида учта ташкил этувчи: университет, бизнес ва давлатнинг ўзаро таъсирлашуви муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон банки каби йирик халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар узоқ йиллардан буён “номоддий” инсон капитали ва ижтимоий капитални яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш билан шуғулланиб келади. Қуйидаги 1.1.2-жадвалдан кўриниб турибдики, “инсон капитали”ни таърифлаш борасида яхлит бир ёндашув мавжуд эмас.

### 1.1.2-жадвал.

#### Инсон капитали ва ижтимоий капитал тушунчаларининг таърифи

Инсон капитали	Ижтимоий капитал
<b>Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти</b>	
Хўжалик фаолиятини амалга оширишда талаб қилинувчи ва муайян бир шахс томонидан эгалланган билим, малака, кўникма ва шу каби сифатларнинг йиғиндиси	Белгиланган мақсадларга эришиш борасида инсонларга ўз ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини берувчи ижтимоий тузилмаларда қарор топган меъёрлар ва ижтимоий муносабатлар
<b>Жаҳон банки</b>	
Инсон томонидан эгалланган ва унинг меҳнат самарадорлигини оширишга имкон берувчи билим, малака ва кўникмаларнинг яхлитлиги. Инсон капиталини таълим, соғлиқни сақлаш, касбий тайёргарлик каби-ларга сармоя киритиш орқали кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мумкин	Жамоавий ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконини берувчи ўзаро алоқалар, урф-одатлар ва институтларни ўз ичига олади
<b>Европа Иттифоқининг ижтимоий ўлчовлар ва бандлик бўйича олий даражадаги гуруҳи</b>	
Шахсий, ижтимоий, иқтисодий фаровонликка имкон берувчи хахсга тегишли бўлган билим, кўникма ва компетенциялар	Умумий мақсадларга эришиш учун гуруҳ ичида ёки гуруҳлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка замин яратувчи ўзга шахсларнинг қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрларини ҳурмат қилган ҳолда ижтимоий ҳаётда иштирок этиш (European Council, 2003)
<b>Қироллик технологик институти тадқиқотчилари КТН (Стокгольм)</b>	
Ижтимоий капитал- ижтимоий тармоқлар орқали яратилувчи, тўпланувчи ва узатилувчи муносабатлар, меъёрлар ва қоидаларнинг жамланмаси (Westlund, Gawell, 2012. P.104)	

Манба: <https://mgimo.ru/upload/iblock/19f/19fe6395e5a15150f715f072dd07a1fa.pdf>

Бир қатор тадқиқотчиларнинг изланишларида инсон капиталининг интеллектуал (билим, кўникма ва бошқалар) ва ижтимоий (ижтимоий

алоқалар, ижтимоий тармоқлар ва уларга жалб қилинганлик ва шу кабилар) жиҳатлари ажратиб кўрсатилгани ҳолда, инсон капитали шунингдек, махсус ёки индивидуал (билим ва кўникмаларни узатиш имкониятисиз ва оддий (билим ва кўникмаларни узатиш имконияти) бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим<sup>13</sup>.

Жамғарилган билимлар кўринишида шахснинг номоддий бойлиги сифатида инсон капиталини турли йўллар билан кўпайтириш мумкин: таълимни давом эттириш, янги билимлар яратиш ва ихтироларни патентлаш, бошқарув кўникмаларини такомиллаштириш. Бундан хулоса қилиш мумкинки, инсон капитали шахс эгалик қилувчи билим, кўникма ва тажрибаларнинг умумийлигини ифода этса, ижтимоий капитал эса ундан инсонларнинг биргаликдаги фаолиятида фойдаланишни акс эттиради (1.1.2-жадвал). Шунини таъкидлаш лозимки, қўшилган қиймат яратиш ёки ҳаёт сифатини яхшилаш жараёнида фойдаланилмайдиган юқори сифатли инсон ресурсларини инсон капитали сифатида баҳолаб бўлмайди.

Қуйидаги 1.1.3-жадвалда билимларнинг турлари келтириб ўтилган. Билимлар аниқ маълумотларга асосланган билимлардан тортиб, ижтимоий ҳамкорлик жараёнида фойдаланилувчи билимларгача бўлган турларга бўлинади.

### 1.1.3-жадвал.

#### Билимлар категорияси

<b>Know-what</b>	Амалий билимлар
<b>Know –whu</b>	Жамият, тафакур, табиат қонунлари ва тамойиллари ҳақидаги билимлар
<b>Know- how</b>	Кўникмалар, яратувчанлик қобилияти (ижодий фаолият)
<b>Know- who</b>	Ҳамкорликка, турли инсонлар ва экспертлар билан мулоқотга киришувчанликка бўлган лаёқат

Манба: OECD, 2001. P. 18-19.

Инсон капиталини нафақат муайян бир шахс, балки бутун бир жамиятнинг фаровонлиги ва рақобатбардошлигини ошириш воситаси

<sup>13</sup> Gestion des ressources humaines. 2020.28.10. [www.forces-humaines.com/capital\\_humain.php](http://www.forces-humaines.com/capital_humain.php).

сифатида баҳолаш лозим, чунончи мамлакатнинг тараққиёти биринчи навбатда интеллектуал салоҳиятга боғлиқ эканлиги бугун куннинг ҳаётий ҳақиқатига айланиб улгурди.

Бизга маълумки, инновацион ривожланишни белгилашда олимлар ушбу жараённинг қуйидаги жиҳатларига эътибор беришади:

- микдорий (техник ихтироларнинг сони) ва сифат ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда (трансформацияларда ташкилий ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш) - М.А.Батковский, В.П.Божко, С.С.Ғуломов, Р.А.Убайдуллаева;

- трансформацияларнинг стратегик, кенг камровли хусусияти (иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги жараёнларни ҳисобга олиш зарурати; ҳаётнинг барча жабҳаларида янгилик ва ихтиролардан фойдаланишни турли йўллар билан қўллаб-қуватлаш) - В.Е. Рохчин<sup>14</sup>, Г.В.Клименков<sup>15</sup>, Д.М.Каримова<sup>16</sup>, Ш.Г.Акрамова<sup>17</sup> ;

- ўзгаришларнинг йўналтирилганлиги, бошқарув иерархиясининг турли даражаларида тақсимланиши, инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик (Л.Г.Симкина<sup>18</sup>, А.Е.Курило<sup>19</sup>, Cohen D<sup>20</sup>, Denison E. F<sup>21</sup>);

- трансформацияларда шахснинг фаоллиги (технологик ўзгаришларнинг узок муддатли суръатларини шакллантирувчи ва ўз ҳатти-ҳаракатларида атроф-муҳит омилларини, шунингдек, инновацион фаолиятни ривожлан-тиришга таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларни ҳисобга олувчи стратегик инноваторлар) – Г.Абдурахманова<sup>22</sup>, Қ.Х.Абдурахмонов<sup>23</sup>, С.Литовченко, О.А.Строева<sup>24</sup>, Venhabib J.<sup>25</sup>;

<sup>14</sup> Базарова, Т.Ю. Управление персоналом [Электронный ресурс] / Т.Ю. Базарова. - Режим доступа: <http://www.mcprg.ru/cgi-bin/rus/tour/article.cgi?art=1010511>

<sup>15</sup> Клименков, Г.В. Инновационное социально-экономическое развитие региона: проблемы и возможности [Текст] / Г.В. Клименков // Журнал экономической теории. - 2006. - № 4. -С. 76-97.

<sup>16</sup> Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Т.: «Baktria Press» 2012. С.199-207.

<sup>17</sup> Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари / Илмий рисола. Ш.Г. Акрамова. – Т.:

<sup>18</sup> Симкина, Л.Г. Человеческий капитал и проблемы формирования инновационной экономики [Текст]: монография / Л.Г. Симкина. - СПб.: СПбГИЭА, 2007. - 227 с.

<sup>19</sup> Инновационный путь развития Республики Карелия [Текст]: монография / под ред. А.Е. Курило. – Петрозаводск: Карельский научный центр РАН, 2007. – 164 с.

<sup>20</sup> Cohen D., de Soto M. Growth and human capital: Good data, good results // Journal of Economic Growth. 2007. Vol. 12. # 1.

<sup>21</sup> Denison E. F. The sources of economic growth in the United States and the alternatives before us. N.Y. 1962.

<sup>22</sup> Абдурахманова Г., РУСТАМОВ Д. Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 15.

- хом-ашёга боғлиқликни камайтириш ва номоддий активлар таъсирини ошириш орқали рақобат курашида афзалликларнинг мавжудлиги (А.В.Вахобов, А.И.Шишкин ва бошқалар)<sup>26</sup>;

- демографик жараёнларнинг қулай динамикаси, аҳолининг турмуш даражасининг ўсиши, атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишидан иборат бўлган ўзгаришларнинг ижобий натижалари (О.А.Аманов)<sup>27</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги бир томондан инсон ҳаётининг сифат жиҳатдан ўзгаришига таъсир кўрсатса, бошқа бир томондан эса, жамият аъзоларининг қобилият, касбий кўникма ва малакаларини ўзгартиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Инновацион ривожланишни юқоридаги хусусиятлар ва ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, уни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар ва ислоҳотларда инсонларнинг фаол иштироки, фаолият услуби ва воситаларини такомиллаштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан тавсифланувчи стратегик жараён сифатида талқин қилишимиз мумкин бўлади.

Инсон капиталининг инновацион ривожланишга таъсирини баҳолаш ҳамда ақс таъсирни таҳлил қилиш бўйича қўлланилган турли хил назарий ёндашувлар, усуллар ва маълумотлардан фойдаланилган тадқиқотлар хилма-хил натижалар беради, бу эса ушбу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни атрофлича ўрганишни тақозо қилади.

Тадқиқот натижаларидаги фарқланишларнинг асосий сабабларидан бири - бу инсон капитали ва илмий-техник тараққиётнинг иқтисодий ўсишга

---

<sup>23</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Ўзбекистонда инсон тараққиёти: эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. / Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти: ҳозирги ҳолати ва ундан фойдаланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. Т.: 2011. 22-27 бет.

<sup>24</sup> Литовченко С. Инновационное развитие — основа ускоренного роста экономики Российской Федерации: Национальный доклад / С. Литовченко, М. Шеховцов, А. Дынин, С. Костров, В. Евсеев, А. Гришунин. — М.: Ассоциация менеджеров, 2006. — 76 с.

<sup>25</sup> Benhabib J., Spiegel M.M. The role of human capital in economic development: Evidence from aggregate cross-country data // Journal of Monetary Economics. 1994. Vol. 34. # 2.

<sup>26</sup> <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=4220>

<sup>27</sup> Amanov, O.A. (2018) "INNOVATIVE ACTIVITIES IN THE RURAL LABOR MARKET," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No. 5, Article 17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/17>

таъсирини турлича изоҳлаб беришга хизмат қилувчи назарий қоидалардан фойдаланилганлигида намоён бўлишидир. Жамғариш назарияси нуктаи назаридан ёндашилганда, инсон капитали меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатишини кўришимиз мумкин бўлади. Ассимиляция назариясига кўра, инсон капитали технологик тараққиётни жадаллаштиради, ўз навбатида технологик тараққиёт эса иқтисодий ўсишга туртки беради.

Дастлабки назарий шарт-шароитларнинг турли туманлиги туфайли тадқиқотларда қўлланиладиган моделлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Моделларнинг бир гуруҳида техник тараққиёт иқтисодий ўсишни рағбатлантиради ва ташқи таъсирлар бўлмаган тақдирда ишлаб чиқариш омиллари (шу жумладан, инсон капитали) рентабеллиги пасайиши туфайли иқтисодий ривожланишни секинлаштиради.

Иккинчи гуруҳда эса, инсон капиталига инвестициялар ишлаб чиқариш омилларининг рентабеллигини пасайтирмайди, аксинча янги билим ва технологияларни яратишни таъмин қилади, ўз навбатида ишлаб чиқариш омиллари ва кўрсаткичларидан бирининг доимий ўзгариши иқтисодий ўзгаришларнинг тезлигига таъсир қилиши мумкинлигини кузатишимиз мумкин.<sup>28</sup> Ушбу моделлар гуруҳида инсон капитали мамлакат ялпи ишлаб чиқариши ҳажмига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида кўрилади. Иқтисодий ривожланишга билим ва илмий салоҳият таъсирини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар россиялик иқтисодчи олимлар В.В.Киселева, Т.Е.Кузнецова, В.Л.Макарова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Бу борада маҳаллий мутахассислардан Ш.Г.Акрамова, А.Амановлар “ишлаб чиқариш кучи сифатида инсон ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди, инсон тарбияси, таълим олиши унинг қийматини

---

<sup>28</sup> James Foreman-Peck. Human Capital and Economic Growth: Pakistan, 1960-2003 [Text] / James Foreman-Peck // The Labore Journal of Economics. - 2008. - 13(1).

шакллантирувчи маълум бир харажатларни талаб қилади<sup>29</sup>-деб, таъкидлайдилар.

XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, инсон капиталини миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар амалга ошира бошланган. Академик С.Г.Струмилин 1920-йилларда таълимнинг мамлакатлар иқтисодий ўсишига таъсирини таҳлил қилган<sup>30</sup>.

1960-1970 йилларда россиялик олимлар (А.И.Анчишкин, Т.С.Хачатуров, Ю.В.Яременко) иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқадилар ва бунда улар интенсив ўсиш ва унинг миқдорий жиҳатларига алоҳида урғу берадилар. 1980-йилларнинг бошларига келиб, иқтисодий ўсиш назарияси шаклланди, мазкур назарияда ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш борасидаги қарашлар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қилувчи тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.<sup>31</sup>

Ушбу масала макро ва микро даражаларда ўрганилган. Хусусан, О.Г.Голиченко макроиқтисодий воситаларнинг иқтисодий ўсишга, инновацияларга асосланган таъсирини ҳисобга оладиган ёндашувни таклиф қилган бўлса; Т.В.Теплова интеллектуал капиталнинг микро даражадаги иқтисодий ривожланишга таъсирини таҳлил қилган.<sup>32</sup> Инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, бундай тадқиқотлар сирасига: билимлар иқтисодиётига ўтиш даврида таълим хизматлари бозорларини шакллантириш (Макаров В.Л., 2005); илмий-техник ва инновацион соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш (Бартоломью Д., 1985; Варшавский Л. Е., 1999); илмий ходимларнинг маҳсулдорлиги (Терехов А.И.,

<sup>29</sup> Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришнинг истикбол йўналишлари / Илмий рисола. Ш.Г. Акрамова. – Т.: 2020.

<sup>30</sup> Струмилин С. Г. Хозяйственное значение народного образования. М.; Л., 1924.

<sup>31</sup> Дубовик, М.В. Эволюция теорий экономического развития [Электронный ресурс] / М.В. Дубовик, З.А. Джигеров. - Режим доступа: <http://journal-aael.intelbi.ru/main/wp-content/uploads/2013/11.pdf>

<sup>32</sup> Вагапова, Я.Я. Моделирование экономического роста с учетом экологического и социального факторов [Текст] / Я.Я. Вагапова. - М.: МАКС Пресс, 2007. - 128 с.

Мирабян Л.М., 1998)<sup>33</sup>; билимларни узатиш механизмлари (Варшавский А.Е, 2005; Голиченко О. Г, 2006) кабиларни кўшишимиз мумкин.<sup>34</sup>

Ғарб иқтисодчи олим ва мутахассислари томонидан ҳам инсон капиталининг инновацион тараққиётга ижобий ва салбий таъсири борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Инсон капитали борасидаги фундаментал назарий ғоялар таълимнинг ташқи самарасидан фойдаланган ҳолда ўсиш манбаларини изоҳлашга хизмат қилувчи иқтисодий ўсиш моделларида тушунтириб берилган. Бу борадаги тадқиқотлар сирасига “биринчи тўлқин” эндоген иқтисодий тадқиқотларни киритишимиз мумкин, бунда ишлаб чиқариш омилларининг чекланган маҳсулдорлиги камаймаслиги ёқланади. Кейинчалик техник тараққиёт кўламли, инновацияларни яратиш ва улардан амалда самарали фойдаланиш билан боғлиқ жиҳатлар илмий тадқиқотларда ўз аксини топа бошлади, бу эса навбатида иқтисодий ўсишда инновацияларнинг ўрни тўғрисида назарий қоидаларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Эндоген иқтисодий ўсиш борасидаги тадқиқотларнинг “иккинчи тўлқини” сифатида Romer, 1990; Agion, Ховит 1990, 1992; Grossman, Хелпман, 1991 каби тадқиқотчиларнинг асарларида ўз аксини топди.<sup>35</sup>

Юқорида тилга олиб ўтилган тадқиқотлар қуйидаги жиҳатлар билан бир-бирдан ажралиб туради:

- таҳлил жараёнида фойдаланилган моделнинг ўзига хос жиҳатлари;
- таълимни ўлчашдаги хатоларнинг ўзгарувчанлиги (таълимнинг ўртача давомийлигини ҳисоблашда бошланғич мактаб таълими ва докторлик даражасини олиш ҳисобга олинади, бу эса инсон капитали тузилиши бўйича ноаниқ хулосаларга олиб келиши мумкин);

---

<sup>33</sup> Варшавский, Л.Е. Исследование влияния качества человеческого капитала на инновационную активность [Электронный ресурс] / Л.Е. Варшавский.

<sup>34</sup> Вагапова, Я.Я. Моделирование экономического роста с учетом эколого-гического и социального факторов [Текст] / Я.Я. Вагапова. - М.: МАКС Пресс, 2007. - 128 с.

<sup>35</sup> Шараев, Ю.В. Теория экономического роста [Текст] / Ю.В. Шараев. - М. : ГУ-ВШЭ, 2006. - 256 с.

- таҳлил кўрсаткичлари доирасини шакллантиришда ўрганишнинг сифат хусусиятларини эътибордан четда қолдириш;

- баҳолаш натижаларининг бир хиллиги ва мультиколлинарлиги (олинган натижаларга таъсир қилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар ўртасида нафақат тўғридан-тўғри, балки тескари алоқанинг ҳам мавжудлиги) ва шу кабилар.<sup>36</sup>

Жумладан мазкур соҳада тадқиқот олиб борган мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Г.Акрамова инсон капитали тўғрисидаги хорижий ва маҳаллий иқтисодий фикрларни тизимлаштириш натижасида инсон капитали назарияси ривожланишини куйидаги 1.1.1-расмда кўрсатилган босқичларга ажратишни тавсия қилади.



**1.1.1-расм. Инсон капитали назариясининг ривожланиши.**

Манба: Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019.

Инсон капитали бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг ранг-баранглиги иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда инсон капиталининг ўрнини баҳолаш борасида амалга оширилаётган тадқиқот ишлари сифати ва кўламига таъсир кўрсатади.

<sup>36</sup> Carina Hirsch. Schooling, Production Structure and Growth: An Empirical Analysis on Italian Regions [Text] / Carina Hirsch, Giovanni Sulis. - Cagliari: Università di Cagliari, 2007. - 25 p.



Инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги ўрни борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг **биринчи гуруҳига** инсон капиталининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатиш кўлами ва сифати асослаб берилган илмий изланишлар мансуб бўлиб, бундай тадқиқотлар сирасига Romer, 1990; Barro, 1991; Templ, 1999; Kruger ва Lindal, 2001; De la Fuente ва Dominik, 2005 каби олимларнинг асарларини киритишимиз мумкин<sup>37</sup>. Бу ўринда аксарият тадқиқотларда инсон капитали ва иқтисодий ўсиш ўртасида муҳим ижобий боғлиқлик мавжудлиги тасдиқланганлиги яққол кўзга ташланади<sup>38</sup> (R. Solou 1992).

**Иккинчи гуруҳ** тадқиқотлари сирасига инсон капиталининг инновацион ривожланишга (чизиқли бўлмаган ва билвосита) тўғридан-тўғри статистик таъсирини очиқ беришга хизмат қилган Barro, Kalaytzidakis ва Hodjo каби олимларнинг изланиш натижаларини киритишимиз мумкин.<sup>39</sup>

**Учинчи гуруҳга** инсон капитали ва инновацион ривожланиш ўртасидаги статистик боғлиқликлар аниқлаштирилган Knovl, Ouen, Nonneman, Vanhaud, Hoeffler, Pritchett каби олимларнинг асарлари киритилган.<sup>40</sup> Боулхолнинг таъкидлашича, узок муддатли истиқболда инсон капиталининг ҳудудларнинг инновацион тараққиётига таъсири масалалари ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган.<sup>41</sup>

Инсон капиталига инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири таҳлили натижалари ҳам бир-бирига зид хулосалар беради. 2000 йилларнинг бошларида Европа мамлакатларида АҚШ билан таққослаганда олий таълимга инвестицияларнинг паст даражаси кузатилган, хусусан Европа Иттифоқида ЯИМнинг 1,4%и, АҚШда эса ЯИМнинг 3,0%и олий таълимга инвестиция сифатида йўналтирилганлиги, бугунги кунда Европа Иттифоқи-

<sup>37</sup> Barro R., Sala-i-Martin X. Economic growth, 2nd edn. / R. Barro, X. Sala-i-Martin. – Cambridge, MA: MIT Press, 2003. – 608 p.

<sup>38</sup> Solow R. Technical change and the aggregate production function / R. Solow // The Review of Economics and Statistics. – 1957. – Vol. 39. – P. 312-320.

<sup>39</sup> Md. Rabiul Islam. Human Capital Composition, Proximity to Technology Frontier and Productivity Growth [Text] : discussion paper 23/10 / Md. Rabiul Islam.

<sup>40</sup> Md. Rabiul Islam. Human Capital Composition, Proximity to Technology Frontier and Productivity Growth [Text] : discussion paper 23/10 / Md. Rabiul Islam.- Australia.: Monash University, Department of Economics, 2010. - 42 p.

<sup>41</sup> Herve Boulhol. Technology differences, institutions and economic growth: a conditional convergence [Text] : 02/2004 / Herve Boulhol. - France: Paris I Pantheon-Sorbonne et CNRS, 2004. - 64 p.

нинг орқада қолишининг сабабларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо, Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги дастлабки йигирма йил ичида Европа давлатлари бошланғич ва ўрта таълимга инвестицияларнинг нисбатан паст бўлишига қарамасдан АҚШга нисбатан юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришганлиги Агийон тадқиқотларида тилга олиб ўтилган. Осиё йўлбарслари саналувчи Гонконг, Тайвань, Жанубий Корея ва Сингапур мамлакатлари бошланғич ва ўрта таълимга инвестицияларни йўналтириш эвазига ўзига хос мўъжиза яратганлари ҳолда, юксак иқтисодий натижаларган эришдилар.

Инсон капиталининг технология ва инновацияларнинг оммалашишига таъсирини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилувчи илмий изланишлар етарлича кўп эмас, бундай изланишлар сирасига Findlay, 1978; Vang va Blomstraom 1992; Das, 1987; Meyer-Folkis va Nunnenkamp, 2009 кабиларнинг асарларини киритиш мумкин.<sup>42</sup>

Технологиялар борасида етакчи мамлакатлар билан фарқни бартараф этиш учун зарур бўлган инсон капиталининг минимал даражасини ҳисоблаб чиқиш борасида санокли тадқиқотлар мавжуд (Borenshteyn ва бошқ. 1998; Crespo ва бошқ. 2004; Benhabib ва Shpigel 2005; Kiruelos ва Vang 2005), технологиялар алмашиш йўллари тадқиқ этувчилар (Findlay, 1978).<sup>43</sup> Тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган асосий илмий масала - бу технологияда мужассамлашган “капиталнинг тўлиб тошиши” ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларни таққослаганда иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқни бартараф этиш учун зарур вақт оралиғини камайтира олиши мумкинми ёки йўқми деган саволга жавоб топишдан иборатдир.

Технологик жиҳатдан қолақликни бартараф қилиш ва шу аснода инновацион тараққиётни таъминлаш миллий хўжалиқда технологияларни яратиш ёки уларни технологик жиҳатдан тараққий этган мамлакатлардан қарзга олиш эвазига таъминланиши мумкин.

<sup>42</sup> Avoiding the Trap: The Dynamic Interaction of North-South Capital Mobility and Technology Diffusion [Text]. - 2009.

<sup>43</sup> Avoiding the Trap: The Dynamic Interaction of North-South Capital Mobility and Technology Diffusion [Text]. - 2009.

Технологияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки технологик жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга таклид қилиш мамлакатлараро ва мамлакат даражасида, шунингдек микро даражада ҳам ўрганилади. Бу борада сўнгги йилларда эълон қилинган илмий изланишлар салмоғи озчиликни ташкил қилади.

Жон Вейли ва Хилианг Жао томонидан олиб борилган тадқиқотларни макро кўламдаги тадқиқотлар сирасига киритишимиз мумкин, мазкур олимларнинг илмий изланишлари натижасида<sup>44</sup> 1978-2008 йиллар оралиғида Хитойнинг иқтисодий ўсишига инсон капиталининг қўшган улуши баҳоланган ва инсон капиталидан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг 38%и амалга оширилганлиги илмий жиҳатдан исботлаб берилган. Никола Геннайоли, Рафаэль ла Порта, Флоренсио Лопез де Силанес, Андрей Шлейфер<sup>45</sup> 110 та мамлакат доирасида иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларини Р.Лукас ишланмаларига асосланган модел ёрдамида иқтисодий таҳлил қилиш асносида мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётидаги тафовутлар бевосита инсон капитали сифати ва самарасига боғлиқ, деган хулосага келишган. Инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссасини микро даражада тадқиқ қилиш борасидаги тадқиқот натижалари ҳам тарқоқ тавсифга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Инсон капиталининг корхоналарнинг инновацион ривожланишига таъсири атрофлича ўрганилган бир қатор илмий изланишлар маҳсули бўлган тадқиқот натижалари мавжудлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бундай тадқиқотлар қаторида 1980-1990 йиллар давомида 42 та мамлакатда 37 та саноат тармоқлари маълумотларини таҳлил қилиш асосида инсон капиталининг инновацион ривожланишга ижобий таъсирини асослаб

---

<sup>44</sup> John Whalley. The contribution of human capital to China's economic growth [Text] : NBER working paper № 16592 / John Whalley, Xiliang Zhao. - Cambridge: National bureau of economic research, 2010. - 33 p.

<sup>45</sup> Human capital and regional development [Text] : NBER working paper № 17158 / Nicola Gennaioli, Rafael La Porta, Florencio Lopez-de-Silanes, Andrei Shleifer. - Cambridge: National bureau of economic research, 2011. - 49 p.

берган Карина Хитч ва Жованни Сулис<sup>46</sup> ва инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсирини статистик жиҳатдан ўрганган Ди Либертонинг илмий изланишларини санаб ўтишимиз мумкин.

Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз:

1. Миллий иқтисодиётда ҳудудларнинг ривожланишига инсон капиталининг таъсирининг табиати ҳар хил бўлиши табиийдир, чунки бу “таълим” ни ўлчашдаги хатолар, унинг сифати, эндоген хусусияти ва кўп қирралилигини ҳисобга олмаслик билан боғлиқ.

2. “Инновацион ривожланиш” концепциясини аниқлаш борасидаги ёндашувлар - омил, жараён - инновацион ривожланиш субъектлари фаолияти, ташқи ва ички муҳитни ўзгартириш имконияти нуқтаи назаридан очиқ берилади. Инновацион ривожланишни ўрганиш мазкур жараённинг хусусиятларини, шу жумладан жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шароитида шахснинг фаол ўрни ва ўзгаришларнинг ижтимоий йўналишини ҳисобга олишни назарда тутадиган тизимли ёндашувни қўллашга асосланиши лозимлигини кўрсатади.

3. Аҳолининг саводхонлик даражасини оширишга қаратилган сиёсат инсон капиталининг жамғарилиш даражаси, мамлакатдаги фан ва техника тараққиёти даражасига таъсир кўрсатади, технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатнинг инновацион тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади.

4. Таълимга маблағ сарфлаш ва аҳолининг касбий савиясини ошириш аҳоли фаровонлиги ва инновацион фаоллигини оширишга хизмат қилиш бир қаторда, инсон какпитали сифатининг яхшиланишига хизмат қилади. Инсон капитали инновацион ўзгаришларни тезлаштирувчи ва ёки аксинча секинлаштирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис, инсон

---

<sup>46</sup> Carina Hirsch. Schooling, Production Structure and Growth: An Empirical Analysis on Italian Regions [Text] / Carina Hirsch, Giovanni Sulis. – Cagliari: Università di Cagliari, 2007. – 25 p.

капиталининг иқтисодиёт ривожланишига таъсирининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳим саналади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги бир томондан инсон ҳаётининг сифат жиҳатдан ўзгаришига таъсир кўрсатса, бошқа бир томондан эса, жамият аъзоларининг қобилият, касбий кўникма ва малакаларини ўзгартиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Инновацион ривожланишни юқоридаги хусусиятлар ва ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, уни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар ва ислоҳотларда инсонларнинг фаол иштироки, фаолият услуби ва воситаларини такомиллаштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан тавсифланувчи стратегик жараён сифатида талқин қилишимиз мумкин бўлади.

Инсон капиталининг инновацион ривожланишга таъсирини баҳолаш ҳамда акс таъсирни таҳлил қилиш бўйича қўлланилган турли хил назарий ёндашувлар, усуллар ва маълумотлардан фойдаланилган тадқиқотлар хилма-хил натижалар беради, бу эса ушбу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни атрофлича ўрганишни тақозо қилади.

## **1.2. Инсон капиталининг моҳияти ва тузилиши ҳақидаги замонавий қарашлар**

Иқтисодий тизим иштирокчиларининг ўзаро ижтимоий, иқтисодий алоқалари, такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар тизимининг ўзгариши миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлайди. Ўтиш жараёнлари кўп жиҳатдан илмий-техник тараққиёт таъсири даражаси ва сифатига боғлиқ ҳисобланади.

Инсон капитали борасида илк замонавий назариялар америка ва инглиз иқтисодчи олимлари томонидан 1950-60 йилларда яратилгани ҳолда, уларнинг яратилиши ишлаб чиқариш жараёнини технологик жиҳатдан

ташқил этиш борасидаги ўзгаришлар билан бир вақтга тўғри келиши билан тавсифланади. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур давр мобайнида инсон капиталининг моддий бойлик яратишдаги улуши муттасил тарзда ўсиб борган ва ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, унинг улуши тахминан 60% ни ташқил қилган (1.2.1-жадвал).

Собиқ иттифоқ таркибига кирувчи мамлакатларда инсон капитали назариясини ривожлантириш борасидаги тадқиқотлар бир мунча кеч, хусусан XX асрнинг 90-йилларида жадаллаша бошлади, бу борадаги тадқиқотлар сирасига С.А.Дятлова, Р.И.Капелюшников, А.Л.Лукиянова каби олимларнинг илмий изланишларини киритишимиз мумкин.<sup>47</sup>

### 1.2.1-жадвал.

#### Ғарб мамлакатлари ва Японияда умумий капитал таркибидаги ўртача ўзгаришлар

	1810 й.	1850 й.	1910 й.	1960 й.	1975 й.	1997 й.	XXI аср бошлари
<b>Жисмоний капитал</b>	79	78	68	53	43	32	20-22
<b>Инсон капитали</b>	21	22	32	47	57	68	78-80

Манба: муаллиф томонидан дунё мамлакатларига оид статистик маълумотлар асосида тузилган.

Умуман олганда шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда инсон капитали назарияси иқтисодий тадқиқотлар орасида жадаллик билан ривожланаётган тадқиқот соҳаларидан бири саналади. Инсон капитали борасида амалга оширилган илмий изланишларнинг таҳлили инсон капитали борасида назарий қарашлар ва қоидалар шаклланишининг учта босқичини фарқлаш имконини беради.

**Биринчи босқич** 1960 йилларнинг бошларига тўғри келади ва “инсон капитали” тушунчасининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Мазкур босқичда инсон капитали тушунчаси билим кўникма, шахс қобилиятлари нуқтаи назаридан “тор” талқин қилиниши билан ажралиб туради. Ушбу даврда инсон капитали тушунчасини тадқиқ қилиш билан боғлиқ ишлар

<sup>47</sup> Пакина А.А. К критике теории «природного капитала» [Текст] / А.А. Пакина // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. - 2010. - Т. 12. - №1(5). - С. 1434-1436.

сирасига Хекман, 1963; Hermanson, 1964; кейинчалик Bekker, 1993; Topel, 1990; Biati, Smit, 2010 каби олимларнинг ишларини киритишимиз мумкин. Сал кейинроқ эса, инсон капиталини таҳлил қилишда молиявий усул ва воситалардан фойдаланишга катта эътибор қаратила бошланган<sup>48</sup>.

**Иккинчи босқич** 1970-1990 йиллар оралиғига тўғри келади ва мазкур босқич бир томондан, инсон капиталини ўрганишга бўлган қизиқишнинг пасайиши билан, иккинчи томондан эса, инсон капитали тузилмасининг мураккаблашиши билан тавсифланади, бунда аҳолининг меҳнат фаоллигини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, меҳнат бозоридаги мавжуд ўзгаришларга тегишли маълумотларни излаб топишга бўлган қизиқишнинг ортиши, соғлиқни сақлаш, касбий тайёргарлик ва шахсий ривожланишга инвестиция киритишнинг кучайиши кузатилади.

**Учинчи босқич** инсон капиталининг тадрижий тараққиёти сифатида 1990 йилларнинг бошидан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади ва бунда “инсон капитали” миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий манбаи сифатида “кенг” талқин қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, XXI асрнинг бошига келиб, инсон капитали тушунчасини талқин қилишда таркиб ва тузилма жиҳатдан ўзгариши рўй берди, бунда инсон капитали дастлаб таълим, соғлиқ даражаси ва касбий ҳаракатчанликдан иборат, деб ҳисобланган бўлса, кейинчалик у ходимнинг мотивлари, мажбуриятлари ва хулқ-атвор жиҳатлари билан бойитилди. Даврлар кесимида “инсон капитали” тушунчасининг ўзгаришини тавсифлайдиган бўлсак қуйидагича маназара намоён бўлади, жумладан босқичлар даврийлиги ўзгариб бориши асносида инсон капиталининг тузилмаси янада мураккаблашди. Инсон капиталини баҳолашда ҳам ўзгаришлар юз берди: дастлаб мавжуд бўлган молиявий жиҳатларни ҳисобга олган кўрсаткичлар инсон капиталининг номоддий жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар билан тўлдирилди. Бундан ташқари, нафақат

---

<sup>48</sup> Becker G. Human capital: a theoretical and empirical analysis, with special reference to education / G. Becker. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1964 – 187 p.

инсон капиталининг қиймати, балки у томонидан яратилган қўшимча қийматни ҳам ўлчаш имконияти пайдо бўлди (1.2.1-расм).<sup>49</sup>



**1.2.1-расм. “Инсон капитали” тушунчасининг тадрижий таракқиёти ва инсон капиталини баҳолаш борасидаги ёндашувларининг ўзгариши.**

*Манба: адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Инсон капитали тушунчасини талқин қилиш борасидаги жиддий ўзгаришлар, инсон капитали тузилмасининг мураккаб кўриниш касб этиши асносида инсон капиталини ўрганиш борасида турли ёндашувларнинг пайдо бўлишига замин яратиб берганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Инсон капиталини ўрганиш борасидаги биринчи ёндашувга кўра, инсон капитали билим, кўникма, қобилият, саломатлик, мотивациялар тўплами сифатида тавсифланади. Ушбу ёндашув доирасида Ж.С.Уолш, Л.С.Тороу

<sup>49</sup> Rima Cesnyiene. The role of human capital in value creation: theoretical insights [Text] / Rima Cesnyiene, Asta Stankeviciene // EKONOMIKA. - 2001. - Vol. 90(4).



каби тадқиқотчилар инсон капиталининг таълим, малака ва иш тажрибаси каби таркибий қисмларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар<sup>50</sup>.

Инсон капитали тушунчасини талқин қилишдаги тафовутлар шунда намоён бўладики, биринчи ҳолатда тадқиқотчилар инсон капиталини ўзида мужассамлаштирган инсоннинг мавжуд қобилият ва кўникмаларидан индивидуал мақсадларда фойдаланишини кўзда тутсалар, бошқа бир томондан эса, тадқиқотчилар инсон капиталидан жамият манфаатларини рўёбга чиқаришда фойдаланишни назарда тутадилар. Шунини таъкидлаш керакки, биринчи ёндашув доирасида инсон капитали “тор доирада” - билим ва кўникмаларнинг жамғарилган захираси сифатида тушунтирилади. Унинг моҳиятини тўлароқ англаш мақсадида инсон капитали тушунчасининг тадрижий тараққиётини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (1.2.1-жадвал).

Инсон капиталини ўрганиш борасида шаклланган иккинчи ёндашувга кўра, Т. Shults, F. Maxlup, I. Fisher каби тадқиқотчи олимлар инсон капиталини келгусида юқорироқ даромад келтиришга хизмат қилувчи қобилият, билим ва бошқа шахсий хусусиятлар захираси сифатида талқин қилишни тавсия қиладилар<sup>51</sup>. Иккинчи ёндашув доирасида инсон капиталининг талқини индивидуал даражада - қобилият ва кўникмаларни амалга оширишдан олинган даромад, корхона даражасида эса рақобатдош устунликлар, маҳсулот ва хизматлар рентабеллигини ошириш, фойда ўстириш кабиларни ўзида акс эттиради.

Юқоридаги икки ёндашувдан фарқли ўлароқ, учинчи ёндашув доирасида инсон капиталининг моҳияти тўлиқроқ очиқ берилган. Мазкур ёндашувнинг С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Қ.Абдурахмонова каби намоёндаларининг фикрича, инсон капиталидан фойдаланиш шахс нуқтаи назаридан баҳоланганда, у

<sup>50</sup> <https://nlr.ru/news/20170427/haikin.pdf>

<sup>51</sup> Schulz T. Capital Formation bi Edukathion // Journal of Politikal Economu. – 1960, p.25.; Fisher I. Senses of “Capital” / I. Fisher // Economic Journal. – 1897. – Vol. 7. – P. 199-213.

аҳоли даромадларининг ўсишига, ташкилот нуқтаи назаридан баҳоланганда эса, корхона ва ташкилотларнинг рақобат устунликларига эга бўлишларига, жамият нуқтаи назаридан баҳоланганда эса, инсон капитали жамиятда жинойтчиликнинг пасайишига, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

Мазкур ёндашув тарафдорлари инсон капиталидан фойдаланишда шахснинг ўзигагина тегишли бўлган салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг шахс нуқтаи назаридан нафлилигини эмас, балки корхона ва бутун жамият учун инсон капиталидан фойдаланишнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини таъкидлайдилар. Учинчи ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда инсон капитали “кенг” талқин қилинади ва рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий манбаи сифатида баҳоланади.

Иқтисодий ривожланишнинг экспортга йўналтирилган типидан иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг инновацион турига ўтиш асносида инсон капиталини инновацион иқтисодиёт нуқтаи назаридан ўрганиш борасидаги изланишлар кенг ёйилди. Бунда Л.Г.Симкина<sup>52</sup>, Ш.Акрамова<sup>53</sup> каби тадқиқотчилар фаолият субъектига, унинг ўзини - ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш, шахснинг ижодий қобилиятларининг иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига таъсири каби жиҳатларга алоҳида урғу берадилар, шунингдек, инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланишга илмий-техник инқилобнинг таъсирини ҳам эътиборга олишни таклиф қиладилар.

“Инсон капитали” тушунчасини талқин қилишда катта фарқланишлар мавжуд бўлсада, мазкур тушунчани таърифлашда “билим, кўникма ва тажрибалар заҳираси” деган умумий жиҳат мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

---

<sup>52</sup> Скоблякова, И.В. Циклы воспроизводства человеческого капитала [Текст] : монография / И.В. Скоблякова. - М. : Машиностроение-1, 2006. - 196 с.

<sup>53</sup> Акрамова Ш.Г. Республикада инсон капиталини ривожлантириш жиҳатидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари. // “Стратегия действий Республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность инвестиционная активность и перспективы инновационного развития”. Сборник научных статей международной научно-практической конференции. –Ташкент, 2018. 112-118-б.



**1.2.2-расм. Инсон капитали таркибий қисмлари**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мазкур диссертацион тадқиқот ишида инсон капитали инсон фаолияти давомида мақсадга мос равишда фойдаланилувчи ва шахсий даромадларининг ўсишига олиб келувчи, корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ва ҳудуд тараққиётининг ўсишига кўмаклашувчи, инвестициялар натижасида шаклланган ва тўпланган қобилиятлар, кўникмалар, саломатлик даражаси, ахлоқий фазилатлар жамланмаси сифатида кўриб чиқилади.

Инсон капиталининг тузилмасини атрофлича ўрганмасдан туриб, инсон капиталидан амалда самарали фойдаланиш масалаларини тўла-тўқис тадқиқ қилишнинг имкони йўқ (1.2.2-жадвал).

Иқтисодий адабиётларда инсон капитали шаклланишининг микро, мезо ва макро даражалари фарқланади. Бундан ташқари, В.Т.Смирнов, И.В.Скоблякова каби тадқиқотчилар инсон капиталини индивидуал, корхона, миллий иқтисодиёт даражасида таҳлил қилишни таъкидлаб ўтадилар.

## Инсон капиталининг таркибий қисмлари

Инсон капитали-инсон фаолияти давомида ишлатилувчи қобилият, билим, кўникмалар заҳираси сифатида	Ж.С.Уолш Л.С.Тороу	Капитал бу шахснинг ўзи эмас, балки мерос қилиб олинган ва орттирилган меҳнат қобилиятлари, шунингдек, таълим ва малакалардир (Ж.С.Уолш). Инсон капитали шахснинг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш қобилиятини, унинг ишлаб чиқариш қобилиятлари ва билимларини ифодалайди (Л.С.Тороу).
Инсон капитали-келгусида юқори даромад олишга имкон берувчи қобилият, билим каби жиҳатлар заҳираси сифатида	Т.У.Шульц Ф.Махлуп	Инсон капитали - бу инсоннинг истиқболда барқарор даромад оқимини яратишига хизмат қилувчи бугунги кундаги ҳар қандай ижобий меҳнат фаолияти (Т.У. Шульц). Инсон капитали - бу инсоннинг юқори даромад олишига имкон берувчи, унга катта миқдорда ва ижобий нафъ келтирувчи интеллектуал қобилиятининг тобора ортиб бориши (Ф.Махлуп).
Инсон капитали - келажакда юқори даромад олишга имкон берувчи инвестициялар натижасида шаклланган қобилиятлар, билимлар ва бошқа хусусиятлар заҳираси сифатида	Е.Д.Цыренова С.А.Дятлов	Инвестициялар натижасида шаклланган ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян соҳаларида мақсадга мувофиқ фойдаланилувчи билим, соғлиқ, мотивация ва қобилиятларнинг жамғарилган заҳиралари меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳисса қўшади ва шу билан ушбу шахснинг даромадларининг ўсишига таъсир қилади (С.А.Дятлов). Инсон капитали - бу келажакда даромад олиш учун маълум вақт давомида миллий иқтисодиётда фойдаланилувчи инвестициялар орқали тўпланган муҳим қобилиятлар, шахсий фазилатлар мажмуини ифодаловчи иқтисодий категория (Е.Д.Цыренова).
Инсон капитали - инсон ҳаётининг умумий ўзига хос шакли сифатида	М.М.Критский Л.Г.Симкина	Инсон капитали - бу ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилувчи инсон ҳаётининг ўзига хос шакли (М.М.Критский). Инсон капитали - бу замонавий инновацион тизимнинг асоси сифатида вақтни тежашга асосланган ҳаётни бойитиш (Л.Г.Симкина).
Инсон капитали ҳам айни маълум шахс каби маълум бир цивилизация, менталитет ва анъаналарнинг маҳсули сифатида	Н. Қ. Абдурахмонова	инсон капитали – меҳнат қилувчи кишиларнинг оддий йиғиндиси эмас. Инсон капитали бу профессионализм, билимга интилиш, ахборот таъминоти, соғлиқ, оптимизм, ташаббус ва меҳнатсеварлик каби томонлар ва хислатлардан юзага келадиган бир феномендир

Манба: муаллиф томонидан маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар таҳлили асосида тузилган.

Шу билан бирга, индивидуал даражада - соғлиқни сақлаш капитали, маданий ва ахлоқий капитал, меҳнат капитали, интеллектуал капитал, тадбиркорлик капиталини; фирма даражасида - корпоратив номоддий активлар, ташкилий капитал, таркибий капитал; миллий даражада эса миллий

интеллектуал активлар, миллий рақобатбардош устунликлар кабиларни ажратиб кўрсатадилар.

Инсон капитали тушунчасини аниқлаштириш борасида келтириб ўтилган таърифларни умумлаштирган ҳолда, саломатлик капитали, маданий капитал, касбий билим, тажриба ва кўникмаларнинг умумийлигини ифода этувчи профессионал капитал инсон капиталининг таркибий қисмларини ташкил этади, деган бирламчи хулосани илгари суришимиз мумкин.

Юқорида келтириб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, инсон капиталини таркибий қисмларини табиий тарзда шаклланган умумий ва махсус билимлар ва тадрижий тараққиёт натижасида ривожланган ижодий инновацион қобилиятлар мажмуаси даражасидан келиб чиққан ҳолда, инсон капитали ташкил этувчиларини тизимлаштириш мумкин (1.2.2-расм).

Инсон капиталининг таркибий қисмларини таҳлил қилиш инсон капитали таркибига кирувчи ташкил этувчиларнинг табиатига ойдинлик киритиш имконини беради (1.2.3-жадвал).

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, таълим, соғлиқ ва маданият капиталини тавсифловчи ва амалда кўп қўлланилувчи қобилиятлар, кўникмалар, билимлар, касбий тажриба, иш тажрибаси ва шу каби ташкил этувчилар “инсон капитали” категорияси тадрижий тараққиётининг дастлабки босқичларида пайдо бўлган бўлса, инсон капиталининг ташкилий ва тадбиркорлик қобилиятлари каби таркибий қисмлари ташқи муҳит ўзгаришларига боғлиқ ҳолда, инновацион тараққиётнинг кейинги босқичларида шаклланган.

Инсон капитали фавқулодда кўп қиррали ҳодиса ҳисобланишини инобатга олган ҳолда, мазкур диссертацион тадқиқот ишида инсон капиталининг таснифларидан бири келтириб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ умумий ва индивидуал инсон капитали: шаклланиш хусусиятлари<sup>54</sup>; инвестиция субъектлари; миллий иқтисодиётда инсон капиталидан

---

<sup>54</sup> Шаталова, Н.И. Трудовой потенциал работника [Текст] : учеб. пособие для вузов / Н.И. Шаталова. - М. : Юнити-Дана, 2003. - 399 с.

фойдаланиш натижалари<sup>55</sup>; меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи каби мезонларга кўра таснифланади.<sup>56</sup>

### 1.2.3-жадвал.

#### Инсон капитали таркибий қисмлари

Инсон капиталини таърифлашда энг кўп қўлланилувчи ташкил қилувчилар	Инсон капиталини таърифлашда қўлланилган баъзи бир ташкил этувчилар
Қобилиятлар, Билим (умумий ва махсус) ва кўникмалар, Касбий тажриба ва малака, Соғлиқни сақлаш ҳолати, Маданият даражаси, Мотивация	Оилавий жиҳатлар, Шахсинг ижтимоийлашуви, Тадбиркорлик, ташкилий, ижтимоий аҳамиятга молик қобилиятлар, Ижодий маҳорат, Миграция, Корпоратив маданият даражаси, Психологик, мафкуравий хусусиятлар Ноёб технологияларга эга бўлиш, Ўзини-ўзи ривожлантиришга кўмак берувчи руҳий ташкил қилувчилар, Инвестициялар, Даромад, Мутахассис ва ходимларни ёллаш ва уларни жой-жойига қўйиш

*Манба: муаллиф томонидан маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар асосида тузилган.*

Умумий ва хусусий инсон капитали ўртасидаги фарқланишлардан келиб чиққан ҳолда, хусусий инсон капиталини ташкилот томонидан фойдаланилувчи билим ва кўникмалар, қобилиятлар захираси, малака ошириш ва қайта тайёрлашга инвестициялар ҳисобига шаклланган капитал сифатида тор маънода талқин қилиш ўринли ҳисобланади.<sup>57</sup>

Кенг талқинга кўра, хусусий инсон капиталини нафақат махсус билим, кўникма ва малакалар сифатида, балки узок муддатли барқарор меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш асносида олинувчи иқтисодий фойда сифатида ҳам тавсифлаш мумкин.<sup>58</sup> Инсон капитали инсонлар ўз ҳаёти давомида жамғарадиган билим, кўникма ва саломатлик даражасидан ташкил топади. Инсонларнинг саломатлик ва таълим даражаси инсон учун,

<sup>55</sup> Капелюшников, Р.И. Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал (глава из книги Гэри Беккера «Человеческий капитал») [Электронный ресурс] / Р.И. Капелюшников. - Режим доступа: <http://www.libertarium.ru/69974>

<sup>56</sup> Lazear E. Firm-Specific Human Capital: a Skill-Weights Approach [Text] / E. Lazear. - IZA DP № 813.

<sup>57</sup> Мальцева, И.О. Трудовая мобильность и стабильность: насколько высока отдача от специфического человеческого капитала в России? [Текст] : препринт WP15/2007/01 / И.О. Мальцева. - М. : ГУ - ВШЭ, 2007. - 48 с.

<sup>58</sup> Illoong Kwon. Specificity of Human Capital and Promotions [Text] / Illoong Kwon, Eva M Meyersson Milgrom. - University at Albany, Stanford University, 2010.

шубҳасиз, муҳим қийматга эга бўлгани ҳолда, инсон капитали эса уларга жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Фуқароларнинг юқори иш ҳақи, мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад даражаси, жамият аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий фаоллик даражаси кўп жиҳатдан инсон капитали сифатининг яхшиланишига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида барқарор ривожланиш ва камбағалликни камайтириш борасида муҳим аҳамият касб этади.<sup>59</sup>. Жумладан, Республикада кўзга кўринган мутахассислардан бири Н.Қ.Абдурахмонова “инсон капитали – бу меҳнат қилувчи кишиларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки у профессионализм, билимга интилиш, ахборот таъминоти, соғлиқ, оптимизм, ташаббус ва меҳнатсеварлик каби томонлар ва хислатлардан юзага келадиган бир феномендир”<sup>60</sup>-деб таъкидлайди.

Инсон капитали барқарор ўсиш ва қашшоқликни камайтириш борасида ҳал қилувчи куч эканлигини тан олган ҳукуматлар ҳам инсон капитали сифатини яхшилаш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишлари ва уни тўла-тўқис амалга оширишлари учун йиллар ва, ҳаттоки, бир неча ўн йиллар талаб қилиниши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, инсон капиталини ҳам индивидуал даражасида, ҳам макродаражада ўрганиш долзарбдир. Умумий ва хусусий инсон капиталини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда макроиқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, макродаражада инсон капиталининг икки тури мавжудлиги аниқлаштирилди.

Макродаражадаги умумий инсон капитали - бу ҳудуд аҳолисининг таълим даражасини ошириш ва ривожлантириш учун молиявий, ташкилий, институционал шарт-шароитлар яратиш борасида давлат кўмаги орқали шакллантирилган ва қайси ҳудудда бўлишидан қатъий назар ўзининг

---

<sup>59</sup> Human Capital in the Time of COVID-19. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1552-2. License: Creative Commons Attribution CC BY 3.0 IGO.

<sup>60</sup> Абдурахманова Н. Қ. Инсон капиталига сармоя Янги Ўзбекистон тараққиёти кафолати.// <https://review.uz/oz/post/inson-kapitaliga-sarmoya-yangi-ozbekiston-taraqiyoti-kafolati>

универсаллиги боис талаб қилинувчи инсонларнинг билим, кўникма ва қобилиятлари ва мазкур қобилиятлардан фойдаланган ҳолда инсонларнинг ҳудуд ва яхлит тарзда мамлакатнинг инновацион тараққиётига қўшадиган заҳирасидир.

Макродаражада хусусий инсон капитали - бу ҳудуд аҳолисининг билим, кўникма ва қобилиятлари заҳираси бўлиб, у давлат томонидан аҳолининг касбий савиясини яхшилаш ва ривожлантириш борасида молиявий, ташкилий, институционал шарт-шароитлар яратиш орқали шакллантирилади.

Бир томондан, ушбу икки турдаги инсон капиталини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини, бошқа бир томондан эса, инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш бугунги кунда кенг қамровли жараён сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бирдек муҳим аҳамият касб этаётган бир шароитда биз инсон капиталининг шаклланиши ва инновацион иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги ўрнини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Кўриб турганимиздек, жамият ҳаётида юз бераётган инновацион ўзгаришлар шароитида хусусий инсон капитали муҳим ўрин тутади. Ушбу жиҳат хусусий инсон капиталининг аҳолининг узлуксиз таълим жараёнида иштирок этиши орқали шаклланиши ва иш берувчининг талабларига ходимнинг мос келмаслик хавфини камайтириши, шу билан ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашувчан тарзда жавоб бера олиши билан изоҳланади. Иш берувчи ўз ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга маблағ сарфлашдан манфаатдор бўлади. Шу йўсинда инсон капиталининг корхоналар рақобатбардошлигига таъсирини тадқиқ қилган тадқиқотчилар корхоналар ўз ишчи ва хизматчиларининг касбий кўникма ва тажрибаларини мустаҳкамлашга маблағ йўналтириш асносида рақобат курашида катта устунликни қўлга киритишини аниқлаштирдилар. Биз бу борада амалга оширилган тадқиқотларнинг иккита катта гуруҳини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.



**Биринчи гуруҳдаги тадқиқотлар сирасига** Acemoglu ва Pischke 1999; Kaytts ва Ziderman 1990 кабилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларни киритишимиз мумкин<sup>61</sup>, мазкур тадқиқотларнинг натижалари шундан далолат берадики, номукамал рақобат ёки трансакцион харажатлар иш ҳақи ва ишлаб чиқарилган чекли маҳсулотнинг ўзаро мос келмаслигига олиб келади, бунинг натижасида иш берувчилар ишчиларга қўшимча ҳақ тўлашга мажбур бўладилар. Шунини ёдда тутиш керакки, умумий қайта тайёрлаш ва асосий фондларни янгилаш жараёнида қайта тайёрлаш ва ўқитишга инвестиция киритиш хусусий инсон капитали сифатининг яхшиланиши эвазига корхонада ялпи меҳнат унумдорлигининг ўсишига замин яратади.

**Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари, хусусан,** Helvidj, 1992; Nil, 1995; Poletaev, Robinson, 2003 кабилар инсон капиталини мутлоқ тарзда умумий ва хусусий турларга бўлиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари улар инсон капиталининг муайян бир алоҳида фирма даражасида мавжуд бўлишига эътибор қаратадилар.<sup>62</sup>

Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, таълим нафақат корхонанинг ташкилий капиталига, балки инсон капиталини ташкил қилувчи асосий унсурлардан бири сифатида корхона ишчи ва хизматчиларининг соғлиқ даражасига ҳам таъсир кўрсатади. M.Grossman таълимнинг меҳнат унумдорлиги ва сифатли меҳнат кучи таклифини ошириши орқали “соғломлаштириш” борасида муҳим таъсир кўрсатувчи омил эканлигига эътибор қаратади.<sup>63</sup>

Юқорида баён қилинганларни умумлаштирган ҳолда, биз инсон капиталининг моҳияти ва тузилиши ҳақидаги қуйидаги хулосаларни ва фикрларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

---

<sup>61</sup> Acemoglu D., Autor D. Lectures in Labor Economics, chapters 1-2 and 8-9 [Электронный ресурс]. London: London School of Economics, <https://economics.mit.edu/files/4689>

<sup>62</sup> Kristjan-Olari Leping. Measuring the Specificity of Human Capital: a Skill- based Approach [Text] / Kristjan-Olari Leping // Baltic Journal of Economics. - 2009. - 9(1). - P. 39-54.

<sup>63</sup> Мосейко, Е.Е. Теоретические подходы к анализу здоровья как элемента человеческого капитала [Текст] / Е.Е. Мосейко // Вестник Волгоградского государственного университета. - 2012. - Серия 3. - № 2(21).

1. Инновацион ривожланиш шароитида, инсон капитали тушунчасини аниқлаштириш борасидаги тадқиқотлар илмий ва амалий жиҳатдан бугунги куннинг зарурати ҳисобланади.

2. Инсон капиталини ўрганишда шахс; инвестициявий; иқтисодий ўсиш омили нуқтаи назаридан ёндашишлар аниқлаштирилди. Инсон капиталини ўрганишда индивидуал ва макро даражаларда ёндашиш кераклиги исботланди.

3. Инсон капиталини ўрганишга ёндашувларни умумлаштириш ва тизимлаштириш инсон капиталининг билим, қобилият ва кўникмалар заҳирасига асосланганлигини аниқлашга имкон беради.

4. “Инсон капитали” тушунчасининг тадрижий тараққиётини таҳлил қилиш унинг вақт ўтиши билан мураккаб табиатга эга бўлиб боришини кўрсатади.

5. Шаклланиш ва фойдаланиш мезонларига (шаклланиш хусусиятлари, инвестиция субъектлари, фойдаланиш натижалари) кўра хусусий ва умумий инсон капиталини индивидуал ва макродаражадаги қиёсий таҳлили бу икки тур орасидаги фарқни аниқлашга, шу билан уларга таърифларни шакллантиришга имкон беради.

### **1.3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида инсон капиталини тадқиқ қилиш борасидаги назарий ёндашувлар**

Мамлакатнинг инновацион тараққиёт йўлига ўтиши асносида инсон капитали сифатини яхшилаш ва уни бошқариш самарадорлигини ошириш муаммолари долзарб аҳамият касб этиб боради. Ташкилий-иқтисодий ва технологик жараёнлардаги ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида рақобат курашининг шиддатли тус олиши<sup>64</sup> кабилар иш берувчи ва хизматчилар ўртасидаги муносабатларни янгича тартибда ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу борада Bartel,

---

<sup>64</sup> Jasper Bastiaan van Loo Training, Labor Market Outcomes, and Self- Management. - Maastricht, 2005. - 223 p.

2002; Borgans va Ter Viil, 2004; Watkins va Marsik, 1993; Gosal, 2002; Lall, 2001 каби тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини келтириб ўтишимиз мумкин. Юқорида номлари тилга олиб ўтилган тадқиқотчилар иш берувчилар томонидан ишчи ва хизматчиларга қўйилаётган талабларни таълим сифатини ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш орқали бажариш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Мазкур жараёнлар тадқиқотчи олимлар томонидан атрофлича кенг ва тор талқинда тавсифлаб ўтилган. Кенг талқинга кўра, инсон капитали инсон ҳаётий фаолиятининг турли кўринишлари (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаси) орқали иқтисодий фаолиятнинг бугунги даражаси талаб қилувчи кўникмаларни жамғариш ва уларни амалда қўллаш имкониятларини ва бу хил кўникма ва тажрибаларни шакллантиришга имкон берувчи фаолият соҳаларининг яхлитлигини кўзда тутади. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан амалда фойдаланиш даражасини таълим, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ахлоқий-маданий савиясини кўтариш, саломатлигини мустақкамлаш кабиларга маблағ ажратиш имкониятлари билан белгилашимиз мумкин бўлади.<sup>65</sup>

Инсон капиталининг тор талқинига кўра, инсон капиталини шакллантириш билим, кўникма ва малакаларни тўплашга қаратилгани ҳолда, инвестициялар киритиш орқали инсоннинг бутун ҳаёт фаолияти давомида такрорланиб турувчи жараён сифатида тавсифланади.<sup>66</sup> Инсон капитали инсоннинг фаол меҳнат фаолияти давомида асосан таълим ва тарбия соҳаси орқали шаклланади. Умумий таълим ва касб-ҳунар таълими инсон капитали кўламини оширишга ёрдам беради, билим ва тажрибани фаолиятга татбиқ этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Умумий (асосий) инсон капитали кўпинча ёшларнинг таълим муассасаларида

---

<sup>65</sup> Овчинникова, Т.И. Человеческий капитал как фактор экономического роста современного предприятия [Электронный ресурс] / Т.И. Овчинникова. - Режим доступа: <http://www.kap.ru/articles/2005/10/4340.html>

<sup>66</sup> Капелюшников, Р.И. Трансформация человеческого капитала в российском обществе (на базе «Российского мониторинга экономического положения и здоровья населения») / Р.И.Капелюшников, А.Л.Лукиянова. - М: Либеральная миссия, 2010. - 196 с.

(мактаб, коллеж, техникум, касб-ҳунар мактаблари, институт ва университет) таҳсил олиш жараёнлари ва оиладаги муҳит таъсири остида шаклланади.

COVID-19 дунё мамлакатларида машаққат билан қўлга киритилган инсон капиталининг ўсишига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Ўтмишдаги пандемия ва инқирозларнинг сабоғи шундаки, уларнинг таъсири бевосита азият чекканларгагина эмас, кўпинча аҳолининг барча гуруҳларига ва аксарият вазиятларда эса бутун бошли авлодларга таъсир кўрсатади. Ҳозирда давом этаётган инқироздан олинган дастлабки сабоқ шундаки, дунё мамлакатлари қисқа ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий барқарорликка эришиш учун инсон капиталини тиклаш ва унинг эришилган даражасини кўллаб-қувватлаш учун барча ҳатти-ҳаракатларини бирлаштиришлари талаб қилинади. Ҳаётнинг муайян босқичларида, асосан, эрта болалик даврида муваффақиятсизликлар - инсон капиталини тўплаш борасида, айниқса, ҳалокатли ва узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Болаликда ота-оналарнинг даромадлари ва болалар саломатлиги ўртасидаги боғлиқлик, айниқса, кучли бўлади. Аввалги инқирозлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳомиладор аёлларнинг сифатсиз овқатланиши ва уларнинг соғлиқ даражасининг ёмонлашиши ўша даврда туғилган болаларнинг катта бўлганларида когнитив қобилиятларининг ёмонлашиши, сурункали касалликларга мойиллигининг ортишига олиб келган (Almon and Currie 2011)<sup>67</sup>. Ҳозирда давом этаётган инқироз иқтисодий ларзалар билан бирга пандемиянинг ўткир босқичида тиббий хизмат кўрсатишдаги узилишлар билан боғлиқ ҳолда тиббий хизматлар сифатининг ёмонлашишида ҳам ўз аксини топади. Шу тариқа, пандемиянинг давомийлиги вақтинчалик бўлса ҳам, у узоқ йиллар давомида ўз салбий оқибатларини кўрсатиши мумкин.

---

<sup>67</sup> <https://econpapers.repec.org/bookchap/eeelabchp/5-15.htm>



### 1.3.1-расм. Инсоннинг ҳаёти мобайнида инсон капиталининг жамғарилишига пандемиянинг таъсири.

Манба: Paul Corral & Roberta Gatti, 2020. "[Accumulation interrupted: COVID-19 and human capital among the young](#)," [Vox eBook Chapters](#), in: Simeon Djankov & Ugo Panizza (ed.), [COVID-19 in Developing Economies](#), edition 1, volume 1, chapter 1, pages 286-302, Centre for Economic Policy Research.

НСІ асосида моделлаштириш натижаларига кўра, паст даромадли мамлакатларда ёш болалар инсон капитали даражасини бугунги кунда инсон капиталини COVID-19 мавжуд бўлмаган шароитдаги даражасидан 1 фоизга паст бўлишини кутишлари мумкин<sup>68</sup>.

НСІ, бугунги кунда туғилган болаларнинг келгуси 18 йил мобайнида ушбу ёш оралиғидаги болалар каби бир хил таълим имкониятлари ва соғлиқ учун хавфга эга бўлишини тахмин қилиб, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги яхшиланишларнинг кейинги авлод ишчиларининг самарадорлигига қандай таъсир қилишини кўрсатишга қаратилган. НСІ боланинг туғилишдан бошлаб то катта ёшга тўлгунга қадар бўлган траекториясининг асосий босқичларини акс эттиради.

<sup>68</sup> Human Capital in the Time of COVID-19. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1552-2. License: Creative Commons Attribution CC BY 3.0 IGO.

Хусусий инсон капитални шакллантириш, унинг сифатини яхшилаш орқали корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчиларнинг компетентлигини ошириш корхона ва корхонадан ташқарида амалга оширилади, бунда корхона ва ташкилотлар ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга инвестиция киритишдан юқори даражада манфаатдор бўладилар. Инсон капитални категориясини тавсифлашда ҳар доим биринчи эътибор умумий инсон капитал, сўнгра эса хусусий инсон капиталга қаратилади. Инсон капитални ўрганишда умумий инсон капиталга нисбатан хусусий инсон капитални ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши тараққий этган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ҳолда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида ишчи ва хизматчиларни махсус тайёрлашга инвестициялар оқимининг кўпайтирилиши билан ҳам изоҳланади.<sup>69</sup>

Юқорида баён этилганлардан ва шу билан бир қаторда инсон капитални таълим, малака ошириш ва ушбу жараёнларга инвестиция киритиш нуқтаи назаридан ўрганишнинг долзарблигини инобатга олган ҳолда, мазкур илмий-тадқиқот ишида “инсон капитални шакллантириш” тушунчасининг тор талқинига амал қилган ҳолда иш кўрамиз.

Бир сўз билан айтганда, инсон капитални тўғрисида тўхталар эканмиз, инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида инсон капитал билан боғлиқ бўлган иккита босқични ажратиб кўрсатишимиз мумкин бўлади, биринчи босқичда инсон капитални шаклланса, иккинчи босқичда эса шаклланган ва жамғарилган инсон капитал ишлатилади.<sup>70</sup> Инсон капиталнинг шаклланиши аслида инсоннинг бутун ҳаётининг фаолияти давомида амалга ошади ва ўз навбатида инсон капитални шаклланишининг бир нечта босқичларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин бўлади (1.3.1-жадвал).

<sup>69</sup> Бирюков, В.В. Интеллектуальный капитал. Структурное содержание интеллектуального капитала фирмы [Текст] / В.В. Бирюков // Наука и Экономика. - 2011. - № 4(8). - С. 38-42.

<sup>70</sup> Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари / Илмий рисола. Ш.Г. Акрамова. – Т.: 2020.

**Инсон капитали шаклланишининг биринчи босқичи** – жисмонан кучга тўлиш, асосий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, шахснинг ижтимоийлашув даври билан тавсифланади. Ушбу босқич ўз навбатида бир неча даврларни ўз ичига олади: туғилиш (бола туғилишидан болалар боғчасига қабул қилишгача бўлган давр); асосий ривожланиш даври (болалар боғчасида тарбияланиш, умумий таълим мактабида таҳсил олиш, мактаб ва мактабдан ташқари қўшимча таълим олиш); ўрта ва юқори касб-хунар таълими муассасаларида ўқиш орқали касбий билимларни эгаллаш.

### 1.3.1-жадвал.

#### Инсоннинг ҳаётийлик цикли давомида инсон капиталининг шаклланиш босқичлари

Инсон капиталини шакллантириш	I босқич – умумий инсон капитали			II босқич – хусусий инсон капитали	III босқич
	Инсоннинг ҳаёт фаолияти йиллари				
	7 ёшгача	7 ёшдан 17-18 ёшгача	17-18 ёшдан 20-25 ёшгача	17 ёшдан 55-60 ёшгача (баъзан ундан ҳам юқори)	55-60 ёшдан инсон умрининг охирига қадар
<b>Йўналиш</b>	Оила ва маҳалла тарбияси	Умумий таълим	Касбий таълим	Меҳнат фаолияти	Пенсия даври
<b>Инсон капиталининг турлари</b>	Маданий ва ахлоқий кадриятлар, интеллектуал ва ташкилий қобилиятлар, ишбилармонлик кўникмалари		Меҳнат, интеллектуал, ташкилий ва тадбиркорлик	Инсон капиталининг барча шакл ва кўринишларини такрор ишлаб чиқариш	
<b>Инвестиция манбалари</b>	Шахснинг ўз меҳнати ва ҳатти- ҳаракатлари				
	Уй хўжалиklarининг даромадлари				
				Мулк шаклидан қатъий назар корхона-ташкilotларнинг маблағлари	
	Ҳомийлар ва давлат бюджет маблағлари				

*Манба<sup>71</sup>*

**Иккинчи босқичда** инсон ўз касбий позициясини шакллантиргани ҳолда, ўзининг касбий ва шахсий компитентлигини ривожлантиришга интилади, ўз навбатида мазкур босқич инсон капиталига инвестицияларнинг максимал рентабеллиги билан тавсифланади. Мазкур даврда бир томондан,

<sup>71</sup> Человеческий капитал: содержание, виды, оценка и стимулирование [Текст]: монография / В.Т. Смирнов, И.В. Сошников, В.И. Романчин, И.В. Скоблякова. - М.: Машиностроение-1, Орел: ОрелГТУ, 2005. - 513 с.

касбий ваколатларни эгаллаш, иккинчи томондан, улардан иш жараёнида фойдаланиш амалга ошади.

**Учинчи босқични** тадқиқотчилар кексайиш ёки чарчаш деб аташади – бунда ижтимоий, меҳнат ва ижодий фаолиятнинг пасайиши кузатилади, баъзи касбий кўникмалар ва малакаларнинг йўқолиш хавфи вужудга келади, пировардида инсон нафақага чиқиши лозимлигини англаб етади.

Инсон капиталини шакллантириш ва жамғаришнинг ҳар бир босқичида инвестициялар муайян бир шахс, алоҳида оила, корхона-ташкилотлар ва ялпи тарзда давлат томонидан амалга оширилиши мумкин.

Инсон ҳаёт фаолиятининг илк даврларида инвестициялаш жараёнида оила ва давлат иштирок этади, инсон капиталини муттасил ривожлантириш ва жамғаришга бўлган интилишнинг кучайиши ушбу мақсадлар учун инвестицияларни кўпайтириш зарурлигини келтириб чиқаради. Инсон ўз меҳнат фаолиятини муайян бир ташкилот ёки корхонада бошлаши ва ўз касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга интилиши асносида корхона-ташкилотлар ўз ходимларига инвестиция киритишдан манфаатдор бўладилар. Бу ўринда муаммо шунда намоён бўладики, ходимнинг кексайиш даврида корхона-ташкилотлар томонидан мазкур ходимлар тоифасига киритилаётган инвестициялар миқдори камайиб боради, ўз-ўзидан аёнки, мазкур даврда давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати ва қўллаб-қувватлаши талаб қилинади.

Инсон капиталини шакллантиришнинг дастлабки икки босқичи ўзлаштирилган билим, тажриба ва кўникмалар кўламининг ортиши, улардан меҳнат фаолияти жараёнида кенг қўлланилиши ҳисобига инсон капитали қийматининг ошиши билан тавсифланади.


Шуни ўз навбатида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, инсон капитали шаклланиши ва ундан фойдаланишнинг иккинчи босқичининг ўзидаёқ, аллақачон инсон капиталидан фойдаланиш ва уни кўпайтиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларнинг бир нечта вариантлари пайдо бўлади. Мабодо инсон



юқори маҳсулдор ақлий меҳнат билан банд бўлгани ҳолда, корхона-ташкilotлар бундай ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланаётган маблағлар кўламини қисқартирмасагина, инсон капиталининг қиймати ошишини кутишимиз мумкин бўлади, агар бандлик кўпроқ жисмоний меҳнат билан боғлиқ бўлса, у ҳолда маҳсулдорлик пасайиши ва инсон капитали қийматининг пасайиши кузатилади.<sup>72</sup>

Бир сўз билан айтганда, инсон капиталини шакллантириш фаол меҳнат фаолияти даврида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасида амалга ошади, айнан мана шу давр кейинчалик инсон капитали сифати ва самарасини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳаётлийлик цикли давомида умумий ва хусусий инсон капиталининг шаклланиши амалга ошади.

Биринчи босқич умумий инсон капиталининг шаклланиш даврини ўз ичига олса, иккинчиси босқичда хусусий инсон капиталига хос бўлган жиҳатлар шаклланади ва айнан, иккинчи босқичдан бошлаб, бир томондан инсон капиталини шакллантириш ва бошқа бир томондан эса ундан фойдаланиш даври бирдек бошланади (1.3.2-расм).



**1.3.2-расм. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш босқичлари.**

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

<sup>72</sup> Курчидис, К.В. Оценка чистой стоимости человеческого капитала [Текст] / К.В. Курчидис // Ярославский педагогический вестник. - 2011. - №2. - Т. 1 (Гуманитарные науки). - С. 100-104.

Инсон ҳаётининг циклининг ҳар бир босқичида инсон капиталининг шаклланишига таълим олувчиларнинг шахсий қобилиятлари, ота-оналарнинг маълумот даражаси; болалар таълимига йўналтирилаётган инвестициялар кўлами; таълим-тарбия, ўқув-услубий материаллар ва таълим дастурларининг сифати; мактабнинг узоқ ёки яқинда жойлашганлиги; оилавий анъана ва кадриятлар; ижтимоий алоқалар; ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий вазият каби турли-туман омилларнинг таъсир кўрсатишини кузатишимиз мумкин.

Хорижлик тадқиқотчи ва олимлар ушбу омиллар орасида инсон капиталини шакллантириш, ундан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан муҳим бўлган куйидаги омилларни алоҳида ажратиб кўрсатишади:

- **туғма индивидуал қобилиятлар**- Veyker ва Tomes, 1979, 1986; Grinvud ва Seshadri, 2002 каби олимларнинг фикрича, туғма қобилиятларнинг юқори даражаси келажакда янги билимларни эгаллашни тезлаштиришга хизмат қилади<sup>73</sup>;

- **ота-оналарнинг таълим савияси** ( маълумот даражаси юқори бўлган ота-оналарнинг кўпроқ билим, қобилиятларга эга бўлиши табиийдир, ўз навбатида улар бу билим ва қобилиятларни ўз фарзандларига улашадилар; юқори маълумотга эга бўлганликлари боис, турли жабҳаларда асосланган қарорлар қабул қила оладилар; ўз навбатида уларнинг даромад даражасининг бошқаларга нисбатан юқорилиги уларга сифатли тиббий ёрдам ва таълим хизматларидан фойдаланишга имкон беради. Фикримизнинг тасдиғи сифатида Coleman, 1966; Ханусшек, 1986; Fuchs ва Reklis, 1994; Galor ва Tsiddon, 1994 ва 1997; Хасслер ва Rodrigues Mora, 2000 каби тадқиқотчиларнинг илмий изланиш натижаларини келтириб ўтишимиз мумкин бўлади;

-**аҳолининг ижтимоий аҳволи** – ўз навбатида ижтимоий омиллар, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият инсон капиталининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида аҳоли даромадларининг ўсишига ва

---

<sup>73</sup> Flavio Cunha. Interpreting the Evidence on Life Cycle Skill Formation [Text] / Flavio Cunha, James J. Heckman, Lance Lochner, Dimitriy V. Masterov. - University of Chicago, 2005. - 109 p.

инсон капитали шаклланиш жараёнларининг ижобий тус олишига замин яратади<sup>74</sup>; бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрича, иқтисодий агентлар ўзларининг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга интилиш асносида инсон капитали ривожланишининг юқори даражасини талаб қиладиган йўналишларни танлашни ва шу йўналишларда иш кўришни афзал биладилар;

- **солиқ сиёсати** - Ven-Poret, 1967; Boskin, 1974; Lukas, 1990 каби иқтисодчилар даромад солиғининг юқори даражаси инсон капиталининг шаклланиши ва ундан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ва инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар рентабеллигининг пасайишига олиб келишини уқтирадилар<sup>75</sup>;

- **маданий ва мафкуравий омиллар** - маданий ва ахлоқий меъёрлар; жамият мафкураси, жамият аъзоларининг умуммиллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабати; жамият аъзоларининг юксак маданий савияси миллий иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ўсишига, янги билимларни яратиш, уларга асосланган янгиликлар ва маҳсулотлар яратилишининг тезлашишига олиб келади, бу эса ўз навбатида мамлакатда йиллик иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиради;

Инсон капиталининг шаклланишига демографик, ижтимоий, иқтисодий, техник-технологик институционал, маданий каби бир қатор омиллар инсон капиталининг шаклланишига ва унинг сифатига таъсир кўрсатади, деган хулосани беришимиз мумкин бўлади. Инсон капиталининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг таснифи 1.3.2-жадвалда келтириб ўтилган.

1.3.2-жадвалда омиллар нафақат инсон капиталининг шаклланишига таъсир кўрсатиш даражаси билан бир қаторда, инсон капиталининг бошқа жиҳатларини эътиборга олган ҳолда тизимлаштирилган. 1.3.3-жадвалда биз

---

<sup>74</sup> Maria Rosaria Carillo. Human capital formation in the new growth theory: the role of 'social factors' [Электронный ресурс] / Maria Rosaria Carillo. - Режим доступа: [http://www.econ.tuwien.ac.at/hanappi/AgeSo/rp/Carillo\\_2002.pdf](http://www.econ.tuwien.ac.at/hanappi/AgeSo/rp/Carillo_2002.pdf)

<sup>75</sup> Theo Eicher. Effects of differential taxation on factor accumulation and growth [Text] / Theo Eicher, Stephen Turnovsky, Maria Carme Riera i Prunera. - Barcelona: Department of Econometrics, Statistics and Spanish Economics, 2002.

инсон капиталининг субъектларини ҳам инобатга олган ҳолда, тадқиқот доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилдик .

### 1.3.2-жадвал.

#### Инсон капиталининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар типологияси

Омиллар гуруҳлари	Гуруҳга киритилган омиллар
<b>Демографик</b>	- аҳоли сони; - аҳолининг жинс ва ёш таркиби; - туғилиш пайтида умр кўриш давомийлиги;
<b>Институционал</b>	- демографик жараёнларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; - ижтимоий ва меҳнат соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; - ижтимоий ва инсон капиталини ривожлантириш борасида давлат сиёсати;
<b>Интеграция</b>	- ташқи дунё билан ҳамкорлик даражаси; - мамлакатда трансмилий компанияларнинг мавжудлиги; - аҳоли томонидан глобаллашув жараёнини қўллаб-қувватланиши;
<b>Атроф-муҳит</b>	- умумий экологик ҳолат; - озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси; - табиий-иқлим шароитлари; - мавжуд иш жойларининг санитар-гигиеник ҳолати;
<b>Иқтисодий</b>	- аҳолининг номинал ва реал даромадлари; - камбағаллик ва қашшоқлик даражаси; - бозорларда асосий товар ва хизматларнинг мавжудлиги; - инфляция даражаси; - молия-кредит механизми; - солиқ маъмурчилиги; - ихтисослашув ва кооперация даражаси;
<b>Ишлаб чиқариш</b>	- меҳнат бозори, ишчи кучига талаб; - меҳнатдан фойдаланиш шарт-шароитлари; - малака ошириш; - кадрларни ижтимоий ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими

Манба: муаллиф ишланмаси.

Инсон капитали шаклланиши ва ундан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳига киритилган омиллар инсон капиталининг шаклланишига ҳам ижобий ва ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. В.В.Ложко<sup>76</sup>, В.А.Жук<sup>77</sup>, Қ.Х.Абдурахмонов<sup>78</sup> ва шу каби бир қатор тадқиқотчилар арзон ва сифатли тиббий ёрдам, сифатли таълим хизматлари

<sup>76</sup> Ложко, В.В. Формирование человеческого капитала - инновационная стратегия социально-экономического развития государства и его регионов [Электронный ресурс] / В.В. Ложко. - Режим доступа: <http://www.m-economy.ru/art.php3?artid=23349>

**Инсон капиталининг шаклланиши ва унинг сифатига таъсир  
этувчи омиллар**

<b>Омиллар таснифлаш белгиси</b>	<b>Инсон капиталининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар</b>
<b>Инсон капиталини шакллантирувчи субъектлар бўйича</b>	- индивидуал; - оила; - корхоналар; - маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари;
<b>Шаклланиш соҳалари бўйича</b>	- таълим; - тиббиёти; - маданий-маърифий; - меҳнат соҳаси ва бошқалар;
<b>Инсон капиталига инвестиция киритиш бўйича</b>	- аҳоли, хусусий ва давлат инвестициялари; - таълим, тиббиёт ва маданият даражасини кўтаришга инвестициялар; - умумий ва хусусий инсон капиталига инвестициялар;
<b>Инсон капиталини шакллантириш босқичлари бўйича</b>	- болаларни тарбиялаш ва вояга етказиш, маданий жамиятга хос бўлган меъёрларни ривожлантириш; - мактабда ўқитиш: болаларнинг индивидуал қобилиятлари ва йўналишларини аниқлаш, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида асосий билимларни шакллантириш, шахсни ижтимоийлашуви, шахснинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлалигича англаб етиши; - касб-ҳунар таълими олиш: иш жойларида муайян турдаги ишларни бажариш учун малака, касбий қобилиятларни шакллантириш;
<b>Инсон капиталини шакллантиришга таъсирининг табиати бўйича</b>	- бевосита ва билвосита таъсир омиллари; - экстенсив (ҳудуд аҳолиси умумий сони, иқтисодий фаол аҳоли сони, ишсизлик даражаси) ёки интенсив таъсирга эга бўлган омиллар (ички ресурслар ва шахсларнинг имкониятларини сафарбар қилиш);
<b>Инсон капиталини шакллантириш натижалари асосида</b>	- ижобий натижалар (юқори билим ва малака даражаси); - салбий натижалар (вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги, жамият аъзоларининг девитант ҳулқ-атвори).

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

кўрсатиш, тараққий этган илмий ва инновацион фаолият, юксак маданий тараққиёт, юқори турмуш даражаси ва сифати, самарали давлат бошқаруви каби омилларни инсон капиталининг шаклланиши ва унинг сифатига ижобий

<sup>77</sup> В.А.Жук. Стратегический приоритет государственного управления социальными инвестициями в России [Электронный ресурс] / В.В.Ложко. - Режим доступа: <http://www.rusrand.ru/Dokladi/Lojko.pdf>

<sup>78</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. 216-бет.

таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳига қўшишни тавсия қиладилар. Бундан ташқари, демографик вазият, ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши, техника - технологиялар соҳасидаги тараққиёт (рақамли технологиялар, сунъий интеллектнинг изчил жорий қилиниши, меҳнатни масофадан туриб ташкил этиш), табиий ресурслардан оқилона, тежамкор фойдаланиш каби жиҳатлар ҳам инсон капиталининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига киради.

Инсон капиталини шакллантириш ва унинг сифатига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар гуруҳига самарасиз ташкил қилинган касб-ҳунар таълими тизими, фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясининг яхши йўлга кўйилмаганлиги, корхона-ташкilotларда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаслиги ва бунга масъул ходимларнинг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги, самарасиз ижтимоий ва бандлик сиёсати, “ақлли бошларнинг чиқиб кетиши” каби омилларни киритишимиз мумкин.<sup>79</sup>

Мамлакатда мавжуд институтлар ва бошқарув усул-воситаларининг эскирганлиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, таълим, тиббиёт ва инновацион инфратузилма самарадорлигининг пастлиги каби омиллар ҳам инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида тилга олиб ўтилган жиҳатларнинг барчаси билимларнинг қадрсизланиши, амалий кўникмаларга талабнинг пасайишига олиб келади, бу ўз навбатида инсон капиталидан самарали фойдаланишни шубҳа остига қўяди ва унинг иқтисодий-ижтимоий қимматини пасайтиради. Мамлакатда яширин иқтисодиёт кўламининг юқорилиги инсон капитални сифатининг пастлигини кўрсатади. Бундай шароитда жамиятда коррупцион ҳолатларнинг кучайиши,

---

<sup>79</sup> <https://review.uz/post/prioritet-obrazovaniya-v-uzbekistane-obzor-reform>

кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатининг пасайиши, бир сўз билан айтганда жамиятда инқирозли вазият вужудга келиши кузатилади<sup>80</sup>.

Юқорида тилга олиб ўтилган инсон капиталининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни тизимлаштириш, ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган йўналишларни аниқлаштириб олиш, мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишига замин яратади. Бошқача айтганда, инсон капиталига таъсир кўрсатувчи ижобий омилларни рағбатлантириш асносида жамият аъзоларининг саводхонлик даражаси ва касбий маҳоратининг ошиши, ижодий ва инновацион фаолликнинг ўсиши каби ижобий жараёнлар кузатилади.

Шу билан бир қаторда, инсон капитали шаклланишига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар тўғридан-тўғри (бой берилган фойда, йўқотишлар, кўшимча инвестицияларга бўлган эҳтиёж) ва билвосита иқтисодий харажатлар (мутахассисларни тайёрлаш сифатининг пастлиги ва бошқалар) кўламининг ортишига олиб келади.

Инсон капитали шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар инсон ҳаётийлик циклининг ҳар бир даврида кузатилади. Салбий омилларнинг кўлами бевосита давлат томонидан амалга оширилувчи ижтимоий сиёсатга боғлиқдир. Шу боис, инсон капиталини шакллантириш ва ушбу жараёнда давлатнинг ўрни билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инсон капиталини шакллантиришнинг муҳим субъекти ва жамиятнинг асоси сифатида оила инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини саналади, унда фарзандлар тарбия топади, уларни ўқитиш ва кейинчалик ижтимоийлашуви учун шарт-шароитлар, қобилиятларни жамғариш ва ривожлантириш борасида ижобий муҳит яратилади.<sup>81</sup>

---

<sup>80</sup> Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны. XXVI международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. М.: 2013. С.107-108.

<sup>81</sup> Ящук, А.И. Роль семьи в формировании человеческого капитала [Текст] / А.И. Ящук // Проблемы управления. - 2011. - № 4(41).

Неоклассик ёндашув доирасида уй хўжалиги ички функцияларининг тақсимланиши “инсон капитали” тушунчасидан фойдаланиш эвазига янгича мазмун касб этади. Кенг маънода мазкур тушунча инсоннинг бутун ҳаёти давомида

Инсон капиталининг дастлабки жамғарилишида нафақат уй хўжаликлари, балки давлат ҳам бирдек иштирок этади, бунда давлат ўз ташкилот ва муассасалари орқали давлат бюджети ҳисобидан бепул таълим ва тиббиёт хизматларини кўрсатади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий харажатлар улуши қарийб 60 фоизни, таълим харажатлари эса ЯИМнинг 10-12 фоизидан ошиқроқ кўрсаткични ташкил қилади.

Ўтган асримизнинг охири ва 21 асрнинг бошларига келиб инсон капитали назарияси борасида олимлар, тадқиқотчилар ва соҳа мутахассислари ўртасида илмий мунозаралар қизғин тус олганлиги барчага бирдек маълум. Мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам бу борада салмоқли илмий изланишлар изчил олиб борилаётганлигини, инсон капитали назариясининг ривожлантирилишига Р.А.Убайдуллаева, С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Л.П.Максакова, А.В.Вахобов, шунингдек, Н.Х.Рахимова, Д.М.Каримова, Н.К.Зокирова, Х.П.Абулқосимов кабилар улкан ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Р.А.Убайдуллаева “бугунги кунда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашда инсон салоҳияти ўрнининг ўсиши асносида ижтимоий ташкил этувчиларнинг ўрни ва аҳамияти ўсиб бораётганлигига эътибор қаратган ҳолда, инсон капиталига асосий инвестор сифатида давлат намоён бўлишини”<sup>82</sup> таъкидлайди.

Қ.Х.Абдурахмоновнинг ишларида келтирилишича, “инсон капитали иқтисодий ўсишнинг омили бўлгани ҳолда, республикада инсон тараққиёти

---

<sup>82</sup> Убайдуллаева Р.А. Роль и значение социальных императивов в инновационном развитии страны. XXVI международные Плехановские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. М.: 2013. С.107-108.



ютуқларига эришиш инсон капиталига инвестицияларни кўпайтиришни назарда тутлади. Тор маънода инсон капитали – инсоннинг интеллекти, саломатлиги, билими, маҳсулдор меҳнати ҳамда унинг турмуш сифатини ифодаласа, кенг маънода эса, инсон капитали - бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир”<sup>83</sup>.

Тадқиқотчи Д.М.Каримова эса, моддий капитал - ишлаб чиқариш жараёни омиллари, мулк ва молиявий активларга нисбатан эгалик ҳуқуқини назарда тутлади, асосий ташкил этувчиси инсон капитали ҳисобланувчи ижтимоий капитал эса, аҳолининг саводхонлик даражаси, касбий малакаси, кадрларнинг инновацион салоҳияти, шунингдек, аҳолининг саломатлик ва тиббий маданият даражаси, умуммиллий ва умумбашарий кадрият ва анъаналарни ўз ичига қамраб олиши борасида фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтади<sup>84</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, давлат бюджети харажатларининг муттасил ўсиб бориши таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг истиқомат қилиши учун муносиб шарт-шароитларни таъмин этиш борасидаги давлат мажбуриятларининг бир қисмини уй хўжаликлари зиммасига юклатилишини кўзда тутлади. Аҳоли ижтимоий гуруҳлари даромадлари ўртасидаги тафовутларнинг ўсиб бориши асносида муайян бир ижтимоий гуруҳларда инсон капиталига инвестиция киритиш ва инсон капиталини шакллантириш имкониятлари пасайиши кузатилади.<sup>85</sup>

Мулкчилик шаклидан қатъий назар иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатувчи корхона-ташкilotлар инсон капиталини шакллантириш ва унинг сифатини ошириш билан шуғулланувчи субъектлар орасида муҳим

<sup>83</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. 216-бет.

<sup>84</sup> Каримова Д.М. Социальный капитал как элемент обеспечения конкурентоспособности национальной экономики. /Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики. Т.: «Baktria Press» 2012. С.199-207.

<sup>85</sup> Трофимова, Ю.А. Проблемы формирования человеческого капитала России [Электронный ресурс] / Ю.А. Трофимова. - Режим доступа: <http://conf.sfu-kras.ru/sites/mn2010/pdf/13/118a.pdf>

Ўрин тутади, чунончи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ўз фаолиятларининг натижаси ўлароқ, бюджет тушумларини шакллантиришда солиқ тўловчи сифатида иштирок қиладилар, ўз навбатида мазкур тушумлар давлат зиммасига юкланган ижтимоий мажбуриятларни молиялаштиришга сарфланади.<sup>86</sup>

Шу билан бир қаторда, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини кенг қўламли қўллаб-қувватлаш орқали, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида ишчи ва хизматчиларга талаб яратилади ва бандлик муаммоси юмшатилади.


Ушбу иқтисодий муносабат субъектлари бир нечта моделларга - иқтисодий фаровонликка ҳисса қўшиш ва меҳнат жамоасининг эҳтиёжларини қондириш ёки ижтимоий инвестицияларни қисқартиришга (имтиёзлар, кафолатлар бериш, касбий қайта тайёрлаш, пенсия ва уй-жой шароитларини яхшилаш) асосланган ҳолда инсон капиталини шакллантиришда иштирок этадилар.<sup>87</sup> Аммо, баъзи бир ҳолатда, иқтисодий фаолиятнинг мазкур иштирокчилари ташқи муҳитнинг беқарорлиги, самарасиз корпоратив бошқарув моделидан фойдаланиш, молиявий аҳволнинг ёмонлиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуносиблиги каби салбий ҳолатлар туфайли инсон капиталини шакллантириш жараёнида самарали иштирок қила олмайдилар.

Баъзи бир ҳолатларда уй хўжаликлари ва иқтисодий фаолиятнинг бошқа иштирокчилари инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида етарлича шарт-шароитларни таъмин эта олмасликларини инобатга олган ҳолда, мазкур жараёнларни тартибга солишда давлатнинг ислохотчилик вазифасини қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлаб ўтамыз.

---

<sup>86</sup> Курчидис, К.В. Оценка чистой стоимости человеческого капитала [Текст] / К.В. Курчидис // Ярославский педагогический вестник. - 2011. - №2. - Т. 1 (Гуманитарные науки). - С. 100-104.

<sup>87</sup> Хачатрян, О.А. Рыночный спрос на человеческий капитал [Текст] / О.А. Хачатрян // ОрелГИЭТ. - 2010. - № 3(13).



1.3.4-расм. Инсон капиталини шакллантиришда иштирок этадиган субъектлар

Манба: муаллиф ишланмаси.

Давлатнинг бу борадаги ислохотчилик вазифаси авваламбор, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, лойиҳаларни инвестициялаш, аҳолининг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бандлик муаммоларини ҳал қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шарт-шароитларини таъминлаш орқали ҳар томонлама пухта ўйланган ижтимоий сиёсат ва инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ўз аксини топади.

Давлат институтларининг самарасизлиги, давлат бошқарувининг ҳаддан ташқари бюрократлашганлиги шароитида ҳукумат инсон капитали сифатини таъминлаш борасида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли

бажара олмайди, бу ўз навбатида миллий иқтисодиётда яширин иқтисодиёт кўламларининг ортишига олиб келади.

Инсон капиталини шакллантириш ва унинг сифатини таъминлаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш бевосита ёки билвосита тарзда амалга оширилади (1.3.4-расм).

Ҳукуматнинг асосий мақсади - аҳолининг муносиб турмуш даражаси, юқори ишбилармонлик маданияти, самарали бандлик, иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, инновацион ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат.<sup>88</sup>

Инсон капиталини шакллантириш ва унинг сифатини яхшилаш нафақат таълим ва соғлиқни сақлаш, балки оила, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва тижорат субъектлари билан бир қаторда, бутун бир жамиятнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқ жараёнлар тизимини амалга оширишнинг пировард натижаси ҳисобланади.<sup>89</sup>

Инсон капиталини шакллантириш натижаси муайян бир фаолият йўналишида мақсадга мувофиқ тарзда тўпланган билим ва кўникмалар мажмуи ҳисобланади. Инсон капиталининг таркибий қисми сифатида таълимдан самарали ва мақсадли фойдаланиш миллий ва ҳудудий даражада иқтисодий ўсишнинг суръати ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади.<sup>90</sup>

Инсонларнинг ҳаёт фаолияти давомида шаклланган билим ва кўникмалари уларнинг амалий меҳнат фаолиятида намоён бўлади. Бунда, ишчи кучининг касбий маҳоратини ошириш кўшимча инвестицияларни талаб қилади, бу эса ўз навбатида такрор ишлаб чиқариш харажатларининг

---

<sup>88</sup> Савченко, В.В. Модели воспроизводства человеческого капитала в современном российском обществе [Текст] / В.В. Савченко // Вестник Северо-Кавказского государственного технического университета. - 2010. - № 1 (22). - С. 175-181.

<sup>89</sup> Malcolm Menzies. Scholarships, fellowships and human capital formation in national innovation systems [Электронный ресурс] / Malcolm Menzies, Helena Barwick, Victoria Link. - Режим доступа: <http://www.morst.govt.nz/Documents/publications/evaluations/Scholarships-Evaluation.pdf>

<sup>90</sup> Капелюшников, Р.И. Трансформация человеческого капитала в российском обществе (на базе «Российского мониторинга экономического положения и здоровья населения») / Р.И. Капелюшников, А.Л. Лукьянова. - М: Либеральная миссия, 2010. - 196 с.

ўсиши билан бирга, яратилаётган кўшилган қийматнинг кўпайишига ҳам олиб келади.<sup>91</sup>

Якка тартибда инсон капиталидан фойдаланиш жараёни меҳнат фаолияти самадорлигининг ортишида кўзга ташланади, шу билан бирга, ҳар қандай ташкилотнинг миссиясидан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда ҳар бир ходимнинг кўшаётган ҳиссасининг ошишига, пировард натижада эса, миллий хўжалик миқёсида фаровонликнинг ортишига олиб келади. Шу сабабли ҳам инсон капиталидан самарали фойдаланиш меҳнатга ҳақ тўлашнинг кўпайиши ва аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига, барқарор тараққиётнинг таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Умумий тарзда, инсон капиталидан фойдаланиш жараёнини аҳолининг саводхонлик даражаси ва касбий салоҳиятидан турли фаолият соҳаларида (иқтисодий, сиёсий ва шу каби) фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараён сифатида таърифлашимиз мумкин бўлади, бу макродаражада мамлакатнинг барқарор ривожланишига, индивидуал даражада эса - меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ошишига олиб келади.

Инсон капиталидан фойдаланиш жараёнларини бевосита меҳнат фаолияти, шу жумладан жамият учун инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан яқиндан боғлиқ, деб тасаввур қилишимиз мақсадга мувофиқ. Бироқ, шуни ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, инсон капитали нафақат меҳнат фаолиятида, балки иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида бевосита фаолият юритиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари, хусусан, бола парвариши, уй хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини юритиш каби фаолият турларида ҳам амалга оширилиши мумкин<sup>92</sup>

Инсон ҳаёти мобайнида инсон капиталидан фойдаланишда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёни ўзаро мутаносиб

---

<sup>91</sup> Маркс, К. Соч. - Т. 23 [Текст] / К. Маркс, Ф. Энгельс. - М.: Государствен-ное издательство политической литературы, 1960.

<sup>92</sup> Хайкин, М.М. Процессы воспроизводства человеческого капитала на стадии роста сферы услуг [Текст] / М.М. Хайкин // Труд и социальные отноше-ния. - 2010. - №6. - С. 42-48.

тарзда кенгайиб боради, аҳолининг иш фаоллиги ўсади, инсонларда атроф-муҳитни ўз ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда, ўзига мослаштириш жараёнлари кучаяди, шу билан бир қаторда шахслараро алоқалар мустаҳкамланиб, инсонларнинг ижтимоийлашуви амалга ошади. Бу ўз навбатида аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши, корхона-ташкilotлар фойдасининг кўпайиши каби ижобий иқтисодий-ижтимоий самарани таъмин этади.

Инсон капиталидан фойдаланиш жараёнини ундан инсонларнинг дастлабки меҳнат фаолиятида фойдаланиш ва тўпланган салоҳиятдан меҳнат фаолиятининг кейинги босқичларида кенг фойдаланиш орқали иқтисодий натижаларни яхшилаш каби босқичларга бўлиш мумкин.

Юқори иш ҳақи инсон капиталини кўпайтиришнинг навбатдаги циклини бошлашга сезиларли таъсир кўрсатади, иқтисодий агентларда аҳолининг саводхонлиги ва касбий маҳоратини оширишга маблағ сарфлашга иштиёқ уйғотиш борасида дастлабки турткини беради ёки аксинча, иштиёқнинг сусайишига олиб келади. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланишда иштиёқнинг сусайиши корхона-ташкilotлар ва давлат томонидан инсон капиталидан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш зарурлигини англатади.

Инсон капиталидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар тавсифига кўра (ички/ташқи) фойдаланиш самарадорлиги (самарали/ самарасиз) каби хусусиятларга кўра таснифланиши мумкин. Ички омиллар биринчи навбатда аҳолининг индивидуал хусусиятлари билан, қисман эса бевосита атроф-муҳитнинг таъсири билан боғлиқ бўлса, ташқи омиллар ҳудудий, шаҳар-туман даражасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ (1.3.4-жадвал).

**Инсон капиталидан фойдаланишга таъсир қилувчи омилларнинг таснифи**

Таъсир кўрсатиш табиати бўйича	Таъсир доираси ва самарадорлиги бўйича	
	Инсон капиталидан самарали фойдаланишга ҳисса қўшиш	Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради
<b>Ички</b>	Янгича иш юритиш усулларини яратишга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш; кекса авлоднинг тажрибасидан фойдаланиш; бутун меҳнат муносабатлари тизимини тубдан янгилаш	Иш вақтидан кўра, бўш туриб қолишларнинг ортиқча бўлиши; Режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилмасдан қолиши; Иш сифатининг пасайиши; Ходимлар ўртасида горизонтал ва вертикал равишда кооперация алоқаларининг издан чиқиши
<b>Ташқи</b>	Касбий ва ҳудудий ҳаракатчанликдаги тўсиқларни бартараф этиш; Янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, илмий тадқиқотлар; Инновацияларни яратиш учун зарур муҳитни яратиш	Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф таркибининг номувофиқлиги; Бандликни таъминлаш борасидаги номуносивликлар; Ташкилотларнинг қониқарсиз ижтимоий-иқтисодий ҳолати

Манба: маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

Инсон капиталидан фойдаланиш жараёнлари ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бир томондан, у иш ҳақининг ўсиши асносида аҳоли даромадларининг кўпайиши, корхона-ташкилотлар фаолияти самарадорлигининг ўсиши, жамиятда инновацион фаолликнинг ялпи ортишига, пировард натижада ҳудудларнинг инновацион тараққиётини таъмин қилса, бошқа бир томондан эса, инсон капитали сифатининг етарлича эмаслиги иқтисодиётда турли инқирозли вазиятларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсон капиталидан фойдаланиш жараёнларини тадқиқ қилиш асосида қуйидагини келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш инсон капиталининг такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи, инсоннинг

хаётийлик цикли давомида узлуксиз содир бўладиган ўзаро боғлиқ жараёнлар ҳисобланади.

2. Инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш босқичлари сифатида туғилиш, фарзанд тарбиялаш, инсоннинг жисмоний ва интеллектуал жиҳатдан куч тўплаш даври; касбий ваколатларни шакллантириш ва ривожлантириш даври; ижтимоий, меҳнат ва ижодий фаолиятнинг пасайиш даври кабиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш босқичлари бир-биридан жараёнларда қатнашувчи субъектлар, инвестициялар кўлами ва йўналиши билан фарқланади.

3. Инсон капиталининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар шаклланиш субъектлари, соҳалари, босқичлари, шаклланиш жараёнига таъсирининг табиати, шаклланиш натижалари каби хусусиятларга кўра таснифланади. Ушбу омиллар орасида индивидуал қобилиятлар, ота-оналарнинг маълумотлари, аҳолининг ижтимоий ҳолати, солиқ сиёсати, мафкуравий омиллар алоҳида ўрин тутди.

4. Инсон капиталидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар таъсир кўрсатиш табиати (ички / ташқи) ва фойдаланиш самарадорлиги (самарали / самарасиз) бўйича таснифланди. Ички омиллар биринчи навбатда аҳолининг индивидуал хусусиятлари билан, баъзан эса бевосита атроф-муҳит таъсири билан боғлиқ бўлса, ташқи омиллар ҳудудий даражадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир.

### **Биринчи боб бўйича хулосалар**

1. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига инсон капиталининг таъсири ўзига хос тавсифга эга бўлиб, трансформацияни тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи омил сифатида ҳаракат қилади; инсон капитали аҳолининг фаровонлиги ва инновацион фаоллигининг ўсишига ҳисса қўшган ҳолда, таълим ва касбий даражани оширишга маблағ сарфлашни янада самаралироқ йўналиш сифатида белгилаб олиш имконини беради.



2. Инсон капиталини ўрганишга ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, уни индивидуал ва макро даражаларда шакллантириш ва фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш асносида мавҳум-мантиқий ва репродуктив жиҳатлар бирлигида кўриб чиқиш зарурдир.

3. Инсон капиталининг умумий ва хусусий турлари ўртасидаги фарқлар: инсон капиталининг шаклланиш хусусиятлари, инвестиция субъектлари, фойдаланиш натижалари каби мезонлар бўйича аниқланади, бундай мезонларни аниқлаштириш инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

4. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланишга таъсир қилувчи салбий омилларнинг пайдо бўлиши инсоннинг ҳаётийлик цикли давомида инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида самарали бошқарув тизимининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Инсон капиталини шакллантириш ва унинг сифатини яхшилаш борасида давлат бошқарувининг таъсирчан механизми ва чуқур ўйланган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш талаб қилинади. Бунда ижтимоий сиёсат инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини рағбатлантиришга хизмат қилмоғи лозим.

## **II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ТАҚРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Инсон капитали ва инновацион ривожланиш ўртасидаги муносабатлар таҳлили**

Инновацион тараққиёт тақрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш борасидаги янги усул ва ёндашувлар, мавжуд ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, илмий-техник тараққиёт натижаларидан амалда кенг қўлланиш асносида юз беради, бу ўз навбатида иқтисодий субъектлар ва миллий хўжалик миқёсида ижтимоий, иқтисодий, экологик самара олинишини таъмин этади. Инновациялар иқтисодиёти ва инновацияларнинг тақрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсирини ўрганган Romer, 1990; Barro, 1991; De la Fuente va Domenik, 2005; Tempel, 1999; Kruger va Lindal, 2001; Solou, 1992 каби хорижлик тадқиқотчилар инсон капиталининг ишлаб чиқариш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатишини аниқлаштирганлари ҳолда, улар инсон капитали ва иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий статистик боғланиш борлигини амалда кўрсатиб беришди. Шу билан бир қаторда, Benhabib, Shrigel, 1994; Barro, 1991 каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда инсон капитали ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро ижобий боғлиқлик етарлича ёритиб берилмаган.<sup>93</sup> Инсон капитали ва инновацион тараққиётнинг ўзаро боғлиқлиги масалаларига бағишланган баъзи бир илмий адабиётларда инсон капитали иқтисодий ўсишга билвосита таъсир кўрсатиши ҳақида сўз юритилади. Инсон капиталининг илмий-техник тараққиёт ва технологиялар диффузиясига таъсирини тушунтириб беришга хизмат қилувчи кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, бундай тадқиқотлар сирасига Findley, 1978; Vang, 1992; Nannenkamp, 2009 каби олимларнинг илмий изланишларини киритишимиз мумкин.

---

<sup>93</sup> Carina Hirsch. Schooling, Production Structure and Growth: An Empirical Analysis on Italian Regions [Text] / Carina Hirsch, Giovanni Sulis. - Cagliari: Università di Cagliari, 2007. - 25 p.

Инновацион ривожланиш ва инсон капитали даражасини баҳолаш Республикада инсон капиталининг ривожланиш даражасини аниқлаш; инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш каби бир қатор кетма-кет босқичларни ўз ичига олувчи услубиётга асосланган “инсон капитали - инновацион тараққиёт даражаси” матрицасини яратиш орқали амалга оширилади .

Биринчи босқичда инсон капиталининг ривожланиш даражаси таҳлил кўрсаткичларини танлаш, интеграл кўрсаткичларни кўп ўлчовли қиёсий таҳлил усули ёрдамида ҳисоблаш кетма-кетлигида баҳоланди (1-илова).

“Инсон капитали” интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш ўлчамлари орасида қуйидаги кўрсаткичлар танлаб олинди:

- умумий бандлар сонидан ўрта махсус ва олий маълумотли ходимларнинг улуши;
- ҳар юз минг аҳолига тўғри келувчи ИТТКИ билан шуғулланувчи ходимлар сони;
- умумий аҳоли сонидан шаҳар аҳолисининг улуши;
- умр кўриш давомийлиги;
- фондлар коэффиценти;
- даромадлари яшаш минимумидан паст бўлган аҳолининг улуши.

Интеграл кўрсаткич қийматига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичларни саралаб олиш илмий-тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, инсон капиталининг асосий ташкил этувчилари ҳисобланувчи соғлиқни сақлаш капитали ва касбий капитал (билим, кўникма, иш тажрибаси ва бошқалар) билан бир қаторда, инсон капиталини шакллантиришга зарур бўлган инвестициялар ҳам эътиборга олинганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Интеграл кўрсаткичнинг ҳар бир таркибий қисми учун энг юқори қиймат танлангани ҳолда, мамлакат ҳудудлари кўрсаткичлари билан таққослаш амалга оширилди. Ҳисоблашлар натижасида ҳудудларда инсон капитали

ривожланишининг юқори, ўртачадан юқори, ўртача, ўртачадан паст, паст даражалари аниқлаштирилди (2.1.1-жадвал).

Инсон капитали даражаси бўйича ҳудудларнинг гуруҳларга ажратилиши дастлаб нотекис натижа берганлиги ва нормал тақсимот қонунига тўғри келмаслиги боис, ҳудудларнинг иккиламчи гуруҳланиши амалга оширилди. 2.1.1-жадвал маълумотларига эътибор қаратсак, таҳлил натижаларида Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Бухоро, Фарғона вилоятларида инсон капитали ривожланиш даражаси ўртачадан юқори ва юқори эканлигини кўрсатди.

### 2.1.1-жадвал.

#### 2021 йилда инсон капиталининг ривожланиш даражаси

Ривожланиш даражаси	Ҳудуд
Юқори	Тошкент шаҳри (0,7673), Навоий вилояти (0,7265)
Ўртачадан юқори	Тошкент вилояти (0,5294), Бухоро вилояти (0,5262), Фарғона (0,5236)
Ўрта	Самарқанд (0,5040), Жиззах вилояти (0,4979), Сирдарё вилояти(0,4956)
Ўртачадан паст	Андижон вилояти (0,4880), Қашқадарё вилояти (0,4858) Қорақалпоғистон Республикаси (0,4808), Хоразм (0,4852)
Паст	Сурхондарё вилояти (0,4454), Наманган вилояти (0,4548)

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Ҳудудларнинг инсон капитали ривожланиш даражаси паст бўлган гуруҳга киритилиши умумий бандлар сонида олий маълумотли мутахассисларнинг улуши, илмий - тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар сонидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Иккинчи босқичда мамлакат ҳудудларининг инновацион ривожланиш даражаси корхона-ташкilotларнинг инновацион фаоллиги, такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил қилиниши, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ва корхоналарнинг умумий харажатларида ИТТКИ учун йўналтирилган харажатларнинг улуши асосида баҳоланди (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал натижаларидан кўришиб турибдики, инновацион жиҳатдан тараққий этган ҳудудларга Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти киради.

Мамлакат миқёсида юқорида тилга олиб ўтилган ҳудудларнинг инновацион тараққиёт борасида етакчилик ўрни ҳудудда ИТТКИ харажатлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида инновацион маҳсулотлар салмоғининг юқорилиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда, мазкур ҳудудларда инновацион ишланмаларни яратиш ва инновацион фаолликни рағбатлантириш борасида тегишли шарт-шароитлар ва ижобий муҳит яратилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

### 2.1.2-жадвал.

#### 2021 йилда мамлакат ҳудудларининг инновацион тараққиёт даражаси

Ривожланиш даражаси	Ҳудуд
Юқори	Тошкент шаҳри, Фарғона, Навоий вилояти
Ўртачадан юқори	Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Бухоро вилоятлари
Ўрта	Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари
Ўртачадан паст	Сирдарё вилояти
Паст	Сурхондарё, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Инновацион ривожланиш даражаси паст ва ўртача даражадан паст бўлган минтақалар гуруҳида – Сурхондарё, Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ўрин олган. Тилга олиб ўтилган ҳудудларда инновацион тараққиёт даражасининг пастлиги ИТТКИ харажатларининг пастлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар таркибида инновацион маҳсулотлар улушининг камлиги билан изоҳланади. Ушбу ҳудудларда иқтисодий фаоллик даражасининг сустлигини ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли зичлигининг пастлиги ва ноқулай экологик вазият билан ҳам тушунтиришимиз мумкин<sup>94</sup> (2.1.2-жадвал).

Таҳлил натижалари Ўзбекистон ҳудудларининг аксарияти ўртача инновацион ривожланиш даражаси билан ажралиб туришини кўрсатади. Инновацион ривожланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларнинг мамлакат ЯИМ даги улушининг ҳам юқорилигини кузатишимиз мумкин (2.1.3 – жадвал)

<sup>94</sup> Innovatsiya va axborot texnologiyalarini rivojlantirish milliy assotsiatsiyasi ma'lumotlari.

2.1.3 – жадвал.

2017 ва 2021 йилларда ЯИМни шакллантиришда минтақаларнинг иштироки, (%да)

Худудлар	2017	2021
Қорақалпоғистон Республикаси	3,4	3,6
Тошкент ш.	13,5	16,6
Андижон	6,3	5,9
Бухоро	5,5	5,2
Жиззах	3,0	3,1
Қашқадарё	7,5	5,9
Навои	4,7	8,1
Наманган	4,8	4,7
Самарқанд	8,5	7,3
Сурхондарё	4,5	4,1
Сирдарё	2,1	2,1
Тошкент	9,2	11,2
Фарғона	6,6	6,4
Хоразм	3,8	3,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа худудлари орасида инновацион жиҳатдан етакчи бўлган янада ривожланган минтақалар учун ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун молиявий, ташкилий, ахборот ва маслаҳат тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган.

Инсон капитали ва Ўзбекистон Республикаси худудларининг инновацион тараққиёти даражасини таҳлил қилиш жараёнида “инсон капитали - инновацион тараққиёти даражаси” матрицаси яратилди (2.1.4-жадвал). Фойдаланилган маълумотларнинг нисбатан кўп қирралилиги ва мослашувчанлиги, тадқиқ қилинаётган объект хусусиятларини атрофлича ҳисобга олиш имконияти, кузатув бирликлари, гуруҳлар орасидаги боғланишни аниқлаш, ўрганилаётган объектни ривожлантириш борасида мақбул стратегияларни ишлаб чиқиш, омиллар комбинациясини ҳисобга олган ҳолда худудларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ва уларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш, худудларни миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзаро таққослаш имкониятларининг мавжудлиги

кабиларни инсон капитали даражасини баҳолашда матрицали ёндашувдан фойдаланишнинг афзалликларига киритишимиз мумкин.

#### 2.1.4-жадвал.

#### “Инсон капитали - инновацион тараққиёт даражаси” матрицаси, 2021 йил

Инсон капитали ривожланиш даражаси	Худуднинг инновацион ривожланиш даражаси				
	Юқори	Ўртачадан юқори	Ўрта	Ўртачадан паст	Паст
Юқори	Тошкент шаҳри, Навоий вилояти				
Ўртачадан юқори	Фарғона вилояти	Тошкент, Бухоро вилояти			
Ўрта			Самарқанд, Жиззах вилоятлари	Сирдарё вилояти	
Ўртачадан паст		Андижон, Қашқадарё вилояти			Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси
Паст			Наманган вилояти		Сурхондарё вилояти

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Фикримизча, инсон капиталини шакллантириш, ундан самарали фойдаланиш ва ҳудудларнинг инновацион тараққиётини таъминлаш борасидаги ташкилий тадбирлар қаторига таълим-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, ҳудудларнинг инновацион тараққиётига хизмат қилувчи ҳудудий стратегик дастур ва концепциялар ишлаб чиқиш кабилар киради.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, кўриб чиқилаётган даврда Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси каби айрим ҳудудларнинг инновацион ривожланиш даражаси бўйича позицияси ёмонлашди. Нафақат тилга олиб ўтилган ҳудудлар, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барча чоратадбирлар билан қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар ишлаб

чиқариш ва уларнинг харидини амалга оширишда давлат харидларини амалга оширишга устиворлик бериш, молия-кредит соҳасида турли имтиёз ва енгилликлар тақдим қилиш орқали инновацион фаолликни янги босқичга кўтаришимиз мумкин бўлади.

Шу билан бирга, иқтисодий агентларнинг инновацион фаоллигининг нисбатан пастлигидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш лозимки, инновациялар учун зарур муҳитни ривожлантириш, субъектлар ўртасида кооперацион алоқаларни шакллантириш, юқори технологиялар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш, инноваторларнинг обрўси ва ижтимоий мавқеининг ошишига хизмат қилувчи тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлашимиз лозим.

#### 2.1.5-жадвал.

##### Республикадаги технологик инновациялар учун харажатлар таркиби, %

Харажатлар тури	2007 й.	2012 й.	2017 й.	2021 й.
Янги маҳсулотларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқариш	9,6	0,8	5,3	8,7
Ишлаб чиқариш дизайни	10,9	28,6	0,1	0,1
Технологик янгиликлар билан боғлиқ янги техника ва ускуналарни сотиб олиш	62,1	59,8	83,5	40,1
Янги технологияларни сотиб олиш	1,0	3,9	2,2	0,9
Дастурий таъминотни сотиб олиш	2,6	0,0	0,0	34,4
Бошқа маҳсулот турлари ва янги маҳсулотларни чиқариш учун олдиндан ишлаб чиқариш	-	-	0,4	14,9
Инновация билан боғлиқ кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш	0,8	0,1	0,0	0,1
Маркетинг тадқиқотлари	0,3	0,0	0,0	0,0
Бошқа харажатлар	12,8	6,7	8,5	1,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш корхона-ташкilotлари ўртасидаги кооперацион алоқаларнинг заифлиги, инновацион соҳанинг етарлича шаффоф эмаслиги (янги технологиялар ва савдо бозорлари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги), инновацион жараёнларни ривожлантириш



ва кўллаб-қувватлаш борасида ҳудудий давлат идораларининг салоҳияти етарли эмаслиги каби муаммолар инновацион фаолликка салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида технологик инновацияларни кўллаб-қувватлаш борасида сарфланаётган харажатлар таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, маблағларнинг ярмидан кўпи машина ва ускуналарни сотиб олишга сарфлангани ҳолда, илмий-тадқиқот ва ишланмалар учун сарфланаётган харажатлар улуши жуда кичик қийматни ташкил қилади, айти шундай ҳолатни мамлакат ҳудудлари кесимида ҳам кузатишимиз мумкин бўлади.

2.1.5-жадвал маълумотларини таҳлилий ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикасида техника ва ускуналарни сотиб олишга ажратилган маблағлар улушининг ҳануз юқориликча қолаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Таҳлил қилинаётган давр оралиғида инновацияларни молиялаштириш манбалари ва ходимлар таркибида содир бўлган муайян бир ўзгаришлар натижасида яхшиланган маҳсулотларнинг улуши кескин ошганлигини 2.1.6-жадвалда кўришимиз мумкин.

#### 2.1.6-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида янгилик даражаси бўйича инновацион маҳсулотларнинг таркиби, %

Янгилик даражаси	2007 й.	2012 й.	2017 й.	2021 й.
Янги киритилган ва муҳим технологик ўзгаришларга учраган маҳсулотлар	93,4	95,1	40,7	21,8
Яхшиланган маҳсулотлар	1,6	4,8	59,3	78,2
Бошқа инновацион маҳсулотлар	5,0	0,1	-	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Шу тариқа, инсон капитали ва инновацион ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар бўйича Республика ҳудудларининг катта қисми ўрта ва ундан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин, жумладан Сирдарё вилояти кўрсаткичи мамлакат миқёсида ўртачадан паст даражада

эканлиги аён бўлади. Бундай салбий вазиятнинг ечими сифатида Республика ҳудудларида инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида тўғридан-тўғри ва билвосита иқтисодий усуллардан кенг фойдаланиш, шунингдек, ижобий инвестицион-инновацион муҳит яратиш, иқтисодий агентлар ўртасида кооперация-интеграция алоқаларини қўллаб-қувватлаш, инновацион кадрларни тайёрлаш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган воситалардан фойдаланиш каби чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий иқтисодиёт ҳамда ҳудудларда инновацион фаолликни ошириш борасида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги якунловчи фикрларни келтириб ўтамыз:

-инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишда ҳудудларнинг инновацион тараққиёт даражаси муҳим ўрин тутди. Бунда ҳудуднинг инновацион фаоллик даражаси қанча яхшиланиб борса, шунча инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар яхши ташкил қилинганлигини кузатишимиз мумкин бўлади;

-ҳудудларда иқтисодиётнинг инновацион ташкил этувчиларини ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланмаслик, истиқболда кадрлар салоҳиятининг пасайишига, ҳудуд иқтисодий кўрсаткичларининг мамлакат кўрсаткичларига нисбатан кескин тушиб кетишига олиб келади;

-ҳудудларнинг инновацион ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича ўртача ва ундан паст даража кўрсаткични қайд этганлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудлар кўрсаткичини яхшилаш мақсадида бевосита инновацияларни рағбатлантиришга ва уни фаоллаштириш учун шароит яратишга қаратилган тўғридан-тўғри ва билвосита бошқарув усулларидан фойдаланиш талаб этилади.

## 2.2. Миллий иқтисодиётда инсон капиталини шакллантиришнинг хусусиятлари

Узоқ муддатли фаровонлик нафақат кўшимча иш ўринлари яратадиган, балки юқори даражадаги касбларда ҳам самарадорликни оширувчи таркибий ўзгаришларни талаб қилади. Ўзбекистон янада гуллаб - яшнаши ва иқтисодиёти мураккаблашиши билан мамлакат инсон капиталига - одамлар ҳаёти давомида тўпланган билим, кўникма ва соғлиққа тобора кўпроқ таянади ва ўсишни рағбатлантиради. Шунга қарамай, бугунги кунда Ўзбекистонда туғилган бола ўз инсон капитали салоҳиятининг фақатгина 62 фоизидан фойдаланишга эришишини кутишимиз мумкин. Бўшлиқни ёпиш иқтисодий ўсишни жамиятнинг энг камбағал ва энг изоляция қилинган аъзолари орасида адолатли даромад ўсишига айлантиришга эътибор қаратиш орқали салоҳиятни ошириш ва иқтисодиётда иштирок этишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида - юқори сифатли таълим, самарали соғлиқни сақлаш ва ишончли ижтимоий ҳимоя орқали одамларга сармоя киритиш аҳолининг имкониятлардан тўлиқ фойдалана олишини таъминлаши зарур<sup>95</sup>.


Жаҳон Банки томонидан дунё давлатларининг 2020-йил учун инсон капитали индекси эълон қилинди. Дунё аҳолисининг 98 фоизи истиқомат қилувчи 174 та мамлакат иштирок этган мазкур рейтингга илк мартаба Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига оид маълумотлар ҳам киритилган.

Ушбу маълумотлар 2020-йил март ойигача бўлган даврни қамраб олади ва пандемиягача болалар саломатлиги ва таълимини акс эттирувчи асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Инсон капиталига инвестиция (инсон ҳаёти давомида тўпланган билим, кўникма ва саломатлик) боланинг салоҳиятини намоён этиш ва ҳар бир мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда асосий ўрин эгаллайди.

<sup>95</sup><https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/press-release/2022/05/18/uzbekistan-systematic-country-diagnostic>

Жаҳон банки гуруҳи томонидан ўтказилган янги таҳлилга кўра, COVID-19 пандемияси сўнгги ўн йилликда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари эришилган ютуқларга таҳдид солмоқда, бу айниқса, энг камбағал мамлакатларга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пандемия бошлангунга қадар аксарият давлатлар болаларда инсон капиталини шакллантириш бўйича барқарор ўсишга эришган. Кам даромадли мамлакатларда эса бу кўрсаткич энг юқори натижага эга бўлган.

Шу билан бирга, ушбу тараққиётга қарамай ва пандемия таъсири сезила бошлангунга қадар, оддий давлатда туғилган бола тўлиқ таълим ва соғлиқни сақлаш шарти билан инсон капиталининг потенциал даражасининг атиги 56 фоизига эришишга умид қилиши мумкин эди. Пандемия туфайли болаларнинг аксарияти (1 миллиарддан ортиқ) мактабга бормади ва таълим олиш учун белгиланган ўртача олти ойлик билимларни йўқотилиши иқтисодий жиҳатидан сезиларли йўқотишларга олиб келади.



### 2.2.1 – расм. Инсон капитали индекси<sup>96</sup>

2.2.1-расм ва 2.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу тадқиқотларда илк мартаба иштирок этган Ўзбекистон 62 фоиз натижа кўрсатган. Яъни

<sup>96</sup> 2020 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. THE HUMAN CAPITAL INDEX 2020 UPDATE: HUMAN CAPITAL IN THE TIME OF COVID-19 / V

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида Беларус Республикаси (70 фоиз), Россия (68 фоиз) ва Қозоғистон (63 фоиз)дан кейинги ўринга жойлашган.

Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида эса Қозоғистон ва Ўзбекистондан ташқари, Қирғизистон 60 фоиз, Тожикистон 50 фоиз натижа кўрсатган.

## 2.2.1 – жадвал.

### Халқаро молия ташкилотлари рейтингида Ўзбекистон

#### Республикасининг кўрсаткичлари таҳлили <sup>97</sup>

	Ўзбекистон	Даромади паст давлатлар	Даромади ўртачадан паст давлатлар	Даромади ўртачадан юқори давлатлар	Даромади юқори давлатлар
<b>Инсон капитали индекси</b>	<b>0,62</b>	<b>0,37</b>	<b>0,48</b>	<b>0,56</b>	<b>0,71</b>

Манба: Жаҳон банки маълумотидан олинган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2020-йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг маълумотлари “Инсон капитали индекси” рейтингида эълон қилинмаган, яъни Ўзбекистон томонидан фақат соғлиқни сақлаш ва иқтисодий кўрсаткичлар тақдим этилган ва бу Жаҳон банки томонидан қабул қилинган. Бироқ 2017-йилга қадар мамлакатимиз мактаб ўқувчиларини билимини аниқлаш учун ўтказилган мониторинг ишлари халқаро стандартларга мос равишда эмаслиги сабабли таълим сифати (ўқувчиларнинг билимини баҳолаш) бўйича тақдим этилган маълумотлар қабул қилинмаган. Республикаида мавжуд таълим сифати бўйича ишончли маълумот тақдим этиш учун 2019-йилнинг ноябр ойида Таълим инспекцияси Жаҳон банки билан ҳамкорликда TIMSS халқаро тадқиқотлари саволлари асосида математика бўйича мактаб ўқувчиларининг билими ўрганилган эди. Мазкур синовларда мактаб ўқувчилари қайд этган натижалар Республикада инсон капиталини аниқлаш борасида муҳим маълумот манбаи сифатида хизмат қилган.

Жаҳон банкининг Инсон капитали индекси доирасида инсоннинг ривожланиш ва ҳаёт кечириш йўли:

<sup>97</sup> 2020 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. THE HUMAN CAPITAL INDEX 2020 UPDATE: HUMAN CAPITAL IN THE TIME OF COVID-19 /V

- тирик қолиш эҳтимоли (туғилганидан бошлаб, то 5 ёшгача);
- кутилаётган таълим сифатига қаратилган бошланғич ва ўрта мактабда ўқиш муддатининг давомийлиги;
- ривожланиш ва ўсишдан орқада қолаётган болалар фоизи;
- катта ёшдаги авлоднинг умр кўриш давомийлиги каби кўрсаткичлар билан баҳоланади.

ИКИ-2020 баҳолаш мезонлари жорий йилнинг март ойигача, пандемиягача қайд этилган муҳим принципал кўрсаткичларни тақдим қилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон илк мартаба инсон капиталини баҳолашга қаратилган PISA ва PIRLS халқаро тадқиқотларида ҳам иштирок этмоқда. Бугунги кунда Таълим инспекцияси томонидан тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув кўлланмалар тарқатилмоқда. Уларнинг малакасини ошириш учун халқаро экспертлар иштирокида семинарлар ўтказилмоқда.

Хорижлик мутахассислар ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг инсон капиталининг шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиш борасида олиб борган эмпирик тадқиқотлари натижасида олинган хулосалар инсон капиталининг юқори даражаси аҳолининг меҳнат бозоридаги рақобатбардош мавқеи, иқтисодий фаоллиги, бандлик даражаси, касбий ва ҳудудий ҳаракатчанлиги, даромадларининг ўсишига олиб келишини кўрсатади.

Бундан ташқари, тадқиқотларимиз кўрсатишича глобал рақобатбардошлик индексининг таркибий қисми бўлган “олий таълим ва касбий тайёргарлик”; билимлар иқтисодиёти индекси ташкил этувчиси – таълим ва билим индекси; аҳолининг узлуксиз ўқув жараёнида ва ўз-ўзини тарбиялашдаги иштирок каби кўрсаткичлар асосида инсон капитали ривожланишини макро ва индивидуал даражада ривожланишини таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD), шунингдек Barro ва Li томонидан тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилган аҳолининг таълим соҳасидаги ютуқларининг мамлакатлараро таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон ишчи кучи ресурсларининг таълим даражаси нисбатан юқори бўлган дунё мамлакатларидан бири ҳисобланади, хусусан, мамлакатда ишчи-хизматчиларнинг 56,66% и ўрта махсус ва олий маълумотли инсонларни ташкил қилади.<sup>98</sup>

### 2.2.2-жадвал.

#### Умумий ўрта таълим мактабида ўқиш йиллари (2007, 2012 ва 2019)

Давлат	Ўртача ўқиш йиллари жами						Аҳоли жон бошига ХҚП бўйича ЯИМ, минг АҚШ доллари		
	15 ёш ва ундан катта			25 ёш ва ундан катта					
	2007 й.	2012 й.	2017 й.	2007 й.	2012 й.	2017 й.	2007 й. *	2012 й.	2019 й.
<b>Ривожланган мамлакатлар</b>									
Германия	10,3	11,7	11,9	9,8	12,1	12,3	26,0	31,0	38,0
Франция	7,9	10,0	10,6	8,4	10,0	10,3	27,0	31,0	35,0
Япония	9,5	11,2	12,0	10,0	11,0	11,5	27,4	30,3	33,4
Бирлашган Қироллик	9,5	9,2	9,8	9,4	9,1	9,2	29,0	33,0	36,0
АҚШ	12,1	13,0	13,0	12,3	13,0	13,3	36,7	42,0	48,0
<b>Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари</b>									
Венгрия	9,2	11,6	11,7	9,0	12,5	12,0	15,5	17,1	20,0
Польша	9,9	9,6	9,9	9,8	9,6	10,0	12,0	14,0	19,9
Чехия	9,5	13,0	12,3	9,5	13,0	12,2	18,0	21,0	26,0
Ўзбекистон	16	16	15	3-5	3-5	2-3	4,9	5,2	6,9
<b>БРИКС мамлакатлари</b>									
Россия	10,3	11,2	12,0	11,5	11,7	11,8	9,2	12,0	17,0
Хитой	6,4	7,7	8,2	5,5	8,2	7,6	5,2	4,2	8,5
Ҳиндистон	5,1	4,8	5,2	4,8	4,1	4,4	3,0	2,3	3,8
Бразилия	4,9	7,1	7,6	4,6	6,7	7,2	7,8	8,6	12,0

\* 2020 йил АҚШ доллари курси асосида.

Манбалар: Жаҳон банки маълумотлари асосида тузилган.

2.2.2-жадвал маълумотларига эътибор қаратидиган бўлсак, ўртача тўпланган таълим йиллари ва аҳоли жон бошига тақсимланган ЯИМни таҳлили асосида, ўн йиллик даврда аҳолининг таълим муддати тахминан

<sup>98</sup> <https://www.spot.uz/ru/2018/02/12/edu/>

2 йилга ўсган мамлакатларда (Франция, Германия, Чехия, Япония, Хитой), аҳоли жон бошига ЯИМнинг сезиларли даражада ўсишига эришилганлигини кўришимиз мумкин (Францияда - 30%, Германия ва Чехияда - 45%, Бразилияда - 50 % дан ортиқ, Хитойда - 65%;).

Инсон капитали сифатини таъминлаш барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг муҳим омили сифатида, ҳар қандай мамлакат ҳукуматининг устивор вазифаларидан биридир, шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир мамлакат ёш авлоднинг келгусида жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва рақобатбардош кадрга айланиши, ҳаётда муваффақиятга эришишига хизмат қилувчи билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратиши муҳим аҳамият касб этади.

Инсон капиталининг шаклланиши ва унинг ривожланишида таълимнинг ўрни борасида иқтисодий ва ижтимоий ёндашувларни алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Иқтисодий ёндашувда миллий бойликнинг асосий унсури, жамиятнинг қимматбаҳо ресурси, жаҳон хўжалигида мамлакат рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим манбаи ва барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида инсон капитали таҳлил қилинади. Д.Грейсоннинг таъкидлашича: “завод-фабрика, асбоб-ускуна ёки ишлаб чиқариш заҳиралари эмас, балки, айнан инсон капитали рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг ҳал қилувчи омили сифатида юзага чиқади<sup>99</sup>”. Мазкур ёндашув доирасида барқарор иқтисодий ўсиш, миллий бойликни кўпайтириш, жаҳон майдонида мамлакатнинг мавқеини мустаҳкамлаш миллий инсон капитали сифатини яхшилашнинг муҳим мақсади сифатида қаралади. Жаҳон банки томонидан дунёнинг бир қатор мамлакатлари (92 та мамлакат) миллий бойлиги таркибини ўрганиш борасида амалга оширилган тадқиқотлар миллий бойлик таркибида инсон капиталининг улуши 2/3 ни ташкил этишини кўрсатади. Шу қаторда, Шимолий ва Марказий Америка,

---

<sup>99</sup> Грейсон Д. (мл), К.О'Делл. Американский менеджмент на пороге ххi века. М.: Экономика, 1991. С.197. <http://www.bibliotekar.ru/amerikanskiy-menegment/138.htm>



Ғарбий Европа ва Шарқий Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич 3/4 ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Россия миллий бойлиги таркибида ҳам инсон капитали устунлик қилади, жумладан унинг таркибида инсон капитали 50%, табиий ресурс 32%, асосий капитал 18%ни ташкил қилади<sup>100</sup>.

Иккинчи “ижтимоий” ёндашув инсон капиталининг ривожланишини мамлакат иқтисодий ўсиши ва рақобатбардошлигининг шарти сифатида эмас балки, олий кадрият сифатида қарайди. Унга кўра инсон капиталини ривожлантиришдан асосий мақсад, аҳоли турмуш фаровонлигининг энг юқори даражасига эришишдир. Ушбу мақсад БМТ томонидан ишлаб чиқилган инсон тараққиёти концепциясининг асосий ғояси ҳисобланади ва айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда долзарб аҳамият касб этади. Франклин Рузвельт айтганидек: “Фарзандларимиз учун келажакни яратиб бера олмаймиз, лекин келажак учун фарзандларимизни ярата оламиз”<sup>101</sup>. Республикада 2021 йил 1 январь ҳолатига 18 ёшгача бўлган ёшлар 11 млн. 351,5 минг нафар ёки умумий аҳолининг 33,4 %, 30 ёшгача бўлганлар эса 18 млн. 606,2 минг нафар ёки 54,8 %ни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим тизими мамлакат тақдирини ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа эканлигини тушуниб етиш қийинчилик туғдирмайди<sup>102</sup>.

Умуман олганда аҳолининг таълим олиш имкониятлари ўсиши мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашувига олиб келсада, бизнинг фикримизча, аҳоли турли қатламларининг узлуксиз таълим тизими билан қамраб олиш даражасининг пасайиши, тўпланган билимларни амалиётга жорий этишдаги оқсоқликлар мамлакатнинг инновацион тараққиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

---

<sup>100</sup> <http://economics-online.ru/archives/333>

<sup>101</sup> Preparing 21<sup>st</sup> Century Students for a Global Society. An Educators Guide to the “Four Cs”. <http://www.nea.org/assets/>

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради. Хусусан, қўшимча бир йил таҳсил олиш Джини коэффициентини 1,4 пунктга қисқартириш имконини беради. Бу ўз навбатида имтиёзли кредитлар ажратиш асосида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига таълим олишлари учун имкониятлар тақдим қилиш, шунингдек, меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан катта ёшдагилар учун таълим хизматлари бозорини ривожлантиришни кўзда тутди<sup>103</sup>.


Қашшоқлик, ишсизлик ва таълим чамбарчас боғлиқ. Бунинг сабаби шундаки, камбағаллик болаларнинг мактабга боришларига имкон бермайди, уларга келгусида зарур бўладиган билим ва кўникмаларнинг эгаллашларига тўсқинлик қилади. Дунё мамлакатлари тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, камбағаллик чегарасида кун кечирувчи аксарият инсонлар бошланғич таълимга ҳам эга эмаслар<sup>104</sup>.

Камбағал оилаларнинг болалари кўпинча мактабни ташлашга мажбур бўладилар, бу эса доимий такрорланиб турувчи жараён сифатида камбағал оилаларнинг фарзандлари яна камбағаллар сафини тўлдиришига замин яратади. Сифатли бошланғич таълим бутун дунёда камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили сифатида қаралади. Олий таълимнинг мавжудлиги эса инсонларга юқори маошли иш топишга имкон беради ва қашшоқлик домидан чиқиб олишларига имкон беради. Жаҳон банки томонидан 2018 йилда ўтказилган “Ўзбекистон фуқароларига қулоқ тутиб” сўровидан микродата асосида олинган камбағалликнинг таълим даражасига нисбатан ўртача даражаси тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 2.2.3–расмда келтирилган. Статистика шуни кўрсатадики, олий маълумотлиларга қараганда, бошланғич маълумотли уй хўжаликларида камбағаллик даражаси устун туради. Бу кўрсаткич таълим даражаси ошгани сайин камайишини кўришимиз мумкин. Камбағалларнинг 93% га яқини ўрта умумий ва тўлиқсиз маълумотли кишилар гуруҳига киради. Бошланғич таълимга эга

<sup>103</sup> Хакимов О. Траектория борьбы с бедностью // Экономическое обозрение № 11 (263) 2021

<sup>104</sup> <https://www.concernusa.org/story/how-education-affects-poverty/>

бўлган уй хўжаликларининг атиги 40% и кунига жон бошига 3,2 доллардан кам маблағ сарфлайди. Бу кўрсаткич ўрта маълумотли уй хўжаликлари учун 34% ва иккинчи касб-ҳунар маълумотига эга бўлган уй хўжаликлари учун 26% ни ташкил этади.



### 2.2.3-расм. Саводхонлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллар тоифасига киритилган уй хўжаликлари улуши, %да

Манба: Бободжонов Ш. Образование в преодолении бедности // Экономическое обозрение № 11 (263) 2021

Олий маълумотли уй хўжаликларининг атиги 12 фоизида кунлик харажатлар кам. Олий таълимга эга бўлиш ишсизлик даражасидан қатъий назар камбағаллик домига тушиб қолиш хавфини 18 фоизга камайтиради.

Узоқ муддатли эмпирик кузатишлар натижаси болалик давридаги таълим етуклик даврида шахс даромадларининг 1,3-3,5 %га ошишига сабаб бўлишини ва кичик болаларнинг таълимига қилинган 1\$лик инвестиция жамият учун ўртача 8,6 \$ фойда келтиришини кўрсатди<sup>105</sup>. Шунининг билан бирга олиш керакки, мамлакат даражасида аҳоли саводининг ўсиши учун хос бўлган тенденция ҳудудий даражада ҳам кўзга ташланади.

Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси фаолият кўрсатаётган ҳудудларда давлат ва нодавлат олий ўқув юртларини ташкил этиш, соҳада

<sup>105</sup> Executive Office of the President of the United States. The Economics of Early Childhood Investment. December, 2014. P.32, 3.

соғлом рақобат муҳитини яратиш асосида олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма босқич 50 фоиздан оширишни назарда тутди.<sup>106</sup>

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг меҳнат салоҳиятини мониторинг қилиш маълумотларидан келиб чиқсак, олий таълимга бўлган талаб ўсганлигини кузатишимиз мумкин. Сўровда катнашган аҳолини баҳолашда, таълим сифати, хизмат мажбуриятларини бажариш сифати ва касб маҳорати катта аҳамият касб этади (сўровномада катнашганларнинг 80 - 90 % и учун бу жиҳатлар “жуда” ва “етарлича муҳим” саналади).

Ўрганишлар мобайнида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни умумий (жисмоний соғлиқ, билим ва зеҳнлилик, умумий маданий) ва ахлоқий (маърифий – ахлоқий сифатлар, одамлар билан ўзаро муносабат, малакасини ошириш, ижодий меҳнат) турларга бўлган ҳолда таҳлил қилинди. Сўровларда иштирок этган респондентларнинг ўзларини –ўзи баҳолашларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, инсонлар ўзларининг меҳнат фаолиятини олиб бориш жойларида умумий кўникмаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратишлари кўзга ташланади. Шу билан бир қаторда, корхона-ташкилотларнинг иқтисодий фаолият доираси кенгайиши асосида ахлоқий жиҳатлар ҳам эътиборни тортиши аниқланди. Аҳоли ахлоқий ва маданий имкониятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлсада, фақат учдан бир қисмигина ўзининг билими ва ақл-заковати, маданий даражасини кўтаришга ҳаракат қилади; тахминан таҳлил этилаётган ҳудуд аҳолисининг 40-43 фоизи юқори малакали мутахассис бўлиш ва ўз саломатлиги ҳақида қайғуриш лозимлигини устувор вазифа сифатида билади. Сўровномада иштирок этганларнинг деярли ярми жамият эътиборини қозониш ва ижодий меҳнат билан шуғулланишга интилимасликларини, улар учун ҳозирда моддий навф кўриш муҳим эканлигини билдириб ўтганлар.

---

<sup>106</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdaqi PF-5847-sonli Farmoni. <https://www.lex.uz/ru/docs/4545887>

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси меҳнат салоҳияти сифатини мониторинг қилиш натижалари аҳолининг билим ва касбий маҳоратини оширишга бевосита билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш, устоз-шогирд тизимини яхши йўлга қўйиш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатсада, мазкур жиҳатлар аҳолининг касбий маҳоратини оширишга бўлган мотивациясининг пастлиги боис аксарият ҳолатларда чекли тавсифга эга бўлиб қолади.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, инсон капиталини шакллантириш аҳолининг таълим жараёнида, меҳнат фаолиятида иштирок этиши, умумий ва махсус тажрибани тўплаши орқали амалга оширилади.

Маълумки, аҳолининг хусусий инсон капиталини тўплашга тайёрлиги таълим даражаси ва фаолият соҳаси каби бир қатор хусусиятларга боғлиқ ҳисобланади.

Таҳлил натижалари тўпланган инсон капитални кўрсаткичи юқори қийматга эга эканлигини кўрсатаётган бўлсада, иш берувчиларнинг иш жойларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш борасида қўяётган янги талаблари билан таълим жараёнида олинган билим ва кўникмаларнинг кўпинча мос келмаслиги муаммоси мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Худудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам, юқорида келтириб ўтилган фикримизни тасдиқлайди. Сўровнома жараёнида иштирок этганларнинг 30 фоизи вилоят ҳудудида жойлашган саноат корхоналарида мамлакални персоналнинг етишмаслигини айтиб ўтишган бўлса, сўралганларнинг 50 фоизи таълим муассасаларидаги таълим бериш ва касбий тайёрлаш ишлари сифати қониқарсиз эканлигини таъкидлашган. Вазиятнинг бундай давом этиши келгусида худудда инсон капитални сифатининг пасайишига олиб келиши муқаррардир.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида касбий компитентликка кўйиладиган талаблар ўсиб бориши табиийдир, бунда замонавий технологиялардан фойдалана олиш қобилияти, тобора кенгайиб бораётган маълумотлар оқимидан зарурий ахборотларни саралаб олиш, касбий маҳоратини оширишга интилиш, мустақил қарор қабул қилиш ва қабул қилинган қарорлар бўйича шахсий жавобгарликни зиммасига ола билиши кабилар муҳим ўрин тутди.

Тадқиқотимизда аҳолининг инновацион фаоллиги икки босқичда ўрганилди: бирламчи таҳлил ва мукамал таҳлил.

Илмий ишланмаларнинг оммалашувини гендер жиҳати бўйича бирламчи таҳлили илмий ишланмаларни яратишда иккала жинс вакиллари деярли тенг улушларда иштирок қилишларини кўрсатади. Ёш гуруҳлари кесимида таҳлил натижалари инсоннинг ёши улғайиб борган сари унинг инновацияларни яратиш жараёнидаги иштироки ва салоҳияти пасайиб боришини кўрсатади.

Ижтимоий сўровнома маълумотларини таҳлил қилиш асосида инновацион фаолиятни амалга оширишни амалга оширишга рағбат берувчи ва унинг тезлашишига чекловчи таъсир кўрсатувчи омиллар аниқлаштирилди. Инновацион фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар қаторида аҳолининг малакаси ва касбий тайёргарлиги етарли эмаслиги, моддий ва маънавий рағбатларнинг йўқлиги кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

Инновацион фаолликни рағбатлантирувчи омиллар орасида моддий фаровонликнинг яхшиланиши, шахснинг ижтимоийлашуви, инсоннинг ўз иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароитларнинг яратилиши, тадбиркорлик фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Ёшларнинг инновацион фаоллигини ўрганишнинг иккинчи босқичида кейинги турдаги пробит модели (умумлаштирилган шаклда) ишлатилди:

$$P \{y_i = 1|X_i\} = \Phi(\theta^T X_i), \quad (1)$$

бу ерда  $y_i$  агар и респондент инновацион ишланмаларга эга бўлса 1 қийматини оладиган иккилик натижали кўрсаткич, ва акс ҳолда 0 қиймат;

$X_i$ -ўзгарувчиларни ифодаловчи вектор (жинс, ёш, оилавий аҳвол, меҳнат ҳолати, бандлик ҳолати, минтақадаги вазиятни баҳолаш ва бошқалар);

$$\Phi(z) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^z e^{-\frac{x^2}{2}} dx$$

стандарт нормал эҳтимолларни тақсимлаш функцияси;

$\theta^T$  – тахмин қилинган кўрсаткичлар вектори.

Пробит-моделни баҳолаш SPSS ва STATA махсус маълумотларни қайта ишлаш дастурлари ёрдамида максимал эҳтимоллик билан амалга оширилди. Ёшларнинг алоҳида жиҳатлари ва унинг инновацион фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик (ҳудудларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлатилиши мумкин бўлган тайёр илмий ишланмалар мавжуд бўлган ҳолда, бирлик ва иккилик ўзгарувчи орқали ифодаланган) таҳлил қилинди. Эндогенлик муаммосини ҳал қилиш ва натижаларнинг қатъийлигини таҳлил қилиш учун ўзгарувчиларни изчил киритиш амалга оширилди.

Таҳлил асосида қуйидаги натижалар олинди: гендер жиҳатидан эркакларда илмий ишланмаларнинг мавжудлиги эҳтимоли аёлларга караганда юқори, боғлиқлик барқарор ва статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади; ёши улғайгани сайин, бошқа шарт-шароитлар ўзгармас шароитда илмий ривожланиш эҳтимоли камаяди.

Ёшларнинг бандлигини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда (ишнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва умумий тажриба миқдори) турли ўлчамларда ўрганилаётган ўзгарувчилар ўртасидаги алоқаларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги аниқланди.

Аҳоли ўртасида тайёр илмий ишланмаларнинг мавжудлиги эҳтимоли бўйича вазиятни таҳлил қилиш бир мунча қизиқ натижалар беради. Жорий маълумотлар таҳлили ҳудуддаги қулай вазият ёшларнинг инновацион

фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ноқулай шарт-шароитлар мавжуд бўлган шароитларда ҳам, ёшларнинг амалий илмий ишланмаларга эга бўлиш эҳтимоли бошқа ёш гуруҳларига нисбатан бир мунча юқори бўлади. Таълим даражаси жиҳатидан ҳам ёшларнинг инновацион фаолиятида фарқлар кўзга ташланади, хусусан, олий маълумотли ёшларга нисбатан ўрта умумий ва бошланғич касб-хунар таълими олган ёшларнинг илмий ишланмаларга эга бўлиш эҳтимоли пастдир, бунда статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган фарқланишлар 5 %дан юқори кўрсаткични ташкил қилади. Ўзгармас шарт-шароитлар мавжудлиги ҳолатида ёшларни касб-хунарга ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш илмий ишланмаларни яратиш эҳтимолининг ортишига олиб келиши аниқланди. Касб-хунар таълимига йўналтирилаётган ҳар бир бирлик қўшимча инвестиция умумий ҳолатда рентабеллик даражасининг ортишига олиб келишини инобатга олсак, бу жараёни давлат томонидан ва иш берувчилар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши лозим, деган хулосага келамиз.

Тадқиқотлар давомида ёшларда иш тажрибасининг ортиши (икки йилгача) амалиётда қўлланиладиган тайёр илмий ишланмаларга эга бўлишга статистик жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди (**2-илова**).

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, корхона-ташкилотларда ходимларни, айниқса, ёш тоифадаги ишчи-хизматчиларнинг узлуксиз ёки ҳеч бўлмаганда ҳар икки-уч йилда бир марта ўқитилишини ташкил қилиш, инновацион фаолликнинг ўсишига хизмат қилади.

Хусусий ва умумий инсон капиталини шакллантириш, унинг сифатини таъминлаш кўп жиҳатдан маблағларни таълим, касбий тайёргарлик ва ходимлар малакасини оширишга йўналтиришга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистонда уй хўжаликларининг умумий истеъмол харажатлари таркибида таълим харажатларининг улушини таҳлил қиладиган бўлсак,



сўнгги йилларда ўсишини кузатишимиз мумкин (2.2.3-жадвал). Аммо бу кўрсаткичлар умумий истеъмоЛ харажатлари таркибида жуда камчиликни ташкиЛ этади.

**2.2.3-жадвал.**

**Ўзбекистонда уй хўжаликларининг умумий истеъмоЛ харажатлари таркибида таълим харажатларининг улуши бўйича рейтинг, %**

Худуд	2000 й.	2010 й.	2020 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	1,30	1,30	1,50
Тошкент ш.	1,70	2,10	2,40
Андижон	0,85	1,58	1,59
Бухоро	0,88	1,79	1,89
Жиззах	0,89	1,67	1,48
Қашқадарё	0,67	0,99	1,29
Навоий	0,69	1,58	1,18
Наманган	0,59	1,09	1,29
Самарқанд	1,18	0,78	1,38
Сурхондарё	0,29	0,79	1,18
Сирдарё	0,57	0,49	0,88
Тошкент	0,69	0,89	1,18
Фарғона	0,69	1,09	1,09
Хоразм	0,99	1,79	1,48
Жами	1,77	2,38	2,47

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида таълим даражасини оширишга инвестицияларга тўсқинлик қилувчи омиллар, хусусан, оила даромади даражаси, ёши, маълумот даражаси, фарзандлари сони ва бошқалар аниқланди. Таълимга инвестицияни киритишга тўсқинлик қиладиган асосий омиллардан бири бу аҳолининг даромад даражаси (аҳолининг 70% дан ортиғи таълимга инвестиция киритишга тайёр эмас) эканлиги аниқланди.

Аҳолининг қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга инвестицияларига таъсир этувчи омиллар аниқланади: Инсоннинг ёши, маълумот даражаси, иш жойи талабларига ишчи малакасининг мувофиқлик даражаси, мутахассислик бўйича (мутахассислик бўйича бўлмаган) иш билан бандлик, даромадлар даражаси каби омилларнинг аҳолини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилувчи инвестициялар миқдорига бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўрганишлар натижасига кўра,

35 ёшгача бўлган аҳоли ушбу мақсадларга катта ёшдагиларга қараганда 80%; аёллар - эркекларникидан 20% кўпроқ; олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга бўлганлар - тугалланмаган ўрта ва ўрта маълумотлиларга қараганда 3 баравар кўп ва ўрта махсус маълумотларга қараганда 40 фоиз кўпроқ маблағ сарфлашлари маълум бўлди. Ўз мутахассислиги бўйича иш билан банд бўлмаганлар, шунингдек, иш жойлари талабларига жавоб бермайдиган аҳоли бошқаларга қараганда деярли 1,5 баравар кўпроқ инвестиция қиладилар.

Ёшларнинг инновацион фаолиятига уларнинг олий маълумоти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида иштирок этиши, ҳаттоки арзимаган иш тажрибасининг (икки йилгача) тўпланиши ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Юқорида амалга оширилган таҳлилларимиз хусусий ва умумий инсон капиталини шакллантириш, унинг сифатини таъминлаш кўп жиҳатдан маблағларни таълим, касбий тайёргарлик ва ходимлар малакасини оширишга йўналтиришга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатади, хусусан йилдан-йилга Республикада оилалар таълимга сарфлаётган маблағлар улуши ўсиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.

### **2.3. Меҳнат фаолиятида инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизми**

Таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш соҳасидаги муаммо шундаки, касб-ҳунар коллежларида ўқитиш тизими иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжларига жавоб бермади, касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш учун белгиланган квоталар меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни ҳисобга олмади. Натижада ушбу тизим битирувчиларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга олиб келди.<sup>107</sup>

---

<sup>107</sup> Указ Президента РУз «О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования» № УП-5313 от 25.01.2019 г. <http://lex.uz/docs/3523198>

Бандлик ва таълим ўртасидаги боғлиқлик халқаро экспертларнинг кўплаб тадқиқотларида кўриб чиқилган. Хусусан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўрта маълумотли респондентларнинг 57 фоизи иш билан таъминланган, олий маълумотли кишилар орасида иш билан таъминлаш даражаси 77 фоизни ташкил этган.

Университет битирувчиларининг юқори иш билан таъминланиши, уларнинг иш жойларига бўлган талабнинг юқори натижасидир, чунки улар юқори маҳсулдорликка эга эканликлари билан тавсифланади. Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, меҳнат бозоридаги номутаносибликлар “ёш истеъдодларни дренажлаш” муаммоси сабабли ҳам юзага чиқади, бунда муносиб даромад олиш, иш тажрибаси ва касбий ўсиш учун ёшларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши кузатилади.

Ўзбекистон ҳукумати иш берувчиларни виждонан талабаларга амалиёт ўташ жойлари билан таъминлаш ва коллеж ва университетлар битирувчиларини ишга қабул қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052 сонли “Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>108</sup> ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>109</sup> ги Қарорида ишга жойлаштирилган битирувчилар учун:

биринчи навбатда, 2018 йил 1 январдан бошлаб хусусий секторда коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртлари битирувчиларини биринчи марта иш билан таъминлаш учун белгиланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси,

<sup>108</sup>[https://nrm.uz/content?doc=500579\\_&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/content?doc=500579_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

<sup>109</sup> <https://lex.uz/docs/3219645>

ишга жойлашгандан кейинги биринчи йил давомида - 50% га, ишларининг иккинчи ва учинчи йилларида эса - 25% га;

иккинчидан, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланишини рўйхатдан ўтказиш фактларини олдини олиш мақсадида паспорт олгандан кейин уларга СТИР бириктирилган (Солиқ тўловчининг идентификацион рақами).<sup>110</sup> СТИР бўйича ижтимоий суғурта бадаллари тушумларининг ҳаракатини кузатиш битирувчининг иш билан бандлигини аниқлашга ва шунга мувофиқ уларнинг кафолатланган иш билан таъминланишини таъминлаш учун зарур чораларни кўришга имкон берди.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган битирувчилар 6 ой муддатга солиқ тўловларидан озод этилди.

Бўш иш ўринлари ярмаркалари коллеж ва университет битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашишнинг самарали шаклига айланди. Бўш иш ўринлари ярмаркалари давомида иштирокчилар потенциал иш берувчиларга коллеж йилларида олган иш қобилиятларини намойиш этишлари мумкин. Бунинг учун бўш иш ўринлари ярмаркалари давомида турли хил машиналар, машиналар ва ускуналар жойлашган сайтлар яратилади, хусусан коллеж битирувчилари томонидан ғишт қуйиш, бўяш, пайвандлаш, санитария-гигиена жиҳозларини ўрнатиш, кесиш маҳорати ва бошқа кўникмаларини намойиш этиш учун жойлар ташкил этилади. тикувчилик, сартарошхона, умумий овқатланиш, ошпазлик, ҳунармандчилик, электр жиҳозларини таъмирлаш ва бошқалар.

Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда коллеж ва лицейларнинг ҳозирги ўқув жараёни ўзларининг битирувчиларига тадбиркор бўлиш йўлларини тушунарли, янги бошлаган ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан

---

<sup>110</sup> O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vaziri A.Abduhakimovning "Uzbekistan Today" axborot agentligiga bergan intervyusi. <http://old.mehnat.uz/ru/newnews/view/698>

яратилган барча ресурслардан самарали фойдаланадиган амалий ўқув курсларини ўз ичига олади.

Битирувчилар учун имтиёзли шарт-шароитларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошланғич тадбиркорлар учун янги микрокредитлаш схемаси самарали рағбатлантирмоқда. Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда мультипликацион таъсирга эга, чунки ўтган йиллар тажрибасига кўра ўз бизнесини бошлаган битирувчи ўртача 2,4 кишини, кўпинча ўз тенгдошларини иш билан таъминлагани аниқланди. Республиканинг ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларида ишсиз аҳолини касб-хунарга қайта тайёрлаш учун базавий касб-хунар коллежлари рўйхати аниқланди, унда ишсизларга кейинчалик иш билан таъминлаш учун янги касб берилади.

Аҳолини ўз-ўзини иш билан таъминлаши учун тижорат банклари томонидан, биринчи навбатда, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлик, уй шароитида ишлаш соҳасида, шунингдек қишлоқ жойларда ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликлар асосида бериладиган кириш жойлари ва микрокредитлар ҳажмини тубдан кенгайтириш режалаштирилган.

Меҳнат бозоридаги фаолият натижаларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш учун ҳафтада бир марта меҳнат бозорининг ҳолати ва аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги маълумотларни нашр этиш тартиби, шу жумладан меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар сони ва уларни иш билан таъминлаш, янги бўш иш ўринлари, шунингдек, яратилган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

Меҳнат бозоридаги номутаносибликларнинг асосий сабабларидан бири бу иш берувчилар фикрига кўра, республикада ёшларни касбга йўналтиришнинг самарали тизимининг мавжуд эмаслигидир.

Мактабларда касб-хунарга йўналтириш корхоналар ва иш билан таъминлаш хизматларининг ишлаб чиқариш базаси билан боғлиқ эмас, бу

салбий омил эмас, балки иш билан таъминлаш, ёш мутахассислар ва ишчи ёшларнинг касбий мослашуви ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида корхоналарда, фирмаларда касбга йўналтиришни ташкил этишни талаб қилади. Ўзбекистонда ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими ўзига хос хусусиятларга эга: - умумий ўрта таълим тизимининг ажралмас қисми бўлиб, умумий ва ихтисослашган мактабларда амалга оширилади; - мактаб ўқувчиларининг касб-ҳунарга йўналтириш натижалари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун долзарб аҳамиятга эга бўлиб, уларда умумтаълим мактабларининг 9 та синф битирувчилари ўқишга кирадилар.

Республикамизнинг ўрта мактабларида касбга йўналтириш йўналишлари куйидагилардан иборат:

1) касбий маълумотлар – ўқувчиларни “касблар дунёси”, уларнинг таснифлари, замонавий ишлаб чиқариш турлари, меҳнат бозорининг ҳолати, кадрлар эҳтиёжлари, касбларнинг мазмуни, уларнинг ривожланиш шакллари ва шартлари, инсонга қўйиладиган касбий талаблар билан таништириш;

2) касбий маслаҳат - унинг психологик хусусиятлари ва имкониятларини, шунингдек, жамият эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, касб-ҳунар йўлини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ўқувчи ва талабаларга касбий ўзини ўзи белгилашда ёрдам бериш;

3) касбга йўналтириш диагностикаси – ўқувчи ва талабаларнинг ўқув фанлари, фанлари, касблари ва касбий фаолият соҳаларига бўлган қизиқишини аниқлаш ва баҳолаш;

4) психологик-педагогик диагностика - касбий йўналиш, уларнинг касб ва ўқув муассасасини (касб-ҳунар коллежлари, техникум, касб-ҳунар мактаби ёки академик лицей - университет) танлашга тайёрлигини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда индивидуал қобилиятларни, характер хусусиятларини, темперамент типини, шахсият хусусиятлари ва фазилатларини аниқлаш ва баҳолаш.

Бугунги кунда ёш авлоднинг мамлакатнинг инновацион ривожланиши учун қобилиятларини аниқлаш зарур. Тўғри йўналишни танлаш борасида ёшлар профессионал психологлар ва маслаҳатчиларнинг ёрдамига муҳтож.

Ўн бир йиллик таълимнинг тикланиши билан (2018 йилдан) Ўзбекистонда мактабларда касбга йўналтириш масаласи долзарб бўлиб қолди. Умумтаълим мактабларининг 11-синфлари учун “Меҳнат бозорида рақобатбардошликнинг шахсий маҳоратини ривожлантириш” мавзусида касбий йўналтириш, меҳнат қонунчилиги асосларини ўргатиш, меҳнат бозорида муносиб вакансияларни қидириш, резюме тайёрлаш ва суҳбат учун мўлжалланган “Касб-ҳунар таълими” фанининг ўқув дастури иш берувчи билан, ёллаш учун ҳужжатлар, умумий ўрта таълимнинг асосий ўқув режаси доирасида жорий этилди.<sup>111</sup>

Хусусий бизнес вакиллари тўғридан-тўғри касбга йўналтиришни ташкил қилиш жараёнида иштирок этишни бошладилар. Масалан, Ўзбекистондаги KNAUF компанияси ўрта мактаб ўқувчиларига келажак касбини танлашга ёрдам берадиган “Ўз касбингизни топинг” дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширди.

1) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда ёшлар ва ишсизларнинг касбий афзалликлари ва меҳнатга йўналтирилганлигини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар олиб боради; келгуси иш йўналишини танлаш ва меҳнат бозори ва иш билан таъминлаш истиқболларига мос келадиган профессионал режаларни шакллантириш бўйича ёшлар ўртасида ахборот ва касбга йўналтириш ишларини мувофиқлаштиради.

Янгича иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши шароитида ходимларнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишлари борасида ўз билим

---

<sup>111</sup> O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi 31.12.2018 yildagi 1066-sonli qarori. <https://lex.uz/docs/4143050>

даражасини оширишга интилиши, замонавий технологиялардан фойдалана олиши лозимлиги каби жиддий талаблар илгари сурилмоқда.<sup>112</sup>

Шу билан бирга, саноат корхоналари раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижалари шуни кўрсатадики, амалиётда улар ишчиларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратининг етарли даражада эмаслиги, кадрлар етишмаслиги муаммоларига дуч келишларига тўғри келади, бу эса меҳнат унумдорлигини ўсишини ва саноат ишлаб чиқаришини ўсишини ушлаб туради.

Юқорида тилга олиб ўтилган муаммолар доирасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган аксарият илмий изланишларда таълим муассасаларида олинган билимлар билан амалдаги иш жойларида қўйилаётган талаблар ўртасида муайян даражада тафовутлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Техник-технологик жараёнлардаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши асносида иш берувчилар томонидан ишчиларга қўйиладиган янги талаблар; бўлажак мутахассисларнинг таълим тайёргарлиги сифатининг пасайиши ва улар учун бу ёки бошқа сабабларга кўра, уларнинг билим даражасини кўтариш мумкин эмаслиги (иш берувчиларнинг паст малакали ишчиларнинг касбий савиясини оширишга қизиқиши йўқлиги) кабилар бундай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион алоқаларнинг суствлиги бу борадаги асосий муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрлар билан таъминланганлик даражаси, ишчиларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси, ҳудудлар кесимида ишчиларнинг иш жойлари талабларига мувофиқлиги, мутахассислиги бўйича ишламаслик ҳолатлари, шунингдек, касб-маҳорат курслари ва тренингларга қатнашиш зарурлиги кабилардан

---

<sup>112</sup> Абдурахмонова Г., РУСТАМОВ Д. Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 15.



таҳлил давомида фойдаланилди. Таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасида малакали кадрлар етишмаслиги муаммоси кўлами юқори, респондентларнинг 30 фоизи шу фикрни илгари сурадилар (2.3.1-жадвал).

**2.3.1-жадвал.**

**Саноат ташкилотлари раҳбарларининг “Ўз корxonангизда кадрлар билан таъминлаш даражасини қандай баҳолайсиз?” саволига жавобларнинг тақсимланиши, 2021 йил**

<b>Ўзгариш хусусияти</b>	<b>Сирдарё вилояти</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>
<b>Жами саноат ишлаб чиқариш ходимлари</b>		
Қониқарли	81,4	69,6
Етарли эмас	16,3	27,2
Жуда паст	0,0	0,0
Жавоб беришга қийналаман	0,0	2,2
<b>Етакчи касбларнинг юқори малакали ишчилари</b>		
Қониқарли	46,5	40,2
Етарли эмас	44,2	44,6
Жуда паст	4,7	9,8
Жавоб беришга қийналаман	2,3	3,3
<b>Қуйи даражадаги менежерлар (магистрлар)</b>		
Қониқарли	69,8	58,7
Етарли эмас	14,0	26,1
Жуда паст	9,3	6,5
Жавоб беришга қийналаман	4,7	5,4
<b>Ўрта даражадаги менежерлар</b>		
Қониқарли	69,8	60,9
Етарли эмас	20,9	29,3
Жуда паст	2,3	3,3
Жавоб беришга қийналаман	4,7	4,3
<b>Мутахассислар</b>		
Қониқарли	74,4	60,9
Етарли эмас	18,6	30,4
Жуда паст	2,3	3,3
Жавоб беришга қийналаман	2,3	2,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 2021 йил.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш республика илмий марказининг 2019 йилда ўтказилган тажрибавий тадқиқотида қатнашган иш берувчилар қуйидагиларни меҳнат салоҳияти ва мутахассислар учун бозор эҳтиёжларини ривожлантириш билан боғлиқ асосий муаммолар сифатида қайд қилишган: (а) битирувчилар рақобатбардошлигининг пастлиги, зарур билим ва кўникмаларнинг

етишмаслиги; (б) битирувчилар касбий малакаларининг ҳудуд иқтисодиёти эҳтиёжларига ва мавжуд бўш иш ўринлари таркибига мос келмаслиги; (с) меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги муносабатларни таъминлаш механизмининг йўқлиги ва шу кабилар.<sup>113</sup>

2019 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Касбий малака ва ваколатларни ривожлантириш миллий тизимини амалга оширишни назарда тутувчи қарор қабул қилди.<sup>114</sup> Қарорда ваколатларни нодавлат баҳолаш марказларини ташкил этиш, ваколатларни баҳолаш марказлари томонидан маълум бир мутахассислик (касб) бўйича касбий ваколат даражасини тасдиқловчи ва малака тоифаларини бериш учун асос бўлган сертификат бериш амалиётини жорий этиш кўзда тутилган.

Ҳозирда ваколатларни баҳолаш нодавлат марказлари фаолиятини ташкил этиш учун меъерий-ҳуқуқий база ишлаб чиқилмоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган ваколатларни баҳолаш марказлари норасмий ва ўз-ўзидан ўрганиш натижаларини баҳолаш ва малака бериш бўйича ваколатли органлар бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2020 йил 15 майда Ҳукумат томонидан барча малака даражаларида шаффофлик, ўзаро боғлиқлик, таълим натижаларининг изчиллигини таъминлайдиган, шунингдек натижаларни тан олиш, тасдиқлаш ва аккредитация қилиш тизимини (РВА) амалга ошириш учун асос яратадиган Миллий малака доираси (MQF) тасдиқланди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги фармони “Ҳаёт давомида таълим” тамойилини Ўзбекистонда жорий этишни назарда тутувчи асосий ҳужжат бўлиб, иқтисодиёт эҳтиёжлари учун ушбу тамойил бўйича кадрлар тайёрлашда меъерий асос бўлиб хизмат қилади.<sup>115</sup> Шу фармон асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 147 та касб-ҳунар коллежлари ва

<sup>113</sup>Respublika ish bilan ta'minlash va mehnatni muhofaza qilish ilmiy markazi tomonidan Toshkent shahri va Toshkent viloyatidan tashqari respublikaning deyarli barcha hududlarida o'tkazildi. 108 shahar va viloyatdagi 10-15 ish beruvchibilan suhbat o'tkazildi. Dekabr 2019

<sup>114</sup> Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 13 maydagi 394-son qarori. <https://lex.uz/docs/4334804>

<sup>115</sup> "O'zbekistonda uzluksiz ta'limni rivojlantirish kontseptsiyasi", Toshkent – 2018.

143 та техник мактаблар “Таълим бутун ҳаёт давомида” тамойили асосида дастурларни амалга оширишни бошлади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, ишсизлик даражаси 2018 йилда 9,3% га нисбатан 2019 йилда 9% ни ташкил қилади. Ёшлар орасида ишсизлик мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар юқори (2019 йилда 15%, 2018 йилда 15,3%). Ўз тадқиқотларида Иқтисодий тадқиқотлар маркази шуни қайд этадики, Ўзбекистондаги ишчи кучи таклифи ёшларнинг меҳнат бозори сегментидаги талабидан сезиларли даражада юқори ва бу ўз навбатида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг сифатидаги номуносиблик туфайли жиддий аҳамият касб этмоқда.

### 2.3.2-жадвал.

**Саноат ташкилотлари раҳбарларининг: “Сиз корхонагизнинг таълим муассасасини эндигина тамомлаган янги ходимларини тайёргарлик даражасини қандай баҳолайсиз?” саволга жавобларни тақсимлаш**

Ўзгаришларнинг моҳияти	Сирдарё вилояти	Ўзбекистон Республикаси
<b>Касб-хунар мактаби, лицей</b>		
Баланд	4,7	3,3
Етарлича баланд	4,7	5,4
Ўрта	44,2	42,4
Паст	20,9	25,0
<b>Техникум, коллеж</b>		
Баланд	2,3	1,1
Етарлича баланд	9,3	6,5
Ўрта	44,2	44,6
Паст	18,6	28,3
<b>Университет</b>		
Баланд	0,0	0,0
Етарлича баланд	11,6	9,8
Ўрта	51,2	51,1
Паст	23,3	21,7

Манба: Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 2021 йил.

Таълим тизими ва бизнес ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги битирувчилар ўртасида амалий кўникма ва малакаларнинг етишмаслигига олиб келди. Бу, шунингдек, иш берувчилар ва таълим ва касб-хунар таълими дастурларини ишлаб чиқувчилар ўртасидаги мулоқот ва тесқари алоқа даражасининг пастлигидан далолат беради (2.3.2-жадвал).

Касб-хунар коллежлари талабаларининг маҳоратини иш берувчилар эҳтиёжларига мос келишини таъминлашнинг долзарблигини ҳисобга олган

ҳолда, миллий малакавий тизимни жорий этиш ҳукумат томонидан амалиётчилар ва турли сектор вакиллари билан яқин ҳамкорликда олдинга ташланган муҳим қадам бўлади.

Миллий тадқиқотлар таҳлили натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 30-40% ининг малакаси иш жойи талабларига мос келмайди. Ўрганиш жараёнида иш жойлари талаблари таснифига мос келмаслик, номутахассислик бўйича бандликка асосланган сифат жиҳатдан номутаносибликлар ҳам кенг тарқалгани аниқланди. Кадрлар тайёрлаш сифатининг ёмонлашуви бу муаммони янада кучайтирмоқда - мамлакат миқёсида, сўровда қатнашган корхона раҳбарларининг ярмидан кўпи ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг таълим даражасига паст баҳо беришган, 2.3.2-жадвал маълумотларига кўра Республика аҳолисининг 42% дан ортиғи касб-ҳунар таълими муассалари, коллежларда ўқитиш даражасини ўртача, 25% дан кўпроғи - паст деб тавсифлайди (респондентларнинг ҳеч бири университетларда ўқишни юқори деб таърифламаган, уларнинг ярмидан кўпи уни ўртача деб баҳолаган).

Ушбу муаммо Европа мамлакатларида “кенг йўналишлар” бўйича ўқитиш туфайли камроқ учрайди, бу эса келажакда номутахассисликда ишлаш хавфини камайтиради.<sup>116</sup> Ушбу мамлакатларда битирувчиларнинг тахминан 70-80% танлаган таълим йўналишларига содиқ қолишади - аҳолининг фақат тўртдан бир қисмининг олган маълумоти ва иш билан бандлиги ўзаро мос келмайди.

Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан кўпи ўз мутахассислиги бўйича ишламайди, бу ҳудудлар даражасида ҳам яққол кўзга ташланади ( 2.3.3-жадвал).

Мазкур вазият лавозим бўйича ўсиш ва юқори даромад олиш истиқболларининг йўқлиги, касбий афзалликларнинг ўзгариши, иш берувчи

---

<sup>116</sup> Гимпельсон, В.Е. Выбор профессии: чему учились и гдегодились? [Текст] / В.Е. Гимпельсон, Р.И. Капелюшников, Т.С. Карабчук // Экономический журнал ВШЭ. - 2009. - № 2. - С. 172-216.

талабларининг ишчилар томонидан қабул қилинмаслиги кабилар билан изоҳланади.

### 2.3.3-жадвал.

**Саволга жавобларни тақсимлаш: “Сиз касб-хунар таълими муассасасида олган мутахассислигингиз бўйича ишлайсизми?”, 2018-2021 йиллар (респондентлар сонига нисбатан,%да)**

Жавоб вариантлари	2018	2019	2020	2021
Ҳа	52,6	45,1	47,6	48,3
Йўқ	47,4	54,9	52,4	51,7

Манба: Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 2018-2021 йил.

Таълимнинг Республика иқтисодиётига иқтисодий самарасини ўрганишда аҳоли ижтимоий-демографик хусусиятларининг иш ҳақи миқдорига таъсирини аниқлаш; аҳоли турли гуруҳлари кесимида иш ҳақининг табақаланишига иш стажининг таъсири; Ж.Минсернинг регрессия тенгламаси асосида таълим ва иш стажининг рентабеллик даражасини таҳлил қилиш каби усул ва воситалардан фойдаланилди.

Тадқиқотларимиз давомида олий ва ўрта махсус маълумотли ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нисбати таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди:

- олий ва ўрта махсус маълумотли эркакларнинг даромадларидаги максимал фарқ 35-44 ёшда - 2 баробарни , 25-29 ва 50-54 ёшдаги аёлларнинг даромадлари ўртасида мос тарзда 2,3 ва 1,8 мартани ташкил қилади;

- олий ва ўрта махсус маълумотли ишчиларнинг иш ҳақидаги фарқлар уларнинг қайси иш гуруҳига мансублигига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Иш фаолиятининг биринчи ўн йиллигида иш ҳақи тезроқ ўсиб боради ва уларнинг пасайиши умумий иш стажи 35-40 йилга етганда бошланади.

Шунга кўра, катта меҳнат стажига ва инсон капитали заҳираларига эга бўлган ёши каттароқ гуруҳ ходимларининг иш ҳақи баъзан бундай узок тажрибага эга бўлмаган ходимларнинг иш ҳақи билан мос келади. Ходимларнинг ёши ва иш стажи таъсирида даромадларнинг бундай ўзгариши иш ҳақи ёши, тажрибаси ва инсон капитали заҳираларининг тўпланиши билан ортиб бориши ҳақидаги фаразга мос келмайди. Бу Ўзбекистондаги

Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, кекса авлод ишчилари маҳорати ва қобилиятининг “кадрсизланиши” билан изоҳланади.

“Ёши учун мукофотлар” (маълум бир ёшдаги ишчиларининг иш ҳақи ва барча ходимларининг иш ҳақи ўртасидаги фоиз нисбати билан фарқи) таҳлили асосида қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

- ёрдамчи ва малакасиз кадрлар лавозимларидаги ёшлар (24 ёшгача) ва пенсия ёшидаги ишчиларда иш ҳақи ушбу лавозим гуруҳи умумий олгандагига қараганда 30 - 37 % кам;

- 25-29 ёшдаги аёлларни юқори даражадаги билим ва касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган ишларга жалб қилиш (ёрдамчи ходимлар ва малакасиз ишчилар), уларни бошқа ёшдаги ушбу лавозимларда ишлайдиган ишчиларга нисбатан юқори иш ҳақи билан таъминлайди (паст малака талаб қиладиган иш жойларида узок тажриба тўплаш талаб қилинмайди, энг катта ҳақ дастлабки меҳнат фаолиятларида кузатилади);

- бошқарувнинг ўрта, қуйи бўғинлари раҳбарлари орасида, шунингдек, ўрта малакали мутахассислар орасида вазият аксинча: уларнинг ишларининг моҳияти юқори малакали ва узок йиллик касбий тажрибанинг мавжудлигини талаб қилади, шунинг учун иш ҳақи энг катта миқдор 40-49 ва 55-59 ёшларда эришилади.

Ўзбекистон Республикаси даражасидаги “таълим учун мукофотлар” (маълум даражадаги маълумотга эга бўлган ишчиларнинг иш ҳақи ва барча таълим даражаларида тегишли иш гуруҳларидаги ўртача иш ҳақи ўртасидаги фарқ) таҳлили қуйидагиларни аниқлашга имкон яратди:

- олий маълумотли ишчиларнинг иш ҳақи ва тегишли иш гуруҳларидаги ишчиларнинг ўртача иш ҳақи ўртасидаги фарқ бошқа таълим даражалари учун худди шу кўрсаткич билан таққослаганда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб чиқади;

шунга кўра, олий маълумотга эга бўлиш ходимларга, ишнинг хусусиятидан ва қайси ишчи гуруҳга мансублигидан қатъи назар, юқори ҳақ

олиш имкониятини беради. Шу билан бирга, иш ҳақи маҳорат даражаси ва иш жойида талаб қилинадиган малака ўртасидаги энг кичик фарқда, юқори иш ҳақи эса энг юқори малакага эга бўлган профессионал гуруҳларда.

Бизнинг ишимизда иш ҳақининг шаклланишига турли хил омилларнинг кўшган ҳиссасини баҳолашда қўлланилган усуллардан бири Ж.Минсер тенгламасининг ўзига хос жиҳатлари асосида кўшимча таълим йилининг рентабеллигини баҳолашдир.

Таҳлил SPSS дастуридаги 2017 ва 2020 йиллар маълумотлари ёрдамида минтақавий даражада ўтказилди. Баҳоланадиган регрессия тенгламаси куйидагича:

$$\ln(Wage_i) = \alpha_0 + \beta * EDU_i + \gamma_1 * EXP_i + \gamma_2 * EXP_i^2 + \delta_1 * EXP_{ci} + \delta_2 * EXP_{ci} + \varepsilon_i, (6)$$

Бу ерда:

$\ln(Wage_i)$  - ишчи ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи;

$EDU_i$ - бу ходим томонидан эришилган энг юқори таълим даражаси;

$EXP_i^2$  - умумий тажриба, йиллар;

$EXP_{ci}$  - махсус тажриба, йил;

$\alpha_0$  - константа;

$\beta$  - таълим рентабеллиги даражаси;

$\gamma_1$  - умумий тажрибанинг рентабеллик коэффиценти,

$\delta_1$  - махсус тажрибанинг рентабеллик коэффиценти;

$\varepsilon_i$  - регрессия тенгламасининг қолдиқ қисми.

Регрессия тенгламасини таҳлил қилиш натижасида ишчиларнинг турли ижтимоий-демографик жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, ходимларнинг маълумот даражаси ва иш стажининг ўзаро боғлиқлиги борасида муайян қийматлар олинди (2.3.5-жадвал):

- ўқиш давомийлигининг бир йилга ўсиши ўртача ойлик иш ҳақининг 8,9% га ўсишига олиб келади: бу 2017 йилда аёлларда 10,2%, эркекларда эса 9,2% ни ташкил қилган;

## Минсер тенгламасининг коэффицентлари, 2017 йил

Кўрсаткичлар	Тенглама коэффицентлари					
	$\alpha$	$\beta$	$\gamma_1$	$\gamma_2$	$\delta_2$	$\delta_2$
Жами	7,161 (0,281)	0,089 (0,011)	- 0,109 (0,056)	0,396 (0,207)	- 0,185 (0,062)	0,769 (0,223) *
Жинси						
Эркак	7,167 (0,283)	0,092 (0,014)	- 0,129 (0,067)	0,409 (0,299)	- 0,228 (0,079)	0,896 (0,279)
Аёл	6,789 (0,216)	0,103 (0,014)	- 0,085 (0,076)	0,309 (0,298)	- 0,230 (0,079)	0,780 (0,290)
Сиз касб-хунар таълими муассасида олинган мутахассислик бўйича ишлайсизми?						
Ха	8,523 (0,272)	0,075 (0,018)	0,035 (0,067)	- 0,076 (0,271)	- 0,012 (0,072)	0,026 (0,186)
Йўқ	6,073 (0,355)	0,069 (0,020)	- 0,323 (0,089)	1,067 (0,318)	- 0,555 (0,090)	1,850 (0,248)
Лавозим гуруҳи						
Корхона менежерлари	8,192 (1,393)	0,057 (0,082)	- 0,437 (0,438)	1,877 (1,272)	0,207 (0,355)	- 0,558 (1,214)
Ўрта бўғин менежерлари	6,956 (0,476)	0,203 (0,057)	- 0,070 (0,159)	0,379 (0,490)	0,263 (0,171)	- 0,527 (0,340)
Куйи даражадаги раҳбарлар	8,130 (0,715)	0,054 (0,023)	-0,100 (0,206)	0,655 (0,918)	- 0,065 (0,197)	0,202 (0,067)
Юқори малакали мутахассислар	9,102 (0,406)	0,001 (0,010)	- 0,095 (0,099)	0,321 (0,379)	- 0,031 (0,089)	0,610 (0,386)
Ўрта бўғин мутахассислари	8,594 (0,338)	0,041 (0,051)	- 0,063 (0,077)	0,101 (0,207)	0,064 (0,047)	- 0,078 (0,187)
Ёрдамчи ходимлар	7,986 (0,499)	0,057 (0,018)	- 0,057 (0,102)	0,325 (0,481)	- 0,073 (0,165)	0,047 (0,485)
Малакасиз ишчилар	6,929 (0,487)	0,071 (0,083)	- 0,222 (0,103)	0,712 (0,613)	- 0,213 (0,107)	0,679 (0,479)
* Стандарт хато кавс ичида кўрсатилган.						

Манба: Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 2017 йил.

- ишчиларнинг ўз ихтисослиги бўйича банд бўлишлари шароитида иш стажи иш ҳақининг ўсишида муҳим ҳисобланади;

- респондентнинг ижтимоий-демографик гуруҳга мансублигидан қатъи назар, таълим ҳар қандай вазиятда рентабелликка эга бўлсада, рентабелликнинг юқори даражасига юқори бошқарув лавозимларида ишлаш асносида эришилганлиги кузатилади;

- аксарият лавозимларда ишчиларнинг махсус иш стажининг рентабеллиги салбий ҳисобланади, бу ходим асосан битта иш жойида



ишлагани ҳолда, унинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўсмаганлиги билан боғланади.

### 2.3.6-жадвал.

#### Минсер тенгламасининг коэффициентлари, 2020 йил

Параметрлар	Тенглама коэффициентлари					
	$\alpha$	$\beta$	$\gamma_1$	$\gamma_2$	$\delta_2$	$\delta_2$
Жами	7,145 (0,189)	0,079 (0,010)	- 0,044 (0,062)	0,109 (0,189)	- 0,507 (0,085)	1,498 (0,206)
Жинси						
Эркак	6,802 (0,289)	0,096 (0,031)	- 0,211 (0,121)	0,529 (0,193)	- 0,549 (0,092)	1,667 (0,287)
Аёл	7,545 (0,184)	0,087 (0,023)	0,047 (0,087)	- 0,321 (0,287)	- 0,363 (0,067)	1,233 (0,179)
Сиз касб-хунар таълими муассасасида олинган мутахассислик бўйича ишлайсизми?						
Ҳа	8,201 (0,204)	0,043 (0,021)	0,077 (0,072)	- 0,289 (0,202)	- 0,250 (0,051)	1,052 (0,275)
Йўқ	6,592 (0,295)	0,057 (0,031)	- 0,103 (0,056)	0,341 (0,256)	- 0,574 (0,078)	1,924 (0,227)
Лавозим гуруҳи						
Корхона менежерлари	8,471 (0,828)	0,038 (0,046)	0,047 (0,180)	- 0,343 (0,690)	- 0,343 (0,203)	1,256 (0,713)
Ўрта бўғин менежерлари	7,639 (0,523)	0,081 (0,030)	0,071 (0,102)	- 0,228 (0,459)	- 0,262 (0,109)	1,111 (0,406)
Куйи даражадаги раҳбарлар	8,336 (0,616)	0,048 (0,035)	0,089 (0,010)	- 0,378 (0,552)	- 0,149 (0,106)	0,610 (0,505)
Юқори малакали мутахассислар	8,278 (0,485)	- 0,001 (0,025)	- 0,238 (0,107)	0,970 (0,307)	- 0,092 (0,088)	0,512 (0,305)
Ўрта бўғин мутахассислар	9,359 (0,325)	- 0,015 (0,015)	0,099 (0,077)	- 0,375 (0,300)	- 0,162 (0,087)	0,570 (0,312)
Ёрдამчи ходимлар	7,564 (0,437)	0,047 (0,24)	- 0,133 (0,096)	0,287 (0,320)	- 0,281 (0,109)	1,034 (0,421)
Малакасиз ишчилар	8,515 (0,653)	0,067 (0,039)	0,089 (0,126)	- 0,304 (0,517)	0,001 (0,200)	0,044 (0,702)

Манба: Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 2020 йил.

Мазкур ҳолатни корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ташкил этиш билан асослаш мумкин, бундай вазиятда иш берувчи хусусий инсон капитали тўпланиб бориши эвазига меҳнат унумдорлигининг ўсишидан рента олади, иқтисодиёт айрим тармоқларининг тезроқ ўсиш суръатлари ушбу тармоқларга тегишли корхоналарда ишчи кучига талабининг ошишига олиб келади ва бу ўз навбатида иш ҳақи даражасининг ўсишига олиб келади; ходим малакасининг иш жойининг талабларига юқори даражадаги мослигини таъминлаш учун иш жойини ўзгартириш талаб қилинади, бу ўз

навбатида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг юқори даражасини тақозо қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда 2017 йилга нисбатан таълим рентабеллигининг пасайиши кузатилди (2.3.6-жадвал). Ўрта поғонадаги менежерлар (8,1%), ўрта бўғин мутахассислар (1,5%) ва аёллар (8,7%) орасида кўрсаткичлар сезиларли даражада пасайган.

Шу тариқа, олинган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, таъкидлаш лозимки, аҳоли билим даражасининг ошиши даромадларнинг кўпайиши билан бирга юз беради:

- ўқиш давомийлигининг бир йилга кўпайиши аҳоли барча гуруҳлари ўртача ойлик иш ҳақининг ошишига олиб келади;

- олий маълумотли инсонлар орасида энг кам таъминланган (энг кам иш ҳақига эга бўлган) ишчиларнинг улуши умумий ўрта, ўрта махсус маълумотлиларга нисбатан 4 баравар кам кўрсаткични ташкил қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, инсон капитали сифати ва самарадорлигини оширишда таълим хизматларининг ўрни сезиларли даражада юқоридир. Тўғри йўлга қўйилган ўқитиш ва малака ошириш тизими хусусий инсон капиталининг бойишига олиб келади, бу эса пировардида корхона, ҳудуд ва мамлакат даражасида иқтисодий ривожланишни таъминлайди.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

1. Инсон капитали ва ҳудуднинг инновацион ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш услубиёти кўп ўлчовли қиёсий таҳлил қоидалари асосида ишлаб чиқилди ва статистик маълумотлар бўйича синовдан ўтказилди, бу ўз навбатида инновацион жараёнларни фаоллаштириш учун бошқарув таъсирининг дифференциал тизимини шакллантиришга имкон беради.

2. Инсон капитали даражаси юқори бўлган ҳудудлар юқори ёки ўртача даражадан юқори инновацион ривожланиш даражаси билан ажралиб турса, инсон капитали ривожланмаган ҳудудларда аксинча ҳолат кузатилади. Инсон капитали ривожланишига ташқи муҳитдаги ўзгаришларнинг таъсири ҳам кузатилади - инновацион ўзгаришларни амалга ошириш имкониятларининг пасайиши ҳудудларда кадрлар салоҳиятининг пасайиши билан бирга келади.

3. Инсон капиталини ривожлантириш бўйича минтақаларнинг етакчи ўрни аҳолининг таълим ва тадқиқот жараёнига жалб қилинишини тавсифловчи кўрсаткичлар билан аниқланади. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида кўп қиррали билимларни тўплаш, касбий малакани ошириш ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш талаблари кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

4. Умумий инсон капиталининг тўпланиши, иш ҳақининг ўсиши ҳисобига ундан самаралироқ фойдаланиш борасида дастлабки шарт-шароитларни яратиши исботланди. Шу билан бирга, аҳолининг юқори билим даражаси ишсизлик хавфини камайтиради, ишга жойлашиш эҳтимолини оширади ва деярли барча меҳнат гуруҳлари ходимларининг юқори иш ҳақини таъминлайди.

## **III БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН КАПИТАЛИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Миллий иқтисодиётда инсон капиталидан самарали фойдаланиш муаммолари**

Миллий иқтисодиётни инновацион асосларда ривожлантириш борасида инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш муаммоларини аниқлаштириш ва уларнинг тезкор ечимларини излаб топиш талаб қилинади.


Инсон капиталини бошқариш соҳасида сиёсатни шакллантириш икки босқични ўз ичига олади - муаммоли-таҳлилий (асосий муаммоларни ўрганиш, “муаммоли майдон” ни тизимлаштириш) ва синтетик-конструктив (концептуал ғоялар тўпламига асосланган инструментал ечимларга ўтиш).

Биринчи босқич Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш талабларни ҳисобга олган ҳолда инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш муаммоларини аниқлашни ўз ичига олади (3.1.1-расм).

Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланишини ўрганиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида жамиятда амалга оширилиши лозим бўлган инновацион ўзгаришларга қуйидаги бир қатор талаблар қўйилади:

- ишлаб чиқариш жараёнларининг ахборот, билим, ижодкорлик каби номоддий ташкил этувчиларини инобатга олиш;
- инновацион ўзгаришларда инсон омилининг ўрнини кучайтириш;
- инновацион фаолликка кўмаклашувчи усул ва воситаларни ривожлантириш;
- инновацион жараёнлар, давлат ва бизнес масъуллигини бошқаришдаги ўзгаришларни кучайтириш; вазиятли бошқаришдан стратегик бошқарувга ўтиш.

**Ривожланишнинг инновацион турига, инсон капиталини шакллантиришга ва ундан фойдаланишга қўйиладиган талаблар**



**3.1.1-расм. Ривожланишнинг инновацион турига, инсон капиталини шакллантиришга ва ундан фойдаланишга қўйиладиган талаблар**

Манба: муаллиф ишланмаси

Доимий тарзда ўзгариб турадиган ташқи муҳит мазкур ўзгаришларнинг омили сифатида Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш ва инсон капиталига талабларни белгилайди.

Инсон капитали учун асосий талаблар қаторига қуйидагилар киради:

- илмий-техник соҳа, иқтисодий тизимдаги доимий ўзгаришларга мослашувчанлик;

- касбий савияни ошириш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз таълим олишга қобилият ва тайёргарлик;

- касбий савияни ошириш учун рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги;

- ижодкорлик ва тадбиркорлик қобилияти; аҳолининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги.

Муаммоларни аниқлашга бундай ёндашиш нафақат уларнинг пайдо бўлиш босқичини (шаклланиши ёки ишлатилиши), балки уларнинг моҳиятини ҳам аниқлашга имкон беради, бу эса чора-тадбирларнинг табақалаштирилган тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, инновацион ўзгаришларга таъсир кўрсатадиган: инновацион ғояларни амалда татбиқ этишга қодир бўлган малакали кадрларнинг етишмаслиги; аҳолининг касбий ривожланишига ва инновацион салоҳиятнинг жамғаришига таъсир қилувчи рағбатлантирувчи омилларнинг шаклланмаганлиги; илғор ишлаб чиқариш технологиялари ва уларга асосланган маҳсулотлар сонининг пасайиши сабабли инновацион қобилиятга эга кадрларга ишлаб чиқаришда талабнинг пастлиги каби муаммолар юзага чиқди.

Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими муассасаларини бошқариш, молиялаштириш ва бошқаришда давлат муҳим ўрин тутди. Касб-ҳунар таълими муассасалари йилдан-йилга асосий стратегик мақсад сифатида миқдор жиҳатдан кенгайиш йўналишида иш олиб борган. Мажбурий касб-ҳунар таълими доирасида давлат томонидан бериладиган субсидиялар кафолатланганлиги сабабли уларни ўзгартириш ва долзарблигини ошириш учун унчалик рағбат бўлмаган.

Ўзбекистондаги касб-ҳунар таълими тизими давлат томонидан молиялаштиришга жуда боғлиқ бўлса-да, мажбурий 3 йиллик касб-ҳунар

таълими тизимида молиявий дастаклар коллеж битирувчиларининг ўқитиш сифатини ва меҳнат бозоридаги кўрсаткичларини яхшилаш учун стратегик сиёсат воситаси сифатида фойдаланилмади.

Касб-ҳунар таълими муассасалари таълим сифатини бошқаришнинг замонавий усулларини татбиқ этиш борасида ўтган йиллар мобайнида муайян тажриба тўпладилар. Аммо, ушбу тажриба меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш учун етарли даражада самарали бўлмади.

Таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришда бир қатор муаммолар мавжуд, масалан:

- таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш тизими ИСО 9001:2015 ва ИСО 21001:2018 сифат менежменти стандартлари талаблари ва тавсияларига мос келмайди;

- таълим муассасасини бошқаришда малакали бошқарув ходимларининг етишмаслиги, самарали бошқарув учун етарли мотивация йўқлиги;

- касб-ҳунар коллежлари менежерлари бизнес тузилмалари ва иш берувчи ҳамкорлар билан ишлаш борасида етарлича ваколатга эга эмаслар;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари васийлик кенгаши фаолияти етарли даражада самарали эмас.

Самарали бошқарув механизми, молиялаштиришнинг янги механизм ва манбаларини жорий этиш, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш, таълим муассасалари мустақиллигини босқичма-босқич жорий этиш ва соҳада рақобат муҳитини яратишга қодир бўлган янги профессионал таълим муассасалари тармоғи яратилмоқда. Касб-ҳунар таълими тизимида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган касб-ҳунар таълим ўқитиш марказлари, кўп тармоқли ўқув марказлари ҳам киради.

Вазирлик ва идоралар тасарруфига ўтказиш жараёни тугагандан сўнг, ОЎМТВнинг ўрни касб-ҳунар таълими муассасалари, коллежлар ва техникумларнинг идоравий бўйсунушидан қатъи назар, касб-ҳунар таълими

соҳасидаги ўқув-услубий раҳбарлик ва давлат сиёсатини таъминлашдан иборат бўлади.

Ушбу касб-ҳунар коллежларини бошқариш учун касб-ҳунар таълими муассасаларига масъул вазирлик ва идоралар жавобгар бўлади. Ушбу тартибнинг афзалликларидан бири шундаки, тегишли вазирлик ва идоралар тегишли ўқув муддати ва ўқув режаси тўғрисида ўзлари қарор қабул қилишлари мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, узлуксиз касб-ҳунар таълими эндиликда мажбурий тизимдан ихтиёрий тизимга ўтмоқда. Касб-ҳунарга ўқишни истаган ҳар бир кишига энди “Ҳаёт давомида таълим” тамойили асосида табақалаштирилган таълимни (назария, амалиёт) давом эттириш, келгусида иш топиш, олий маълумот олиш ва касбий билим ва кўникмаларини ошириш имконияти берилди.

“Касб-ҳунар таълими муассасаларини бошқаришни монополиядан чиқариш” сиёсати олиб борилди. Келажакда тизимни давлат органлари, идоралар ёки саноат корхоналари, шунингдек йирик иш берувчилар ёки хусусий тадбиркорлар ва профессионал уюшмалар бошқариши мумкин.

Давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги қонун хусусий бизнес учун кафолат беради ва хусусий секторни ушбу жараёнда иштирок этишни ҳамда кадрлар тайёрлашга талаб ва таклифни оширишни рағбатлантиради. Бугунги кунда хусусий сектор ишчиларнинг малакасини ошириш учун маълум йўналишларда касб-ҳунар таълими таъминотчиси сифатида босқичма-босқич ривожланиб бормоқда ва Касб-ҳунар таълими муассасаларида кўпроқ масъулият юкланиши кутилмоқда. Хусусий секторнинг ўрни КҲТ муассасаларига ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, шу жумладан дастурларни таҳлил қилишда корхоналарни иштироки, ўқувчиларни баҳолаш, амалий машғулотлардан кенг фойдаланиш ва касбга йўналтириш бўйича қарорларни қабул қилишда ёрдам бериш орқали ўқитишда ёрдам беришдан иборат.



Меҳнат бозори билан кўпроқ мослашувчанлик ва изчилликни таъминлаш, шунингдек, катталар учун узлуксиз касб-хунар таълими (КХТ) ни янада самарали қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистонда касб-хунар таълими тизимини ислоҳ қилиш жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги қарорига мувофиқ касб-хунар таълими 9-синф битирувчилари учун мажбурий 11 йиллик таълимнинг бир қисми бўлиб қолмоқда. Амалдаги қонунчиликка кўра, улар 9-синфдан сўнг ўқишларини академик лицей ёки касб-хунар мактабларида, ХТСТнинг 3-даражасига мос таълим дастурлари асосида давом эттиришга имкон беради. Касб-хунар коллежлари ва техникумларда таълим дастурларининг давомийлиги ихтисосликнинг мураккаблик даражасига қараб белгиланади. Бу шунингдек, мажбурий касб-хунар таълими дастурларининг давомийлиги янги 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 12 йилдан (ислоҳотдан олдинги 3 йилдан) 11 йилгача (2 йилгача) қисқартирилади. 3.1.1 – жадвалда ХТСТ даражалари бўйича касб-хунар таълими дастурларининг таснифи келтирилган (3.1.1-жадвалга қarang). Ушбу ўқув йилидан бошлаб 340 та касб-хунар таълими мактаблари 9-синфдан кейин ўқувчиларни қабул қилади, бу ерда кундузги таълим шаклида умумий таълим ва махсус фанларнинг 2 йиллик интеграл дастурлари амалга оширилади. Коллежлар ва техникумлар 11-синф битирувчиларини қабул қиладилар, уларда ўқитиш кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларда “Ҳаёт давомида таълим” тамойили асосида амалга оширилади. Ушбу таълим муассасаларида ўқитиш дастурларининг давомийлиги касблар ва мутахассисликлар мураккаблигига қараб белгиланади. Илгари кўзда тутилмаган кечки ва сиртқи таълим шакллари жорий этиш иш жойида қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларидан ўтишни истаганлар учун қўшимча шароитлар яратади. Касб-хунарга ўқитишнинг қулайлигини кенгайтириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2019 йилдан бошлаб ишсизларни, айниқса меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни, қизларни ва

ишсизларни касбий қайта тайёрлаш харажатларини молиялаштириш учун ҳукумат томонидан кам таъминланган оилалар аёллари иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунар таълими муассасаларига грантлар ажратишни назарда тутадиган механизмни жорий этди.

### 3.1.1-жадвал.

#### Касбий таълим дастурларини ХТСТ даражаларига кўра таснифлаш

ХТСТ даражалари	Дастурларнинг давомийлигига қўйилган талаб	Таълим даражалари
ХТСТ 3	Дастурлар давомийлиги - 2 йил.	Ўрта таълимнинг иккинчи босқичи/бошланғич профессионал таълим (умумтаълим мактабларининг 10-11 синфлари, Академик лицейлар, касб-хунар мактаблари)
ХТСТ 4	Дастурлар давомийлиги 6 ойдан 2-3 йилгача муддатни ташкил этади	Ўрта профессионал таълим (коллежлар, техникумлар)
ХТСТ 5	Дастурлар давомийлиги камида 2 йилни ташкил этади	Ўрта-махсус профессионал таълим (техникумлар)

Манба: ОЎМТВ

“Ҳаёт давомида таълим” тамойилига мувофиқ, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва ишчилари коллежлар ва олий ўқув юртларида кишлок хўжалиги технологиялари, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқ етиштириш ва асаларичилик соҳаларида касбий тайёргарлик марказларида касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатлари молиялаштирилади.

Инсон капиталини бошқариш соҳасида сиёсатни шакллантиришнинг иккинчи босқичида (синтетик-конструктив) аниқланган муаммоларни бартараф этиш борасида ечимлар ишлаб чиқилди (**3-илова**).

Молиявий, институционал, ташкилий, мотивацион тадбирлари инновацион ўзгаришлар шароитида инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ мақсадга эришиш борасида муҳим саналади. Мотивацион тадбирлар

аҳолининг таълим ва касбий тайёргарлигига пул сарфлаш, инновацион билимлар ва кўникмаларни тўплаш ҳамда уларни кейинчалик инновацион фаолиятга татбиқ этиш учун моддий ва маънавий рағбатлантиришни шакллантиришга қаратилган.

Инсон капитални шакллантириш ва унинг сифатини таъминлашда таълим муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу борада қуйидагиларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади:

- ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, аҳолига сифатли таълим хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш;

- ўқувчиларнинг қобилиятларини эрта аниқлаш, уларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида бўйича педагогик ва психологик хизматлар кўрсатиш;

- таълим тизимининг узвийлиги тамойилига жиддий риоя қилиш;

- ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

- меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ихтисослаштирилган таълим тизимини йўлга қўйиш.

Инсон капитали самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида таълимнинг турли даражалари узлуксизлиги, қўшимча касб-ҳунар таълимини ривожлантириш орқали аҳолининг доимий касбий ўсиши учун шароит яратишни келтириб ўтишимиз лозим.

Ушбу йўналиш доирасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш;

- бандлик борасида иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- ўқувчи ва талабаларга нисбатан мижоз сифатида муносабатда бўлиш;

- меҳнат бозоридаши ўзгаришларни доимий кузатиб бориш ва кузатув натижалари асосида тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

-иқтидорли ва истеъдодли ёшларни саралаб олиш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- инновацион фаол таълим муассасаларини давлат томонидан молиявий ва институционал қўллаб қувватлаш.

Таълим жараёнини бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳам бу борада энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада маъмурий бошқарув усулларидан босқичма-босқич институционал ва иқтисодий бошқарув усулларига ўтиш қўллаб-қувватланиши талаб қилинади.

Таълим жараёни ва унинг сифатини баҳолаш борасида кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, таълим сиёсатини амалга оширишда жараён иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш, бу борада уларнинг масъулиятини кучайтириш долзарбдир.

Шу билан бирга, субъектлар (шу жумладан, таълим тизимининг ҳудудий идоралари) ўртасида нафақат вертикал, балки горизонтал ўзаро алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, миллий ва ҳудудий даражаларда муваффақиятли бошқарув усулларини таҳлил қилиш, турли хил ресурслардан (моддий-техник, кадр ва бошқалар) самарали фойдаланиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида инсон ресурслари сифатини ошириш воситалари юзасидан ўтказилган мониторинг маълумотларига асосан, аҳоли томонидан инсон капиталини оширишда узлуксиз таълим тизимини яратиш ва кадрларни қайта тайёрлаш, инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган янги авлод стандартларига ўтишга кўмаклашувчи воситаларига берган баҳолари пасайганлиги аниқланди (3.1.2-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида таълим тизимининг самадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги шароитида таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, янги таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тезкор жорий этиш кабиларга алоҳида урғу бериш талаб қилинади.

**Инсон ресурслари сифатини ошириш воситалари, сўровда иштирок қилганларга нисбатан, %да**

Жавоб вариантлари	2019 й.	2020 й.	Мутлоқ фарқ (2020- 2019)
Аҳоли турмуш даражасини кўтариш	57,6	59,5	1,9
Академик илмни қўллаб-қувватлаш	60,0	54,8	-5,2
Ходимга касбий маҳоратини намоён этиши ва мансаб бўйича ўсиши борасида шарт-шароит яратиш	31,8	50,0	18,2
Кадрлар ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш	31,8	40,5	8,7
Таълим тизимини инновацион иқтисодиёт талабларига мослаштириш	29,4	36,7	7,3
Таълимнинг илмийлигини ошириш	14,1	28,6	14,5
Тиббиёт ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда тизимли ўзгаришларни амалга ошириш	20,0	24,8	4,8
Инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш	12,9	21,4	8,5
Бошқалар	0,0	4,8	4,8

Манба: Гулистон давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси томонидан ўтказилган сўровнома натижалари(2019-2020 йиллар)

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши, бизнинг фикримизча, инсон капиталининг янада самарали шаклланишини таъминлашга имкон беради.

Аҳолининг инновацион фаоллигини оширишда бизнеснинг инновацияларни яратиш ва уни амалга ошириш жараёнларини рағбатлантириш, инновацион фаолликни молиявий қўллаб-қувватлаш, жамиятдан инновацион маданиятни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади (3.1.3-жадвал).

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги фикрларни илгари суришимиз мумкин бўлади:

- маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида ҳудуднинг инновацион фаоллигини оширишда инсон капиталини ривожлантириш борасида турли усул ва воситалардан бир ўринда фойдаланиш талаб қилинади;

- инсон капиталини сифатини яхшилашда аҳолининг касбий маҳоратини ошириш, ишчи-хизматчиларнинг жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга

мослашувчанлигини таъминлаш, ёшларда ижодкорлик ва креатив фикрлашни ривожлантириш муҳим ўрин тутди;

- инсон капиталини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришнинг муаммоли-аналитик ва синтетик-конструктив босқичлари фарқланишини инобатга олиш лозим;

### 3.1.3-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида илмий-инновацион фаолликнинг устувор йўналишлари, %

Жавоб вариантлари	Корхоналар раҳбарларининг жавоблари, сўралганларга нисбатан, %да		
	2019 й.	2020 й.	Мутлоқ фарқ. (2020-2015)
Инновацион фаолликни оширишда бизнесни рағбатлантириш	46,6	60,5	13,9
Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш	48,9	54,8	5,9
Инновацияларни яратиш ва амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш	47,7	51,0	3,3
Олий таълимни қўллаб-қувватлаш	18,2	39,2	21
Жамиятда инновацион маданиятни шакллантириш	14,8	35,7	20,9
Кичик инновацион тадбиркорликни фаоллаштириш	42,0	35,7	-6,3
Инновацион соҳада давлат бошқаруви сифатини яхшилаш	27,3	28,6	1,3
Инновацион соҳани ривожлантириш истиқболларини белгилаш	34,1	26,2	-7,9
Инновацияларнинг ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш	19,3	26,2	6,9
Инновацион кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш	15,9	14,3	-1,6
Инновацион инфратузилмани ривожлантириш	32,9	9,5	-23,4
Бошқалар	1,1	0,0	-1,1

Манба: Гулистон давлат университети “Иктисодиёт” кафедраси томонидан ўтказилган сўровнома натижалари(2019-2020 йиллар)

- инсон капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида вужудга келувчи муаммолар қаторида инновацион кадрларнинг етишмаслиги; аҳолининг касбий ривожланишига ва уларнинг инновацион салоҳиятининг тўпланишига таъсир қилувчи рағбатларнинг шаклланмаганлиги каби муаммоларни қайд этиб ўтишимиз лозим.

### **3.2. Инновацион ривожланишда инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва иқтисодий шароитлари**

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликларни қисқартиришда инновацион фаоллик муҳим ўрин тутаети, бу борада инсон капитали сифатини яхшилаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

ERGO Research & Advisory таҳлилчиларининг фикрига кўра, мамлакатда рақамли кўникмаларнинг етишмаслиги рақамли трансформация учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Ушбу компаниянинг Ўзбекистон меҳнат бозоридаги кўникмалардаги бўшлиқларни баҳолаш борасидаги тадқиқот натижаларига кўра, сўралган компанияларнинг 68 фоизи янги номзодларни ёллашда ходимларнинг АКТлари борасидаги кўникмаларини муҳим омил сифатида кўрсатиб ўтишган.<sup>117</sup>

Инсон капиталини бошқариш субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар фавқулодда мураккаб бўлсада, бунда ижобий инвестицион, инновацион ва институционал муҳитни яратиш давлат зиммасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади (4-илова).

Инсон капиталини бошқариш мақсадларига эришишда турли бошқарув субъектларининг манфаатларини уйғунлаштиришда: “мақсадга мувофиқлик – самарадорлик”, “шериклик - манфаатлар мувозанати”, “устуворлик – рационаллик”, “изчиллик – мувофиқлик”, “мослашувчанлик - қайта алоқа” тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш лозим.

Ҳар бир тоифадаги жуфт тамойилларни шакллантиришда инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиҳатлар ҳисобга олинди (3.2.1-жадвал). Инсон капиталини бошқариш “мақсадлилиқ – самарадорлик” субъектларнинг ҳаракатлари ижтимоий-иқтисодий тизимни бошқаришнинг умумий мақсадига бўйсуннишини назарда тутаети ва қабул

---

<sup>117</sup> <https://kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/>

килинган чора-тадбирлардан келгусида катта самара олиш мумкинлигини кўрсатади.

3.2.1 – жадвал.

**Инсон капитални бошқариш тамойиллари**

<b>Инсон капитални шакллантириш жараёнларини бошқариш тамойиллари</b>	<b>Инсон капитални бошқариш тамойиллари</b>
Мақсадга мувофиқ бошқарув	Самарадорлик
Инсон капитални субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик	Қизиқишларни мувозанатлаштириш
Инвестиция йўналишлари	Рационаллик
Тизимлилиқ	Ҳаракатларни мувофиқлаштириш
Мослашувчанлик	Қайта алоқа

Манба: муаллиф ишланмаси.

Муҳим тамойиллардан яна бири – “шериклик - манфаатлар мувозанати” тамойили, бир томондан субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг корпоратив тавсифга эга эканлигини, бошқа бир томондан эса, шахсий манфаатлар ва мақсадларнинг умумий ижтимоий-иқтисодий тизим мақсадлари билан ўзаро уйғунлигини кўзда тутди.

Яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойил – “мослашувчанлик – қайта алоқа” ташқи муҳитдаги ўзгаришларни идрок этишни, бошқариш объектига таъсир ўтказиш усулини ўзгартиришни, объектни ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни, бошқариш ҳаракатларини тўғрилаш учун қайта алоқа қилишни ўз ичига олади.

Объектга бошқарув субъектининг таъсири нафақат турли хил принциплар, балки бошқарув воситалари ёрдамида ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу таъсир тўғридан-тўғри ва билвосита бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, биз усуллар бевосита ёки билвосита бўлиши мумкинлигини таъкидлаймиз (3.2.2-жадвал). Инсон капитални бошқаришга бевосита таъсир ўтказиш усуллари гуруҳи иқтисодий, маъмурий, ташкилий ва бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда, жараёнга бевосита таъсир қилиш усулларини бирлаштиради.

Тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган воситалар қуйидаги усуллар билан ифодаланади:

инсон капитални ва аҳолининг алоҳида тоифаларини шакллантириш



## Инсон капитални бошқариш механизми воситалари

Усуллар	Бевосита таъсир	Билвосита таъсир
<b>Иқтисодий</b>	Ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштириш. Субсидиялар. Ижтимоий тўловлар ва бошқа мақсадлар учун субсидиялар. Аҳолини ижтимоий - қўллаб қувватлаш пакетлари	Имтиёзли солиққа тортиш; ердан имтиёзли фойдаланиш; имтиёзли кредитлар тақдим қилиш; инновацион инфратузилмани ривожлантириш, ҳомийлик ва грантлар асосида илмий ишларни молиявий қўллаб-қувватлаш
<b>Маъмурий</b>	Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш. Таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш. Таълимни лицензиялаш	Таълим ва меҳнат соҳаларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш
<b>Ташкилий</b>	Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини таъминловчи тузилмалар яратиш	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича маслаҳатлар бериш. Худудларни ривожлантиришда инсон капиталнинг ўрни бўйича илмий тусдаги тадбирлар ташкил қилиш
<b>Ижтимоий-руҳий</b>	Маънавий рағбатлантириш / чекловлар. Моддий рағбатлантириш / чекловлар	Инсон капитални шакллантириш ва ундан фойдаланиш борасида ахборот базасини яратиш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган воситалар қуйидаги усуллар билан ифодаланади:

- инсон капитални ва аҳолининг алоҳида тоифаларини шакллантириш билан боғлиқ ҳар иккала алоҳида соҳаларнинг молиявий хавфсизлигини оширишга қаратилган иқтисодий усуллар;

- инсон капитални шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун институционал муҳитни яратиш билан боғлиқ маъмурий ва тартибга солувчи усуллар;

- ижтимоий-психологик, моддий ва маънавий рағбатлантириш механизминини шакллантириш, аҳолининг касбий кўникмаларини такомиллаштириш каби мақсадлар учун маблағ сарфлашга ундаш.

Билвосита таъсир кўрсатадиган восита фақат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар иштирокчиларини ўзларининг инсон капитали ривожланиш даражасини оширишга ундаш учун зарур шарт-шароитларни яратишни ўз ичига олади.

Инсон капиталини бошқаришнинг у ёки бу усуллари кўпинча индивидуал эмас, балки тизимли равишда ташқи муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларни, бошқариш объектининг мураккаб тузилишини, уни шакллантириш ва ишлатиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Шунинг учун ёдда тутиш керакки, бир хил воситаларнинг турли шароитларда самарадорлиги турлича бўлади.



**3.2.1-расм. Инсон капиталини бошқариш механизмнинг таркибий қисмлари**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шу йўсинда, масалан, бошқарув объекти шаклланиши (инсон капиталини шакллантириш) мавжуд бўлган тақдирда, тўғридан-тўғри иқтисодий, тартибга солиш ва бошқа усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо инсон капитали аллақачон шаклланган ва у меҳнат

фаолиятида амалга оширилаётган бўлса, тўғридан-тўғри усуллар унчалик самара бермайди, ушбу вазиятда билвосита усулларга устунлик бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу боис, инсон капитални шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг ҳар бир босқичида бошқариш мақсадлари ва усуллари аниқлаштириш талаб қилинади. Тадқиқотлар жараёнида умумий ва хусусий инсон капитални шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланди, бундан ўз навбатида умумий ва хусусий инсон капитални ўзаро яхлитликда фавқулодда мураккаб жараён эканлиги борасида ҳулоса келиб чиқади. Бу борада ҳудудларда инновацион фаолликни оширишда давлатнинг ислоҳотчилик ўрни муҳим эканлигини таъкидлашимиз ўринлидир (3.2.1-расм).


**Биринчи босқич** давлат, нодавлат, давлат-хусусий шерикчилигига асосланган таълим ташкилотларида умумий инсон капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Мазкур босқичда инсон капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган чоратадбирлар давлат зиммасига юклатилади, давлат тартибга солишнинг маъмурий, иқтисодий усулларида фойдаланган ҳолда, жараёнларни мувофиқлаштиради.

**Иккинчи босқич** нафақат умумий билим ва кўникмаларни шакллантириш, балки улардан амалда фойдаланиш билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Мазкур босқичда инсон капиталдан самарали фойдаланиш ва инсон капитални янада бойитишга алоҳида урғу берилади.

**Учинчи босқич** умумий ва хусусий инсон капитални доимий бойитиб бориш ва меҳнат жараёнида инсон капиталдан самарали фойдаланган ҳолда, меҳнат салоҳиятини оширишни кўзда туттади.

**Тўртинчи босқич**да инсон капитални бошқаришнинг тўғридан-тўғри усуллари, ҳам билвосита усулларида фойдаланилган ҳолда, таълим ва касбий маҳоратни яхшилашга туртки яратишга алоҳида урғу берилади.

Инсон капиталини бошқаришнинг санаб ўтилган босқичларининг ўзаро узвийлиги шундан иборатки, барча босқичларда асосий эътибор жамият аъзоларининг саводхонлик даражасини ошириш, уларнинг касбий маҳоратларини мустаҳкамлаш ҳисобига жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир.



**3.2.2-расм. Инсон капиталини бошқариш механизми.**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Ушбу механизмнинг амалда самарали ишлаши ва кўзланган натижаларни таъминлай олиши кўп жиҳатдан Республика ва ҳудудлар даражасида амалга оширилувчи ижтимоий сиёсат ва инсон капитали сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига боғлиқдир, бунда ҳудудларни инновацион ривожлантириш асносида инсон капитали сифатини таъминлаш муаммоларини

аниқлаштиришга қаратилган мониторингни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мониторинг объекти минтақа аҳолисининг инсон капитали бўлиб хизмат қилади. Мониторингнинг мақсади - инсон капитали ривожланиш даражасининг ҳудуднинг инновацион ривожланиш даражасига мувофиқлигини аниқлашдан иборат (**5-илова**).

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш асносида инсон капиталини бошқариш мониторинги ижтимоий соҳага масъул ҳудудий давлат бошқаруви идораларининг буюртмасига асосан амалга оширилади, мониторинг Ўзбекистон Республикасида инсон капитали сифатини ошириш борасида мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва мазкур муаммоларнинг тезкор ечимига хизмат қилувчи чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Аҳолининг касбий тайёргарлик йўналишлари самарадорлиги мониторингини ташкил этишда ҳудудий бандлик органлари ва ҳудудларда ташкил этилган мономарказлар ҳудудда жойлашган илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқ.

Мониторингнинг бир неча босқичда ташкил этилиши кўзда тутилган. **Биринчи босқичда** аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилади, бунда респондентлардан қайта тайёрлаш ва касб-хунарга ўқитиш дастурлари ва малака ошириш курсларидан нимани кутаётганликлари, уларнинг бундай жараёнларда қатнашишларини рағбатлантирувчи омиллар ва чекловлар аниқлаштирилади.

**Иккинчи босқичда**, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг самарадорлиги баҳоланади. Сўровнома натижаларидан манфаатдор томонлар келгусида режалаштирилган тадбирлар самарадорлигини оширишда кенг фойдаланадилар. Ижтимоий сўровнома таркибига курсларнинг умумий самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш, курслар

фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ тавсияларни шакллантиришга хизмат қилувчи саволлар жамланамаси киритилади.

Курслар ва тренингларнинг самарадорлиги янги мутахассисликни ўзлаштириш маҳоратини ошириш, янги асбоб-ускуналарда ишлай олиш, АКТ ва хорижий тилларни ўзлаштирганлик даражаси, меҳнат унумдорлигини ошириш каби йўналишларда беш балли тизим (1 - паст кўрсаткич, 5 - юқори кўрсаткич) бўйича баҳоланади (баллар ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади ва ўқув жараёнининг барча иштирокчилари учун ўртача балл кўрсатилади). Сўровнома натижаси сифатида фаолиятни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаштириш хизмат қилади. Корхона ва ташкилотларнинг HR бўлими ходимлари тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида таклиф қилинади. Баҳолаш натижалари жараён иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ижтимоий сўровнинг ўзига хос жиҳати шундаки, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг самарадорлиги нафақат ходимлар, балки иш берувчилар томонидан ҳам баҳоланади.

“Кириш” ва “чиқиш”да ўтказиладиган мониторингнинг ижобий жиҳатларидан бири шундан иборатки, ушбу жараённинг турли субъектлари томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот базасини шакллантириш билан бир қаторда иш берувчилар ва ўқув марказлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш таъминланади.

Бинобарин, мониторинг Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш манфаатлари, умумий ва хусусий инсон капиталини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш нуқтаи назаридан инсон капиталини ривожлантириш воситалари ичида муҳим саналади.

### **3.3. Инсон капитали сифатини яхшилашга кўмаклашувчи институтлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**

Инновацион иқтисодий ривожлантириш шароитида жамият аъзоларининг ўзгаришларга тезкор муносабатини таъминлаш, эгалланган билим ва кўникмаларнинг замон талабларига мослаштириш зарурати туғилади.


Глобал Инновацион индекс 2020 маълумотларига кўра, инновацияларни ўзгартиришга таъсир қилиши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар кирази.

- ностандарт ечимларни топа оладиган ижодий фикрлайдиган ходимларнинг мавжудлиги;
- “юқори даражадаги техник тайёргарликка эга ходимларнинг мавжудлиги”;
- “бюджет маблағларидан фойдаланиш борасида бюрократик тўсиқларини камайтириш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламларининг ўсиши<sup>118</sup>.

Тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшадиган ва тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилган сўров ўтказилди.

---


<sup>118</sup> [https://www.wipo.int/global\\_innovation\\_index/ru/2020/](https://www.wipo.int/global_innovation_index/ru/2020/)



**3.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида инновацияларни ривожлантириш борасидаги чекловлар, 2020 йил (респондентлар сонига нисбатан %да)**

Манба: Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшадиган ва тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилган сўров натижалари, 2020 йил.

3.3.1-расмда Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланишга тўсқинлик қилувчи омиллар қаторида, корхоналар раҳбарлари ва университет профессор-ўқитувчиларининг фикрларига кўра, 2020 йилда биринчи ўринларни иқтисодий (шу жумладан молиявий) ва ходимлар билан боғлиқ омиллар қайд этилган.



**3.3.2-расм. Ўзбекистон Республикасида инновацияларни ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар, 2020 йил (респондентлар сонига нисбатан %да)**

Манба: Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва Сирдарё вилоятида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшадиган ва тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилган сўров натижалари, 2020 йил.



Шу билан бирга, 3.3.2-расмда иккала гуруҳ респондентларининг кўриб чиқиладиган омиллар тўғрисида фикри ўхшаш бўлган, аммо 2020 йилда баъзи позициялар бўйича фарқлар қайд қилинган.

3.3.2-расмда 2020 йилда профессор-ўқитувчиларининг фикрича Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланишни таъминлашда ишлаб чиқариш ва меъёрий-ҳуқуқий омиллар, корхона раҳбарларининг фикрича, инновацион тараққиётни таъминлашда бошқарув ва ахборот омилларнинг ўрни ва аҳамияти ортган, шу билан бир қаторда институционал ва ташкилий- иқтисодий омилларга эътибор қаратила бошланди.

Шу билан бир қаторда, инсон ресурслари Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш омиллари орасида ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. 3.3.1-жадвал маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси инновацион трансформациялар шароитида ривожлантириш имкониятларини ўртача (45%) ва паст (31%) даражада баҳолайдилар.

### 3.3.1-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида инсон ресурсларининг инновацион ривожланиш даражаси, респондентлар сонига нисбатан, %да

Жавоблар варианты	2019 й.	2021 й.	Мутлоқ фарқ (2021-2019)
<b>Инсон ресурсларини ривожлантиришнинг замонавий имкониятларини қандай баҳолайсиз?</b>			
Етарлича баланд	7,8	11,9	4,1
Ўртача	62,3	45,2	-17,1
Паст	20,8	31,0	10,2
Жавоб беришга қийналаман	9,1	11,9	2,8
<b>Ходимлар сифатини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар борми?</b>			
Ҳа	14,3	16,7	2,4
Қисман	48,1	35,7	-12,4
Йўқ	27,3	31,0	3,7
Жавоб беришга қийналаман	10,4	16,7	6,3

Манба: Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшадиган ва тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилган сўров натижалари, 2021 йил.

Респондентларнинг тахминан учдан бир қисми ходимлар ривожланиши соҳасидаги ўзгаришларни тизимли тавсифга эга эмас, деб ҳисоблайдилар, сўралганларнинг яна шунчаси ижобий ўзгаришлар мутлақо сезилмаяпти, деб ҳисоблайдилар (3.3.1-жадвал).

Ижтимоий ва меҳнат соҳасидаги муаммолар ҳудудий корхоналарни кадрлар билан таъминлашда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида иш берувчиларнинг 80% и 2019 ва 2021 йилларда мутахассислар ва ўрта менежерлар билан таъминланганлик даражасини қониқарли баҳолаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўтказилган сўровда инновацион бизнес раҳбарларининг 47 % и мутахассис ва муҳандис кадрлар танқислиги муаммосини, яна шунча кичик ва ўрта корхона раҳбарлари мос равишда 49 ва 52 % малакали ишчиларни излаш муаммолари ҳақида айтишган<sup>119</sup>. Сўровнома натижалари корхоналар раҳбарларининг деярли ярми Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими реал сектор талабларига мос келмайди, деган фикрда эканлигини кўрсатади. Кичик инновацион корхоналар раҳбарларининг қарийб 30 фоизи ва ўрта ва йирик компанияларнинг 35 фоизи университетларнинг техник ва табиий фанлар факультетлари битирувчиларини тайёрлаш даражаси пастлигини маълум қилишга бўлса; сўралганларнинг ярмидан кўпи - ўрта махсус маълумотли ишчиларни тайёрлаш даражаси пастлигини эътироф этишган.

3.3.2-жадвал маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида респондентларнинг қарийб ярми университетлар, техникумлар, коллежлар, касб-ҳунар мактаблари, лицейлар битирувчиларини тайёрлаш сифатини ўртача деб баҳолашган.

Тадқиқотлар жараёнида ўтказилган сўровларда, респондентлар тайёрланаётган кадрлар сифатини оширишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтишган (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвалда келтирилган натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўровномада иштирок қилган корхона ва ташкилот раҳбарларининг ярмидан кўпи касбий тайёргарлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини

---

<sup>119</sup> ЎзР ВМ ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси маълумотлари.

жонлантириш, академик таълимнинг амалий жиҳатларига урғу бериш орқали вазиятни ўнглаш мумкинлиги ҳақида фикр билдиришган.

### 3.3.2-жадвал.

#### Инсон ресурслари сифатини ошириш воситалари (респондентлар сонига нисбатан %да)

Жавоб варианты	2019 й.	2021 й.	Мутлоқ фарқ (2021-2019)
Одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш	57,6	59,5	1,9
Университет ва академик фанларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш	60,0	54,8	-5,2
Одамларнинг касбий салоҳиятини англаши ва мартаба ўсиши учун шароит яратиш	31,8	50,0	18,2
Кадрларни доимий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш	31,8	40,5	8,7
Таълим тизимининг инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган янги авлод стандартларига ўтишига қўмаклашиш	29,4	35,7	6,3
Таълим ва илмий салоҳиятни бирлаштириш	14,1	28,6	14,5
Тиббиётдаги тизимли ўзгаришларни амалга ошириш	20,0	23,8	3,8
Инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш	12,9	21,4	8,5
Бошқа	0,0	4,8	4,8

Манба: Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари ва Ўзбекистон Республикасининг айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўртасида инновацияларни ривожланишига ҳисса қўшадиган ва тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилган сўров натижалари, 2021 йил.

Бугунги кунда инсон капиталини шакллантириш ва ундан амалда самарали фойдаланишни ташкил этиш борасидаги вазият қувонарли натижаларни бермайди. Баъзи маълумотларга кўра, мамлакатимизда иш берувчиларнинг 70 фоизга яқини таълим муассасалари, айниқса касбий таълим муассасалари билан яқиндан алоқа қилмайди. Давлат-хусусий шерикчилиги алоқаларини ривожлантириш, таълим тизимида рақобат муҳитини қарор топтириш орқали мазкур муаммога ижобий ечим топишимиз мумкин. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида” 2020 йил

11 августдаги ПҚ-4804-сон қарори<sup>120</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.04.2021 йилдаги 183-сон Қарори<sup>121</sup> билан мамлакатимиз ҳудудларида ишга марҳамат (мономарказ) марказларини ташкил қилиш кўзда тутилган. Бугунги кунда бутун мамлакат бўйлаб 18 дан ортиқ шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Кўп функционал амалий малака марказлари фаолияти иқтисодий ривожланиш дастурлари ва стратегияларини, юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишни кадрлар билан таъминлаш, тегишли соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини амалга ошириш, маҳаллий меҳнат бозорларини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган.<sup>122</sup> Ушбу марказларнинг фаолияти таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги номувофиқликни бартараф этишга қаратилган бўлса-да, мамлакатнинг бундай марказлар аллақачон ташкил этилган ҳудудларида уларнинг фаолиятида маълум муаммолар учрайди. Бундай муаммолар қаторида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш, касбий таълим муассасаларининг қисқа муддатли таълим дастурларини амалга оширишга йўналтириш билан боғлиқ хатарларнинг мавжудлиги; иш берувчилар вакиллари иштирокидаги касб-хунар таълими дастурларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва экспертизадан ўтказиш бўйича тадбирларнинг суст ташкил қилинганлиги; ўқув ва услубий ишларнинг бугунги кун талабларидан орқада қолаётганлиги кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Аниқланган муаммолар ечимини излаш асносида ушбу муассаса фаолиятининг аниқланган муаммолари, бундай марказлар фаолиятини

---

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 11.08.2020 йилдаги ПҚ-4804-сон “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4945748>

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 05.04.2021 йилдаги 183-сон “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. <https://lex.uz/docs/5354947>

<sup>122</sup> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2021 й., 09/21/183/0283-сон, 30.04.2021 й., 09/21/258/0400-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.10.2021 й., 09/21/656/0996-сон, 27.12.2021 й., 09/21/774/1198-сон)

қуйидагича ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. (3.3.3-расм).

Биз таклиф қилаётган моделда Амалий Малака Марказининг фаолияти ўзаро боғлиқ иккита жараён: бир томондан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва услубий кўмаклашиб бориш, бошқа томондан уларни амалга ошириш блокларини амалга оширишни ўз ичига олади.




**3.3.3-расм. Амалий малакалар маркази фаолиятининг модели**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Амалий малака марказлари таркибига инновациялар ва инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва таълим бериш функцияларини амалга оширувчи, шунингдек, инновацион иқтисодиёт учун юқори малакали кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасаларини ва илмий - тадқиқот ташкилотларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади (3.3.4-расм).

Амалий малака марказлари субъектлари орасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этиш узоқ муддатли тавсифга эга тизимли, корпоратив муносабатлар тамойилига асосланиши зарур. Шу билан бирга, марказни бошқаришда, таркибий қисмлардан бирининг ривожланиши ёки деградацияси бутун тизим учун умуман ижобий ёки аксинча, салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёдда тутиш керак.



### 3.3.4-расм. Амалий малака ошириш маркази асосий субъектлари вазифалари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Кўп функционал амалий малака марказ доирасида қуйидаги йўналишларда тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинади:

Биринчи йўналиш доирасида ўқув жараёнини услубий қўллаб-қувватлаш ва кузатиб бориш, дастурларни шакллантириш ва уларни амалга ошириш воситаларини ишлаб чиқиш амалга оширилади.

